

Хуршида Нишонова

**АЪЗАМ ЎКТАМ
ИЖОДИДА ЭСТЕТИК
ИДЕАЛ**

**“Аржуманд МЕДИА” нашриёти
Наманган-2023**

УЎК: 821.512.133-9

КБК: 84(Ўзб)7

Н-70

Нишонова, Хуршида

Аъзам Ўктам ижодида эстетик идеал: Монография / Х.Нишонова. – Наманган. “Аржуманд медиа” нашриёти, 2023, - 120 б.

Эстетик идеал ўтган асрнинг 80-90 йилларида адабиётимизда ўз ўрни ва овозига эга Аъзам Ўктам асарларида янгича мазмун-моҳият касб этди ва шаклланди. Шоирнинг “Кузатиш”, “Кузда кулган чечаклар”, “Зиёрат”, “Қирқинчи баҳор”, “Саодат манзили”, “Осмон олис”, “Саҳар вақти юрак йиғлар” сингари тўпламлари ва “Хабар” қиссаси лирик қаҳрамон эстетик идеали қиёфасини белгилаб беради. Монографияда шоир эстетик идеалини очувчи “ошиқ”, “маъшуқа”, “рақиб” ва “дўст” образларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Илмий тадқиқотдан шу соҳада изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, олий ўқув юрти талабалари ҳамда адабиёт ихлосмандлари фойдаланишлари мумкин.

Илмий раҳбар: **Ҳабибулла ЖЎРАЕВ,**
Филология фанлари доктори, профессор.

Масъул муҳаррир: **Мўминжон СУЛАЙМОНОВ,**
Филология фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар: **Муҳайё ЙЎЛДОШЕВА,**
Филология фанлари номзоди, доцент

Комилжон АБДУЛЛАЕВ,
Педагогика фанлари номзоди, доцент.

Ушбу монография Наманган давлат университети илмий-техникавий кенгашининг 2022 йил 10 декабрдаги 12-сонли йиғилиш қарори билан чоп этишга тавсия этилди.

ISBN: 978-9943-8923-2-3


©Хуршида Нишонова, 2023
©»Аржуманд МЕДИА» нашриёти, 2023

АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИНИНГ ДАСТЛАБКИ ТАДҚИҚИ

Шоир Аъзам Ўктам ўз овозига, аниқ ижтимоий ва эстетик принципларига эга хассос шоирларимиздан эди. Аъзам Ўктам ўтган асрнинг 80-йилларида, истиқлол арафасида адабиётимизга кириб келган уйғоқ, миллатсевар адиб, нафақат бутун вужуди истиқлол ва эрк, озод сўз соғинчи ила ёнган, балки мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин ҳам миллий-маънавий юксалишни орзу қилган ижодкор, шунинг баробарида иймон сувратини сўзда акс эттирган шоир ҳамдир.

Аъзам Ўктам XX аср ўзбек шеъриятининг ёрқин сиймоларидан бири, ўзининг 42 йиллик қисқа ҳаёти давомида дунё юзини кўрган “Кузда кулган чечаклар”, “Кузатиш”, “Зиёрат”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор” каби шеърий тўпламлари, “Хабар” қиссаси билан адабиётимиз тарихида ўчмас из қолдирди. У Қуръони карим, “Мухтасар”, “Камол эт касбким...”, “Бобурнома”, “Шажарайи тарокима”, “Саботул-ожизин”, “Тўрт улус тарихи” каби ўлмас асарларга муҳаррирлик қилган, жаҳон адабиётининг етук намоянадалари Ханс Кристиан Андерсен, Р.Тагор, Б.Дадье, Н.Рубцов, В.Висоцкий асарларини маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган.


Аъзам Ўктам ижодида эстетик идеалнинг миллий, шарқона моҳият касб этиши жараёнлари кўзга яққол ташланади. Аъзам Ўктам ижодида шахс ва қалб озодлиги, миллат ва юртсеварлик, садоқат ва диёнат, диний-илоҳий мушоҳада, миллат характери, тафаккур тарзи каби ҳеч қачон эскирмас ғоя, тамойил ва мавзулар юксак маҳорат билан талқин қилинди. Айнан шу жиҳатдан шоир ижоди мисолида айнан “эстетик идеал” муаммосини қўйишнинг бош сабаби ҳам шоир ижодига хос янгиланишлар, ўзгаришлар динамикаси билан боғлиқ. Бу жиҳат эса, ўз навбатида Хуршида Нишонованинг “Аъзам Ўктам ижодида эстетик идеал” тадқиқоти мавзусининг долзарблиги ва



янгилигидан далолат беради. Ишга манба қилиб, умуман Аъзам Ўктам ижоди олинган. Тадқиқотчи Аъзам Ўктам асарларини муайян хронологик тартиб асосида, шоир ижодидаги эврилишлар жараёнида кузатишга ҳаракат қилган.

Тадқиқот уч асосий боб ва тўққиз бўлимдан ташкил топган.

Биринчи бобда тадқиқотчи эстетик идеал ўзи нима, бунинг поэзиядаги ўрни ва моҳияти қандай деган саволларга жавоб топишга уринади, айти масала талқинида тўғри йўналиш олиш учун Аъзам Ўктамнинг ўз асарларидан, бадий-публицистик мақолаларидан, шунингдек, Баҳодир Саримсоқов, Дилмурод Қуроноф, Баҳодир Каримов, Узоқ Жўрақулов, Вафо Файзулло, Улуғбек Ҳамдам, Адиба Давлатова сингари олим ва ижодкорларнинг фикрларидан таянч манба сифатида фойдаланади. Идеал, эстетик идеал тушунчаларининг бошқа жаҳон халқлари адабиётшунослиги ва фалсафа луғатларидаги изоҳлари, талқинларига мурожаат қилади. Шу тарзда адабиётда эстетик идеал масаласи ҳақида муайян тўхташга келади. Ишнинг кейинги боби мана шундай назарий тайёргарлик асосида шакллантирилган. “Аъзам Ўктам ижодида эстетик идеалнинг анъанавийлиги” деб номланган бобда тадқиқотчи Аъзам Ўктам эстетик идеалнинг миллий, ижтимоий ва шахсий омилларини белгилашга ҳаракат қилади. Аъзам Ўктам ижодига хос учлик образи – Ошиқ, Маъшуқа ва Рақибнинг бадий вазифасини аниқлайди. Бунда ўзбек бадиияти тарихидаги анъанавий образлар тизими ва бунинг Аъзам Ўктам талқинида ўзига хос тарзда намоён бўлиши ҳақида фикр юритади. “Аъзам Ўктам ижодида эстетик идеалнинг янгиланиши ва барқарорлашуви” қисмида шоирнинг “Икки дунё саодати” тўплами ва “Хабар” қиссаси асос қилиб олинган. Аъзам Ўктам ижодидаги поэтик образлар моҳиятидаги ўзгаришлар, шарқ маънавияти, хусусан, ислом




маърифатига доир бадий талқинларни кузатиш мумкин. Тадқиқотчи Аъзам Ўктам бадииятидаги мана шундан эстетик янгиланишлар нафақат миллий, балки умумбашарий моҳиятга эга эканини асослашга уринади.

Айтиш мумкинки, эстетик идеал ўтган асрнинг 80-90 йилларида адабиётимизда ўз ўрни ва овозига эга Аъзам Ўктам асарларида янгича мазмун-моҳият касб этди ва шаклланди. Шоирнинг “Кузатиш”, “Кузда кулган чечаклар”, “Зиёрат”, “Қирқинчи баҳор”, “Саодат манзили”, “Осмон олис” сингари тўпламлари лирик қаҳрамон эстетик идеали қиёфасини белгилаб беради. Хуршида Нишонова “Аъзам Ўктам ижодида эстетик идеал” тадқиқотида ўз олдига қўйган вазифага эришган. Ишнинг аксарият ўринларида тадқиқотчининг бадий асарни тушуниш, эстетикасини инкишоф этиш ва илмий фикрлаш салоҳияти намоён бўлган. Монографияда шоир эстетик идеалини очувчи “ошиқ”, “маъшуқа”, “рақиб” ва “дўст” образларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Илмий тадқиқот шу соҳада изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, олий ўқув юрт талабалари ҳамда адабиёт ихлосмандларининг қалбидан жой олади.

Мўминжон Сулаймонов

Наманган давлат университети,
филология фанлари номзоди, доцент



«Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди»¹.

Ш.Мирзиёев


МУҚАДДИМА

Илм, фан, санъатнинг барча соҳалари каби адабиёт, хусусан, поэзия ҳам маълум анъаналарга бўйсунди, аммо бу қонуният қайсидир мезонга мутлақ мос тушади дегани эмас. Бугунги кунда тинимсиз ҳаракатда бўлган ўзбек адабиётида шоир эстетик идеалини ўрганиш фойдадан ҳоли эмас, албатта. Негаки, эстетик идеал *“бадий ижодга хос энг муҳим тушунчалардан бири бўлиб, у ижодкорнинг хоҳиши, истаги асосида ётувчи нарса ва шахснинг қандай даражада бўлишини англатади”².*

Мустақиллик даври ўзбек адабиётида бўй кўрсатган бу ҳодиса салкам бир асрлик бадий анъаналарни бузиб юборди. Бу эса ўзбек адабиётидаги, хусусан, шеърийтадаги сокинликка жон бағишлади. Шу боис юзага келган жўшқин кўнгил битикларидаги бадииятни аниқлаш, унинг пайдо бўлиши, индивидга, миллатга ва умуминсонга хос алоҳида жиҳатларни шоир Аъзам Ўктам ижоди мисолида таҳлил қилиш ўз ечимини кутаётган масалалар сирасига киради. Ушбу изланишнинг мақсади ҳам Шоир Аъзам Ўктам шеърларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва унда воқеаланган эстетик идеални тадқиқ этишдан иборатдир.

¹ <https://www.xabar.uz/uz/madaniyat/shavkat-mirziyoyev-adabiyot-sanat-va>

² Ҳотамов Н., Саримсоқов Б., Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати, -Тошкент: Ўқитувчи, 1979. 16-б.



Аъзам Ўктам ижодига хос хусусиятлар, унда эстетик идеал бадийлигини таъминлаган омилларни кўриб чиқиш ишимизнинг мақсадини тайин этади. Ушбу мақсадга эришиш учун идеал ҳақидаги назарий қарашларни умумлаштириш билан бир қаторда:

- идеалнинг юзага келиши ва бадий адабиётда воқеланишини;

- анъанавий ва янги эстетик идеалнинг фарқли ва ўхшаш томонларини;

- Аъзам Ўктам ижодига хос эстетик идеал мезонларини;

- шоирнинг анъанавий эстетик идеалига хос жиҳатларни ҳамда унинг янгиланишига сабаб бўлган омилларни;

- шоир шеъриятида тасаввуфий рамзларнинг учраши, ҳамда поэтик образлар воситасида эстетик идеал воқеланишини текшириш каби вазифаларни бажариш лозим.

Шоир ҳаёти, руҳий кечинмалари, қиёфаси битикларида намоён бўлади. Асар мутолаасига берилган ҳар қандай ўқувчи ижодкор дардини англагандай бўлади. Аммо бор ҳолича тушуниш, асарларига тўлиқ баҳо бериш учун у ҳақидаги тадқиқотлар билан ҳам танишишга эҳтиёж туғилади. Бизгача соҳа вакиллари, адабиёт муҳиблари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф³ Баҳодир Каримов⁴, Абдурахмон Примқулов⁵, Вафо Файзулло⁶, Сайди Умиров⁷,


³ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Аъзам Ўктам хотираси, www.islom.uz

⁴ Каримов Б., Аъзам шоирнинг Ўктам овози// Шарқ юлдузи журнали, 2010 йил 5-сон.

⁵ Примқулов А., Аъзам Ўктам соғинчи// Ёшлик журнали, 2009 йил 5-сон, 33-34 б.

⁶ Вафо Файзулло, Эл кўнглини кўтарган шоир, Маънавият. 2006, 10-октябрь. www.islom.uz

⁷ Умиров С., “Жилмайиб ётайин Фарғонага келиб...” (Аъзам Ўктам ёди) // Аъзам Ўктам, Осмон яқин, -Тошкент: АБУ МАТБУОТ-КОНСАЛЪТ 2011, 132-137-бетлар.



Рауф Парфи⁸, Ҳалима Худойбердиева⁹, Нодир Жонузоқ¹⁰лар турлича талқинларда шоир ижоди бадииятига, шахсий фазилатларига, адабий кечим(жараён), балки, адабий тафаккурдаги ўрнига баҳо бериб, янги қирралари тўғрисида муносабат билдирганлар.

Жумладан, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзининг *“Аъзам Ўктам хотираси”* номли мақоласида шоирнинг *“Тараддуд”* тўплами ҳақида фикр билдириб, қуйидаги хулосага келади. Китобда *“миллий руҳ, ўзбекчилик, баъзи бир бошқа муаммолар ҳам ниҳоят жиддийлик билан, усталик билан кўтарилган. Бу китобни ўқиган ҳар бир китобхон, шеър шайдоси, жиддий мулоҳазаларга келиши ва ажойиб бир маънавий озуқа олиши турган гап”*¹¹.

Адабиётшунос олим, устозимиз Баҳодир Карим эса ўзининг *“Аъзам шоирнинг ўктам овози”* номли мақоласида шоир шеъриятининг соф бадий қимматини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Олим шоир асарларидаги лирик қаҳрамон муаллифнинг ўзи эканини ишоралаб, *“Аъзам Ўктам табиатида хос тўғрилиқ, қатъият, аския, ҳазилга мойиллик, ҳозиржавоблик каби хусусиятлар шеърларида ҳам мужассамини топган”*¹², дея ёзади.

Вафо Файзулло ҳамда Абдурахмон
Пирмуҳаммедовларнинг ёзганлари хотира тарзида

⁸ Рауф Парфи, Мен баҳорман музлаган оташ// “Тонг юлдузи” газетаси, 2005 йил.

⁹ Худайбердийва Ҳ., Аъзам Ўктам хотирасига//Аъзам Ўктам ёди//Аъзам Ўктам, Осмон яқин, -Тошкент: Абу матбуот-консалт 2011, 140-бет.

¹⁰ Нодир Жонузоқ, Бир шоир ўтди// “Туркистон” газетаси 2005 йил.

¹¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Аъзам Ўктам хотираси, www.islom.uz

¹² Каримов Б., Аъзам шоирнинг ўктам овози// Шарқ юлдузи журнали 2010 йил 5-сон.



битилган бўлиб, улар шоирнинг жамият аъзоси сифатидаги позицияси ҳақида маълумот беради.

Аъзам Ўктам бадиий ижодини ўрганиш замонавий ўзбек адабиётшунослигида ўз ўрнига эга деб ўйлаймиз. Бу борада кўп масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Инсон руҳияти ҳамиша ўзгариб туради. Бу ҳол бадиий ижод жараёнидаги лирик қаҳрамон, яъни муаллиф дунёқараши доирасида янги-янги идеаллар юзага келишини таъминлайди. Ана шу тинимсиз ўзгариб, янгиланиб бораётган идеалнинг маъно-моҳияти, хусусиятларини тадқиқ этиш ишимизнинг илмий салмоққа эга эканлигини кўрсатади.

Аъзам Ўктамнинг *“Кузда кулган чечаклар”*¹³, *“Кузатиш”*¹⁴, *“Тараддуд”*¹⁵, *“Зиёрат”*¹⁶, *“Икки дунё саодати”*¹⁷, *“Қирқинчи баҳор”*¹⁸, *“Осмон яқин”*¹⁹, *“Саҳар вақти юрак йиғлар”* номли шеърий тўпламлари ва *“Хабар”* қиссасини баҳоли қудрат ўрганиш, тадқиқ этиш ва фикр айтишга уриндик.

¹³ Аъзам Ўктам, *Кузда кулган чечаклар*, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989.

¹⁴ Аъзам Ўктам, *Кузатиш*, -Тошкент: Ёш гвардия, 1990.


¹⁵ Аъзам Ўктам, *Тараддуд*. -Тошкент: Чўлпон, 1993.

¹⁶ Аъзам Ўктам, *Зиёрат*, -Фарғона, Янгиқўрғон, 1992.

¹⁷ Аъзам Ўктам, *Икки дунё саодати*, -Тошкент: Чўлпон, 1998.

¹⁸ Аъзам Ўктам, *Қирқинчи баҳор*, -Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999.

¹⁹ Аъзам Ўктам, *Осмон яқин...* -Тошкент: Абу Матбуот – Консалът, 2011.



ШЕЪРИЯТДА ЭСТЕТИК ИДЕАЛ

Идеалнинг назарий талқинлари

Адабиёт, борингки, бутун санъат олами ҳаётнинг барча томонларини истисносиз, аввалидан охиригача ўргатиши керак бўлса, унда инсонни борлиқнинг энг умумий қонуниятларидан огоҳ этувчи фалсафа нимага керак, инсоннинг маънавий-ахлоқий камолот сари етаклашга даъват этилган дин нимага керак? Оламнинг турли қисмлари ва ўлчамларига хос қонуниятларни ўрганувчи илм-фан нимага керак? Инсоннинг асрлар давомида йиғиб, бойитиб бориладиган ва авлоддан авлодга, халқдан халққа, қитъадан қитъага узатиб келинадиган амалий тажрибалар нимага керак? Модомики, инсон туғилиб, яшаб, фаолият кўрсатиб келаётган экан, демак юқорида юзага келган саволларга жавоб топишига эҳтиёж туғилади. Бу эҳтиёж ижтимоий ҳаётда орзу-умид тарзида ифода этилиб, бадий адабиётда юксак пафос билан йўғрилган идеал, яъни эстетик идеал қиёфасида шаклланади.

Адабиёт, санъат ва бадий ижод жараёнини текширган олимлар асар сюжети, архитектуроникаси, бадий тили, структураси ҳақида қимматли фикрларни айтишган. Лирик, эпик ва драматик турга мансуб асарларда хилма-хил тасаввур, ҳукм-хулосалар бир нуқтада, ижодкор назарда тутган мақсад атрофида бирлашиб, моҳиятан барқарорлашади. Сўз ва бадий ижод жараёнидаги бу ҳодиса адабиётшунослик ва фалсафадаги “идеал” истилоҳи



билан тушунтирилади. Шу ўринда бир савол туғилади: “Идеал ўзи нима?” Таниқли рус адиби Лев Николаевич Толстой идеал ҳақида: “... у йўлчи юлдуздир. Усиз аниқ йўлни топши қийин, аниқ йўл бўлмаса ҳаёт ҳам йўқ”²⁰, деб ёзганди.

Санъаткорнинг эстетик идеали тушунчаси жаҳон илмида анча чуқур ва атрофлича текширилган. Мафкуралар, ижтимоий тузумлар, дунёқарашлар ўзгариши билан боғлиқ равишда эстетик идеал ҳам ҳамиша янгиланиб борган.


Эстетик идеал деганда, одатда муайян бир инсон шахси ёки ижтимоий ҳодисанинг бошқалар томонидан юксак намуна, олий мақсад, ҳамда мукамаллик тарзида қабул қилинишини назарда тутиб келинган. У тасаввурдаги шахс ёки жамиятни реал шахслар ва мавжуд жамиятдан юқори қўйиш, яъни идеаллаштириш билан боғлиқ. Аслида ҳам инсон шундай, ҳамиша ўз оламидан яратган орзу-истак сари интилади. Бир сўз билан айтганда, идеаллар асли қадриятлар билан боғлиқ бўлиб, қадрият унинг объектдаги инъикоси тарзида юзага келади.

Манбаларда идеалга қуйидагича таъриф берилади.

“Идеал(грек. idea – тарз, образ, тушунча) бирор-бир нарсада намуна, камолот, айрим кишининг, группанинг, синфнинг интилиши ва хатти-ҳаракатини белгилайдиган олий мақсад”²¹. “Идеал (фр. ideal, лот. idealus - қиёфа, мезон, мукамаллик) – орзу-интилишнинг олий мақсади. Кенг

²⁰ Воронсев В.Й., Тафаккур гулшани, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981 йил, 124-б.

²¹ Философиядан қисқача луғат, -Тошкент: Ўқитувчи, 1973 йил, 89-б.



маънода у ёки бу ҳодисанинг энг яхши, энг қадрли, энг мукаммал ҳолати”²².

“Идеал (юн. *idea* – тимсол, ғоя, тушунча) бирор нарса, воқеа ва ҳодисанинг олий намунаси, камолот ва айрим шахслар гуруҳи, табақа ва жамият интилувчи олий мақсад”²³.

“Идеал (фр) энг юксак ва олийжаноб мақсад, энг орзу-тилак ва ғоя. Ҳар жиҳатдан яхши, бекаму қўст”²⁴.

“Идеал, эстетик идеал (юн. *idea* сўзидан фр. *ideal* – тасаввур, тушунча) эстетика, жумладан адабиётшуносликнинг муҳим миллий категорияларидан бири, гўзаллик, эстетик мукаммалликнинг юксак даражаси ҳақидаги ҳис этиладиган конкрет – тимсолий шаклда акс этувчи тасаввурлар жами”²⁵. Тириклик намунаси бўлган инсоният онгида ҳамиша мукаммаллик ҳақида тасаввурлар мавжуд бўлиб, у мукаммал инсон, мукаммал оила, мукаммал дўстлик, мукаммал жамият, мукаммал муносабатлар тарзида акс этади. Буларнинг бари идеал ва унинг борлиқдаги белгиларини ифодалайди. “умуман олганда, эстетик идеал ҳам шунинг бир қирраси, конкрет-тимсолий шаклда воқеланувчи гўзалликдир. Ҳақиқатда идеалнинг қирралари бутуннинг қисми бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди”²⁶. Идеалнинг ўзига хос табиатидан келиб чиқиб, адабиётшунослар идеалнинг


²² Фалсафадан изоҳли луғат, -Тошкент: Фан, 2008.

²³ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, тўрт жилдлик, 2-жилд, -Тошкент: 2002, 76-б.

²⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки жилдлик, 1-жилд, -Тошкент: 1989.

²⁵ Қуронон Д., Мамажонон З., Шералиева М., Адабиётшунослик луғати, -Тошкент: Академнашр, 2010, 106-б.

²⁶ Қуронон Д., Мамажонон З., Шералиева М., Адабиётшунослик луғати, -Тошкент: Академнашр, 2010, 106-107 б.




моҳиятини изоҳлашга уринишган. Адабиётшунос олим Дилмурод Қуронов идеални *“онг соҳасида – ҳақиқат, ахлоқ соҳасида – эзгулик, эстетика соҳасида – гўзалликдан иборат”* эканлигини таъкидлайди.

Адабиётда идеал бу ижодкорнинг эстетик позицияси, бадиияти ва маҳорати билан боғлиқликда намоён бўлади. Идеал бу – ижодий ниятлар, бадиий, фалсафий ғоялар қай тариқа, қандай шаклларда ифодаланиши. Шундай экан, кўнгилда туғилган ижодий мақсадни ғоят хилма-хил тарзда, шаклда акс эттириш мумкин.

Инсон ибтидодан интиҳо қадар орзу-интилишлар, хаёллар оламида яшайди. Бу қисмат уни олий мақсадлар сари етаклайди. Инсон кимгадир ёки нимагадир тақлид қилади. Бу инсон онгида илк бор пайдо бўлгувчи идеал суврати. Идеал йўлчи юлдуз каби кишини ўзига чорлаб туради. Инсон баъзан ўзи билиб, баъзан билмай нимагадир интилади, нимадандир куч олади. Лекин бу жараён ҳамиша ҳам зоҳирий бўлавермайди. Радий Фиш: *“Инсон кўзгусиз (у сайқалланмаган темирнинг сиртими, сув сатҳими, барибир) ўз чеҳрасини кўролмайди. У ўзга одамсиз ўзини билолмайди ҳам, зеро жамоат вакили бўлмиш инсон ўзлигини ўзгалар воситасида англаб, ўзгалар воситасида намоён этади”*²⁷, деб ёзганди. Демак, восита – мақсадга етказиш йўли. Мақсад эса ўзни кўриш, англаш, идеалдир. Аммо мақсад ҳамиша ҳам идеал бўлавермайди. Негаки, кимгадир муҳим саналган мақсад бошқа вазиятда муҳимлик хусусиятини йўқотиши мумкин. *“Идеал муайян ҳодиса ҳақида теран*

²⁷ Радий Фиш, Жалололдин Румий, -Тошкент: Фафур Гулом, 1986, 184-б




билим берадиган шу вақтнинг моҳияти ва келажак ҳақидаги тушунчадир”²⁸.

Демак, мақсад идеалнинг илк кўриниши экан, қачон мукамаллик касб этиб, умуминсониятга дахлдор бўлади? Бизнингча, мақсад бу алоҳида инсоннинг “мен”и олий даражасини ифодалаб, ундаги мукамаллик (тарбия, ўз-ўзини комилликка етиштириш) бир инсонга хос хилма-хил хислатлардан умумга хос хислатлар томон юксалишни ўз қамровига сиғдира олади. Айтмоқчимизки, мақсад олий даражага етган нуқта идеалнинг ибтидосидир.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари кишилари тафаккури тарихига назар ташласак, идеалнинг салмоқли ўринга эга эканини кўриш мумкин. Унинг куртакларини “Авесто”да, ундаги Ахурамазда, Зардўшт, Каюмарс, Йима ҳақидаги миф ва мадҳияларда, турли гот(кўшиқ)ларда кўриш мумкин. Меҳнаткаш халқнинг золим бошлиқларга қарши кураши, тинчлик ва эркин ҳаёт учун интилиши, ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг, бахт ҳақидаги қарашларнинг шаклланишига замин бўлди. Маздакийлар, ахийлар, массагетлар, саклар, сарбадорлар каби машҳур халқ ҳаракатлари мана шундай мазмунга эга.

Ижтимоий идеал утопияси ал-Фаробийнинг “Идеал шаҳар аҳолиси фикрларининг асослари” асарида, Абдураҳмон Жомийнинг “Хирадномаи Искандар”, Низомий Ганжавийнинг “Искандарнома” дostonларида ўз ифодасини

²⁸ Намозов М., Танқиднинг алвон туғи // Камалак, Адабий танқидий йиллик тўплам. - Тошкент: Ёш гвардия, 1990, 185-б.



топган. Адиб Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида ҳам идеал жамият ва давлат ҳақида қарашлар бор.


Рус адабиётшунос олими Е.Э.Бертельс Алишер Навоий ижодини ўрганар экан, алломанинг ижтимоий идеали тасвирланган “Садди Искандарий” достони тўғрисида: *“Навоий бу асардан кўзда тутган мақсади – комил подшо образи бўлиб, Искандар замонасининг хукмдорларига ибрат бўлиши лозим эди”*²⁹, дейди. *“Инсонга идеални табиат берган эмас. Инсоннинг ўзи яратган. Чунки унга воқеликни нуқсонлардан тозалаш ва шуурида унинг (идеалнинг) ёрқин образини кўриб чиқишга интилиши хос”*³⁰. Айтиш керакки, идеалга объектив баҳо бериб бўлмайди. Негаки, ҳар бир инсон алоҳида феномен бўлгани каби, у яратган идеалларни баҳоловчи мезонлар ҳам алоҳида бўлиши керак. Немис файласуфи Иммануэль Кант шу нуқтаи назардан идеалга субъектив ёндашишни тавсия қилади. Кўринадики, ижтимоий идеал маълум бир вазият, давр тақозоси билан юзага келади.

Эстетик идеал инсонни гўзалликка интилишини ифодалайдиган тасаввурлар асносида шаклланади ва бу Гегель илгари сурган фикрларда кўринади. Зеро, *“идеал, - дейди Гегель - ўз реаллиги билан айнанлашган ғоядир. Идеал мавжуд бўлиши учун ташқи шакл ўз-ўзича қалбга мос келиши керак. Яъни идеал жонли субъектнинг қалбига мос келадиган намунавий шаклдир”*³¹. У ҳамма вақт ижтимоий идеаллар билан боғлиқ бўлади.

²⁹ Е. Э. Бертельс, Изобранные труды Наваи и Джами, стр. 408.

³⁰ Иминский И., Постигая идеала, -Москва: 1981, стр-3.

³¹ Абдулла Шер, Хусанов Б., Умаров Э., Эстетика, Услубий қўлланма, -Тошкент: 2008.




Эстетик идеал уйғониш Оврўпоси вакиллари А.Т.Баумгартен, Г.В.Г.Гегель, И.Кант томонидан тадқиқ этилган. Кейинчалик В.Г.Белинский, Н.А.Добролюбовлар эстетик идеал ҳаёт ҳақиқати билан айнан, деган қарашни инкор қилиб, у санъатни қайта яратиш воситаси, келажак дарчаси эканини кўрсатиб бердилар.

Идеал кишилар хулқ-атворини жамоат манфаатлари асосида муайян тарзда изга солади. Яхшилик, ёмонлик ахлоқий идеал моҳиятини очишга ёрдам беради. Унда инсониятнинг эътиқодий қиёфаси акс этади.

Д.Дидро, Ж.Ж.Руссо, Вольтер, В.Соловьев, Н.Бердяев каби олимлар идеал муаммосига аввалгилардан фарқли ўлароқ бошқа усул билан ёндошиб, уни турмушнинг олий ва илоҳий ибтидоси деб қарашган. Уларнинг фикрича, санъат идеалнинг образли тажассуми. Бу хусусида В.С.Соловьев *“умумаҳамиятга эга бўлган идеалгина чинакам инсоний идеал бўлиши мумкин, у ўзида ҳамма нарсани жо қилмоғи ва ҳаммани ўзи билан бирлаштиришга қодир бўлмоғи лозим”*³², деган фикрни илгари суради. Юқорида келтирилган қарашларни умумлаштириб, *“идеал”*га қуйидагича таъриф бериш мумкин. Идеал французча сўз бўлиб, юнон тилидаги *“идеа”* сўзидан келиб чиққан. У Ғарб бадий тафаккурида мақсад, ғояни акс эттиради. Шарқ дунёқарашида идеал энг юксак орзу моҳиятини ифодалайди. Эстетик идеалга бўлган ёндошув албатта бир хил эмас.

Идеал бу воқеликка санъаткорнинг бадий муносабатининг образли ҳосиласи деб баҳо бериш мумкин.

³² Соловьев В.С., Литературная критика, -М.: 1990, стр-344.




Демак, инсон назарда тутган идеал шахсий идеал сифатида намоён бўлади. Кейинчалик, инсоннинг социал ҳаёти, бадий кечимлари ҳамда ахлоқий сифатлари доирасида шаклланиб, ўзининг эстетик қирраларини намоён этади.

Бадий адабиётдаги эстетик идеал жуда кенг тушунча. У олам – объектив борлиқ ва ижодкор – субъектив борлиқнинг ўзаро тўқнашувидан пайдо бўлади. Идеал бу воқеликдан кўчирилган нусха эмас. Унда индивидуал қарашлар акс этган бўлади. Агар мана шу нарса бўлмаганда эди, бадий адабиётдаги эстетик идеал ўз моҳиятини йўқотган бўлар эди. Адабиётда шоир индивидуаллиги асосига қурилган эстетик идеал алалоқибат умуминсоний моҳият касб этади.

Эстетик идеални аниқлаш, унинг канонларини белгилаш ҳам ана шу қарашларнинг мажмуи ўлароқ юзага келган ва шаклланган. Чунончи, эстетик идеал инсон тасаввуридан четдаги ҳодиса эмас.

Бир сўз билан айтганда, эстетик идеал – бу мукамаллик тўғрисидаги орзу. Унга кўра, одамийликнинг маснадига кўтарила олган инсон ўзгалар мушкулини осон қилиши учун, ватан ва халқ равнақи учун, мамлакат, санъат, дин ёки илм-фан ривожини учун жонини фидо қилиши, мукамаллаштириш, иллатлардан ҳоли кўриш кечими бадий адабиётда идеал тарзида воқелангани фикримизнинг исботидир. Инсон мавжуд экан, мукамалликка тобора юксакликка интилаверади. Бадий адабиётдаги эстетик идеал узоқдаги маёқ сингари ижодкорни ўзига чорлаб туради. Шоир ёки ёзувчилар ана



шу маёқдан кўнгилга тушган илиқлик таъсирида ҳаракат қилади. Санъаткор айтаётган юксак қадриятларнинг замирида идеалнинг ҳаракати мавжуд.

Ижодкор эстетик идеали ўзига мос гўзаллик, улуғворликни кўпроқ санъат орқали ифдалайди. Шу туфайли эстетик идеал кўпроқ шахс эркинлиги билан боғлиқ. Аввало шоир ўз асари орқали воқеликни ўз идеали призмасидан ўтказиб тасвирлайди. Худди мана шу нарса асарнинг боқийлигини, яшовчанлигини таъминлайди. Чунки бадий ижод, умуман, барча санъат асарлари олам ва одамни идеаллар асосида тасвирлайди, идеал воситасида баҳолайди, ўзидан ташқаридаги воқеа-ҳодиса, шахс ва жараёнларга муносабат билдиради. яъни ижодкор ўз идеалини ёзган асарларида моддийлаштиради, идеал оламида яшайди, воқеликни унинг нури билан ёритади. Бу эса ижодкорнинг маънавий-руҳий бутунликка эриштиради. Маънавий-руҳий бутунлик ижодкор назарда тутган идеалнинг мавжудлиги демакдир. Бу идеалларни сўз орқали англаймиз, ҳис қиламиз, тушунамиз ва тушунтирамиз.



XX аср сўнгги чораги ўзбек поэзиясида эстетик идеал

“Бадий адабиётда ижодкор мақсади, хоҳиш истагини намоён қилувчи образлар унинг эстетик идеали”³³ни белгилайди. Идеал ва унинг табиати адабиётнинг камолоти, ёзувчининг маҳорати даражасини белгиловчи бош омилдир. Бу ижодкорнинг адабиётда ўз бадий, фалсафий ғоялари тизимини яратиши демакдир. Бадий ижоддаги эстетик идеал ҳақида гапиришдан аввал адабиётнинг ўзгарувчанлик, янгиланувчанлик хусусиятини ҳисобга олган дуруст. Шу маънода ўтган асрнинг 60-йиллариданоқ ўзбек адабиётида бирин-кетин шакл ва мазмун жиҳатдан янги лирик фигуралар пайдо бўла бошлади. Рус, турк, ғарб бадий тафаккурининг ўзбек поэзиясига таъсири кучайди. Бу даврда яратилган ўзбек шеъриясидаги алоҳида хусусиятларга, образ ва образлар табиати, лирик қаҳрамон кечинмалари, психологизм масалалари, умуман, ижодкор эстетик идеали ҳақида кўпчилик олимлар ўз қарашларини баён қилишган.

Эстетик идеал ҳар бир ижодкор фитрати билан боғлиқ даражада намоён бўлади. Унинг ҳар бир воқеликка холисона баҳо бериши, миллат ва жамият ҳаётининг муҳим бўғини саналган адабиётнинг мавжуд ҳолатидан ўзгаришлар, жозибатор туйғулар бадий ижоднинг яшовчанлигини таъминлайди.

³³ Давлатова А., Фикр агар яхши тарбият торса...//Ўзбекистон матбуоти, 2006, 6-сон, 36-37-бетлар.

“Идеал мукамалликнинг мумтоз кўриниши”³⁴. Шу маънода лирикада ифода этилган ҳар қандай образ идеаллик нури билан бадиийликка эришади. Бадииятда эстетик идеал яратиш “ниҳоятда қийинчилик билан кечадиган ва амалга ошадиган ҳодисадир. Айтиш мумкинки, асардаги қаҳрамонлар ижодкор эстетик идеалининг рангин қирраларини ёритишга хизмат қилади. Ва яхлитликда санъаткорнинг ғоялар системасини, демакки, ижодий феноменини намоён қилади”³⁵. Изланишлар жараёнида устозлардан “шеъриятда эстетик идеал нима?” деган саволимга ҳар турли жавоб олдим. Адабиётшунос олим Абдулла Улуғовнинг “шеъриятдаги эстетик идеал – шоирнинг ўзи”, деган жавобларига нисбатан менда танишиб чиққан назариялар доирасида ҳайрихоҳлик юзага келди.

Шеъриятдаги эстетик идеал лирик қаҳрамонда намоён бўлади, чунки у муаллиф дунёқараши маҳсули. *“Аристотел ўз даврида лириканинг қаҳрамони – муаллиф”³⁶* деган фикрни айтган. Демак, лирикада эстетик идеал воқеланиш нуқтаи назаридан муалифнинг ўзидир.

Объектив оламдаги у ёки бу нарса-ҳодиса ўз инъикосини дастлаб шоир руҳий оламида топади. Унда воқеликка нисбатан “стимул реакция” рўй беради, таъсирланади. Шоир буни лирик қаҳрамон табиатига кўчиради. Шу ерда шоир “мен”и фаолиятини давом

³⁴ Давлатова А., Гавҳари ноёб...//Шарқ юлдузи, 2007, 1-сон, 146-148 бетлар.

³⁵ Раҳимжонов Н. Бугуннинг қаҳрамони ким? // Ўзбек адабий танқиди, Антология, - Тошкент: 2011, 291- б.

³⁶ Тўлаков И., Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини, филол.фан.номз. дисс. -Тошкент:1994.



этиришни “лирик мен” зиммасига юклайди. Бундан Шоир “мен”и фаолиятсизликка маҳкум бўлади деган тўхтамга келиш хато. *“Шундай ҳолатлар бўладики, шеърда учта тимсол муаллиф, лирик мен ва унинг замондоши бирлашиши”*³⁷ эстетик идеал табиатини ифодалаши мумкин. Шу билан бирга *бадий ижоднинг бирламчи шарти – ижодкор шахси бутунлигидир*³⁸. Шахснинг бутунлиги мавжудлик ва моҳиятнинг бирлигини ифодалаб, бутунлик эса шахс интилган идеал мавжудлиги, айти пайтда унинг ҳаётдаги яшаш мезонлари ана шу идеал моҳиятида бирлашади.

80-йиллардан шеъриятда психологизм кучайди. Бу даврга келиб, ўзбек миллий шеъриятида тасаввуфий мавзуларга қизиқиш сезиларли тус ола бошлади. Тасаввуф адабиётининг идеалига кўра, ҳақиқат – Ҳақ, Аллоҳ, эзгулик – Ҳақнинг буюрганини қилиш, қайтарганидан қайтишдир. *“Аллоҳ гўзалдир ва у гўзалликни севади”* ҳикмати моҳиятига асосланиб, гўзаллик – эзгуликдир. Гўзаллик эзгуликка уйғун келмас экан, у идеални ифодалай олмайди.

Ўзбек шоирларининг диний мавзуларга қўл уришдан мақсади тасаввуф назарда тутган комил инсон тимсолини яратиш ҳамда Шўро сиёсатида таъкидланган динга қарши фикрларнинг асоссиз эканини айтиш эди.

Инсоннинг атроф-теварагида кечаётган воқеа-ҳодисалар жараёнини жамият оғушида англаш, тушуниш

³⁷ Жабборов И.Ш., Абдулла Ориров шеъриятида тарихий шахс концепцияси ва лирик қаҳрамон масаласи, филол.фан.докт. дисс. -Тошкент:2001.

³⁸ Қуронов Д., Идеал ва бадий яхлитлик. “Адабиёт надир” ёки Чўлпоннинг мангу саволи. -Тошкент:Зарқалам, 2006. -49-56.

ҳамда билдириш бадиий сўз санъати юзага келган олис замонлардан бери ҳукм суриб келаётир. Демак, инсон адабиёт ва санъатнинг энг қадимий ва навқирон бадиий ўрганиш мавзулари сирасидан. Аслида комил инсон тушунчаси ҳам бир идеалдир. Шундай экан бадиий адабиётда идеал билан инсон тасвири қайси жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади? Уларни умумлаштириб турувчи жиҳатлари нимада кўринади?

Поэзиядаги ҳамма образ – дард ҳосиласи. Аммо ундаги идеал армон билан дард билан юзма-юз тура олади. У ҳар қандай шахсий ички ҳис-туйғу, кечинмалардан баланд. Бу ўринда Абдулла Ориповнинг “Онажон”, Рауф Парфининг “Абдуллажон марсияси” битикларини эслашнинг ўзи кифоя. Бундан кейин ўзининг юксак идеали билан ўзбек поэзиясига кириб келган Шавкат Раҳмон ижодида идеал – ғоя даражасида тараннум этилади.

Бу қуёш хўрланган,

Бу ой зўрланган

Зарлари таланган бу содда жабал.

Қон, ароқ, пешобни эмиб тўралган.

Буваклар бўкириб йиғлаган маҳал.

ё Худо дедиму,

Нурлар ўйнаган

Пешанам илк бора тупроққа тегди³⁹.

Шоирнинг лирик қаҳрамони – инсон. Шоир ўзи учун куюнмайди. У аллақачон мағлубиятга маҳкум, елкалари чўккан инсон образи тасвирини “Дарёжон”(келтирилган

³⁹ Шавкат Раҳмон, Сайланма, -Тошкент: Шарқ, 1997, 5-б.



шеър сарлавҳаси) тимсоли орқали берар экан, анъанавий идеал бўёқларини ишлатади. Унинг барча туйғу ва кечинмалари, муҳаббати ва эътиқоди ҳамиша Оллоҳнинг олий яратиғи билан омухта. Шоир ўз дарди ибтидосини инсоният илдизида кўради.

Инсон ўз ватани кучоғида бўлсагина бахтли. Агар Ватан, миллат абгор бўлса-чи?! Унда инсондан-да бадбахтроқ одам бўлмайди. Шунда шоир бадбахтликдан кўра бебахтликни соғинади.

*Мана, парча юрагим,
Тугилган муштларга хос.
Бу таланган вужудим,
Ватан деган сўзга мос⁴⁰.*

дея нола чекади. Ватан инсон каби таланмади, йўқ... Инсон шу Ватанда унинг оғриқлари билан ҳамнафас яшаяпти. Азиз Саид ижодига тегишли ушбу парчада Ватан кечмиши, унинг аҳволидан қайғуриш шоир эстетик идеали табиатига хос бир жиҳатини кўрсатиб беради.

Усмон Азимнинг мана бу шеърини олиб кўрамиз:

*Жоним – жигаримсан,
Сен- да одамсан,
Лоақал кўзингда бир ёш кўрсайдим.
Лоақал қовушиб қолган кўлингда,
Ёвларга аталган бир тош кўрсайдим⁴¹.*

Шеър ўтган асрнинг 80- йилларига тааллуқли, яъни ҳали мустақилликка эришмасимиздан бурун ёзилган. Шеърда

⁴⁰ Азиз Саид, Чилтор, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988, 21-б.

⁴¹ <http://www.ziyouz.com/usmonazim.25/12/2011>



ватан учун ёниб-куяётган идеал тасвири бор. У миллатпарвар. Озодлик учун жонини беришга тайёр қаҳрамон бўлиб тасаввуримизда гавдаланади.

*Бўлиниб боряпман минг бир бўлакка,
Хотирам йўқликка қоришиб кетди.
Селдай оқиб кетди кўксимдан юрак,
Фақат хаёл тошдай қотди бошимда.
Чинорнинг тагида бўлиниб ётибман,
Шунда бир сўз баргдай лабимга кўнар:
“Ватан” дейман, такрор айтаман “Ватан”...
Бирлаша бошлайди юрак, ақл, тан...⁴²*

Ҳаёт сўқмоқларида бўлиниб бораётган инсонни тиклашга, унинг парчаларини қайта бирлаштиришга қодир – Ватан. Шу шаклда Шоир Усмон Азим улкан бир поэтик образ – Ватанни эстетик идеалнинг очувчиси сифатида беради. Демак, шоир эстетик идеали шеърдан шеърга кўча олади, такомиллашади:

*Туркистон туғлари тикилган,
Ватансиз зотларнинг йўли берк.
Зорланган, зўрланган, тўкилган,
Эркидан айрилган қутлуғ эрк⁴³.*

Ватан фақат замон ёки макон билан боғлиқ туйғу эмас. У ундан ҳам баландроқ сезим. Ватан – ўтмиш. Ватан – бугун. Ватан – келажак, ватан – тақдир. Ватанининг илдизини, кечмишини билган одамгина уни ичига, юрагига сиғдиради. Эстетик идеал – шу. Лирик қаҳрамон назарда тутган туйғу

⁴²<http://www.ziyo.uz//adabiyotmanzaralari.usmonazim/lirika.06/02/2012>

⁴³ <http://www.ziyo.uz//adabiyotmanzaralari.raufparfi/lirika.07/04/2014>



бевосита шу билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам Рауф Парфи “Эркидан айрилган қутлуғ эрк”ни туяди, уни қўмсайди. Унинг зорланган, зўрланган, тўкилганлигидан озорланади. Шоир шеъриятида бадийлашаётган эстетик идеалда биргина ишонч, таянч – Ватан бор. Ватанга қайғуриш бор. Унинг келажагидан хавотир бор.


Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бир хил муҳит, бир хил ҳодисот турли ижодкорларда турли кайфиятни юзага келтиради. Шу мазмунда бир даврда яшаган ижодкорларнинг идеалларини бир хил мезон асосида баҳолаб бўлмайди. *“Шоирлар бир даврда, бир хил шароитда ижод қилишлари мумкин. Ҳеч қачон бир хил ижод қилишмайди. Чунки ҳар бир одам алоҳида бир шахс”*⁴⁴

Одатда, ҳар қандай ҳодиса, кўпроқ фожелик изсиз кетмайди. Улар инсон ҳаётида юз беради ва муносабат пайдо бўлишига сабаб келтириб чиқаради.

Ўтган асрнинг 80-90 йилларида мавжуд бўлган идеаллар ана шу тарзда пайдо бўлган. Яъни инсон жамиятда, мамлакатда юз бераётган, ақлга тўғри келмайдиган воқеликка қарши курашга бел боғлади. Гарчи курашдан бир наф чиқмаса-да, барибир юрагидаги исён олови сўнмади. Муносабат ўзининг иккинчи умрини яшай бошлади:

*Ҳибс этилганман ўзимга-ўзим,
Занжиру кишаним риштам пайларим.
Қуллик тунларида ўзимни-ўзим,*

⁴⁴ Кожинов В.В., Как пишет стихи? –М.: Провещение, 1970.



*Озодлик кутгандай пойладим*⁴⁵.

Абдували Қутбиддиннинг лирик қаҳрамони умри абадий фожа билан тугаб, қисмати боқий бахтга уланиб кетувчи, аччиқ-аччиқ орзулар билан исёнга белини боғлаган инсондир.

Инсоният тарихига назар солсак, ижтимоий эврилишлар жамиятдаги зиёли қатлам зиммасига жуда катта масъулиятни ортади. Айниқса, *“Миллатнинг қўли етмай турган асрий орзу-армонлар қонидан бунёд этилган қаҳрамонларнинг ўрни аҳамияти беқиёс. Ўзбек эпоси – “Алпомиш” достонининг бош қаҳрамони Алпомиш ана шундай идеал қаҳрамон. Бу ўринда идеал қаҳрамон ҳар томондан тўқис, бекаму-қўст образ эмас, балки миллат ёки унинг алоҳида вакили – шоир яратган асардаги бош ғоя – орзу-армон билан тўйинган ғояни ўзида мужассамлаштирган идеалдир”*.⁴⁶

Демак, идеал ҳар бир инсоннинг ҳаёт йўлида йўлчи юлдуздек ўз ўрнига эга. Идеал ижодкорнинг идеал йўлини маълум маънода белгилаб беради. Шеърятдаги идеал ўз замонасидаги ноқисликларни мукамал кўришга интилиши натижасида вужудга келади. Шу нуқтаи назардан қараганда ХХ аср ўзбек шеърятда 80-90 йиллар даври алоҳида ўрин тутади. Бу шеърят Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Аъзам Ўктам, Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур сингари шоирлар номи билан боғлиқ бўлиб, юртнинг аввал вужудан, кейин эътиқодан

⁴⁵ Абдували Қутбиддин, Бахт йили, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991, 47-б.

⁴⁶ Ҳамдамов У., ХХ аср ўзбек шеърятда идеал муаммоси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, 5-сон, 29-б.



руслар томонидан босиб олинишига қарши кайфият билан суғорилган. Масалан, Шоир Аъзам Ўктамнинг “Тафтиш” шеърига назар солсак:

Келтирган экини еримда қолди,

Енгилган бўлсада

Тўмарисдан Кир

Не берди,

ўрнига неларни олди,

“Пахтакор”

туркий сўз эмас, барибир,

Ташвишнинг бир қисми –

касбим номи – иш.

“Биз деҳқон!”

деб қўйдик ўзимизга ном.

Экиш, кутиш, боқиш,

териш, топшириш...

“Би деҳқон”-

“Қон бер!” – дан


Қолганми деҳқон?⁴⁷

Фақат пахта териш билан қадрланадиган инсон асли ким? Мавқеъи ҳам, аъмоли ҳам, дарди ҳам фақат деҳқонлик билан боғлиқ бўлган халқ қадри нечоғли?!

Шоир наздида инсон бу даражага ўз-ўзича тушиб қолгани йўқ. Шиорлар, чақириқлар, юқоридан келадиган кўрсатмалар доирасида шаклланган бу одамларга ачинади киши.

Сабр қилинг, то тугагунча,

⁴⁷ Аъзам Ўктам, Кузатиш, -Тошкент: Ёш гвардия, 1990, 46-б.



Кузда ўйланг фақат теримни.

Хуш кўрмайди қишлоқлар унча,

Пахта термайдиган келинни.

Бу тасвирлардан англашиладики, XX асрнинг сўнгги чорагида поэзияда шаклланган идеал моҳиятида жамиятда инсон ва унинг қадри муҳим бўлиши, инсон партия аъзоси, ишчи, ота-она, фарзанд, ўқувчи позициясидан туриб эмас, эркин инсон муҳимлигини эътироф этади.

Кўринадикки, бу даврда яратилган кўпчилик лирика намуналарида мавжуд тузум иллатларини фош қилиш, янги жамият, давлат, инсон орзуси кучли бўлди. Демак, бу даврда ижод қилган шоирлар шеърларига сингдирилган ғоя озодлик, истиқлолни ифодалайди.

Адабиёт ҳамма кўриб турган, аммо ҳеч ким била олмаган инсон моҳиятини англаш учун чоғланиб келди. Инсон эса азалу абад асрорлари очилмас мукамал тилсим. Ана шу мураккаб яратиқнинг қайсидир жиҳатларини кашф қилишга интилиш 80-90 йиллар шеърияти учун мавзу бўлди. Бу йўлдаги уринишларда ижодкорлар эстетик идеали янада ёрқинроқ намоён бўла борди.

Эстетик идеал муаммоси азал-азалдан адабиётнинг энг муҳим илмий-назарий масалаларидан бири бўлиб келган. Чунки адабиётнинг қиёфаси, унда одам ва олам манзаралари, қолаверса, аввало Олий Ҳақиқатнинг акс этиши эстетик идеалда намоён бўлади.

Эстетик идеал борлиқни англаш, тушунишда ҳар бир даврда миллий адабиётда қандай даражага эришганини кўрсатади. Бадий ижоддаги, хусусан, шериятдаги эстетик




идеални аниқлаш унчалик мураккаб эмасдек туюлса-да, аммо унинг ўзига хос алоҳида белгиларини ижтимоий жараён билан изоҳлаш мумкин. Негаки бу давр ижодида шаклланган идеал ижтимоий характерга эга. Аслида у аввалги замонлардан мавжуд бўлган. Инсоннинг ижтимоийлашиши билан боғлиқ ҳолда идеал ҳам ҳаётга яқинлашди. Демак бу давр адабиётдаги идеалга кўра ҳақиқат – миллат тараққийси, эзгулик – миллат ва истиқлолга интилишдир. Умуман олганда бадиий ижоднинг ўзгарувчанлик, яшовчанлик жиҳатларини ҳисобга олиб, лирикадаги эстетик идеални ана шу мезонлар билан ўлчаш муҳимдек кўринади.

АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИДА ЭСТЕТИК ИДЕАЛНИНГ АНЪАНАВИЙЛИГИ

Аъзам Ўктам ижодида анъанавий эстетик идеал

XX аср сўнгида, хусусан, 80-йилларда адабий-бадиий тафаккури ривождаги бурилиш, янги услуб, шакллар ҳамда ноанъанавий руҳдаги асарлар яратилгани кузатилди. Бу ижод намуналарини қабул қилиши анча зиддиятли кечди. Кўпроқ тузум хизматчисига айланиб улгурган адабиётни ўқиб улғайган, ақлини таниган омма учун руҳий эврилишлар ва Холиқни англаш йўлидаги ўзгача сатрларни қабул қилиш осон кечмади. Шунинг учун ҳам бу давр кишилари Аъзам Ўктам деган адабий-эстетик ҳодиса моҳиятини унчалик ҳам қувонч билан кутиб олмади.




Шоирнинг адабий-эстетик бисоти унинг ижодий мероси ҳали чуқур ўрганилмаган, чинакам баҳосини олмаган.

Шоир шеъриятида эстетик идеал ҳақида гап кетганда, аввало, ижодкорнинг ўзи ҳақида мулоҳаза юритишга тўғри келади.

XX аср ўзбек адабиётининг забардаст вакилларида бири, таниқли шоир, публицист ва моҳир таржимон Аъзам ЎКТАМ (Аъзамжон Худойбердиев) 1960 йил 4 октябрда Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Хонобод қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 1968–1978 йилларда тумандаги 9–мактабда таҳсил олган. Илк шеърлари ўқувчилик йилларидан республика матбуотида босилган. Мактабни битиргач, туманда чоп этиладиган “Бувайда кўзгуси” газетасида меҳнат фаолиятини бошлаган.

1980–1985 йилларда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг кундузги бўлимида ўқиган. Ёш шоирнинг 1983 йилда “Ўзбекистон санъати” журналида босилган шеърий туркуми ўзбек шеъриятига янги руҳ, янги овоз кириб келаётганлигидан далолат эди. 1984–1985 йилларда “Ёшлик” журналида чоп этилган шеърий туркумлари Аъзам Ўктам ижодининг бадиийлигини намоён қилади.

1985 йилда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетини муваффақиятли тугатиб, ҳозирги “Ёшлар овози” газетасининг адабиёт бўлимида ишлай бошлади. 1986 йилда Аъзам Ўктамни янги ташкил этилган Чўлпон нашриётига ишга таклиф қилишди. 1988 йилда Аъзам Ўктамнинг “Бола дунёни тебратар” насрий



китоби 60 000 нусхада нашр этилди. 1990 йилда шоирнинг илк шеърий тўпламлари “Кузда кулган чечаклар” ва “Кузатиш” чоп этилди. Бу китоблар шеърият мухлислари, таниқли адабиётшунос олимлар ва мунаққидлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Аъзам Ўктам Чўлпон нашриётида ижодий гуруҳ раҳбари сифатида ишлаган йиллари (1986 – 1998й.) унинг бевосита ташаббуси ва муҳаррирлиги остида “Бобурнома”, “Саботул – ожизин ” , “Тўрт улус тарихи”, “Шажараи тарокима”, “Темур тузуклари”, “Камол эт касбким”, “Қуръони Карим”, “Мухтасар” каби ноёб китоблар нашр этилди.

1990 йилда Аъзам Ўктам Пицунда шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда иштирок этди. Бу анжуманда унинг шеърий тўпламлари ва рус шоири Николай Рубцов ижодидан қилган таржималари юқори баҳоланди. 1992 йилда шоир “Мустақилликнинг бир йиллиги” нишони билан тақдирланди.

1992 йилда шоирнинг “Зиёрат”, 1993 йилда “Тараддуд” китоблари дунё юзини кўрди. Унинг “Хабар” қиссаси 1995 йилда “Шарқ юлдузи” журналида босилиб чиқди. 1998 йилда Аъзам Ўктам ўзбек шеъриятида биринчи бўлиб буюк муҳаддис Имом Бухорий тўплаган айрим ҳадисларнинг шеърий талқинини яратди. Мазкур шеърий талқин “Икки дунё саодати” номи остида чоп этилди. 1999 йилда шоирнинг ҳаётлигида ўзи тартиб берган сўнгги китоби - “Қирқинчи баҳор” нашрдан чиқди.

Аъзам Ўктам 1992 – 1998 йилларда нашриётда ишлаш билан бир қаторда Ўзбекистон Миллий университетининг




журналистика факультетида талабаларга сабоқ берди. У турли йилларда Чўлпон, “Шарқ” нашриёти, “Автоҳамроҳ” журнали ва “Ёшлар овози”, “Спорт” газеталарида ишлади. 2001 йилдан то умрининг охиригача “Маънавият” нашриётида бош муҳаррир лавозимида фаолият кўрсатди.

Шоир таржима билан ҳам жиддий шуғулланди. У жаҳон адабиётидан буюк ҳинд шоири Робиндранат Тҳокур, рус шоири Николай Рубцов ва африкалик шоир Бернар Буа Дадье шеърларини ва Ханс Кристиан Андерсен эртакларини ҳамда машҳур рус адиби Борис Бажановнинг “Ўйинлар” ҳужжатли қиссасини ўзбек тилига ўгирган.

Шоир Аъзам Ўктам 2002 йилда Тошкент шаҳрида юрак хуружидан вафот этди. Шоирнинг вафотидан сўнг унинг “Осмон яқин”(2011й.) ва “Саҳар вақти юрак йиғлар”(2014й.) китоблари нашр этилди.

Ижодкорлар, айниқса, шоирлар мухлислар наздида хаёлпараст, ўзга бир олам вакили сифатида гавдаланади. Айнан ана шу алоҳида дунё фуқароси бўлган ижодкорлар яратган бадий асарлар яшовчанлигини таъминловчи омил бу – эстетик идеалдир. Бадий ижоддаги эстетик идеал ҳақида ижодкор руҳиятини билмасдан туриб фикр айтиш қийин. Зеро, инсон ўзини англасагина ҳақиқатни англайди.

Ижодкор илк асарларида яратган образлар, шакллар, услуб, умуман барчаси ўзидан олдинги устозларнинг тажрибасидан фойдаланиш, улар тутган йўлни давом эттириши натижасида юзага келади. Кейинчалик ана шу анъаналар асосида ўзининг янги қонуниятини кашф этади.



Ўз қонуниятини ярата олмаган ижодкор маълум анъаналарга бўйсунди.

Биз мавзу қилиб олганимиз Аъзам Ўктам ҳам маълум пайт ўзидан олдинги анъаналарни давом эттирди. Шоир эстетик идеалининг анъанавийлигида инсон ва унинг ижтимоий ҳаётда эркин ва озод бўлиши керак деган ғоялар илгари сурилади.

Шоирнинг табиат манзаралари тасвирланган “Кўклам” шеърини олайлик.

Кўклам уйғониш фасли. Ибтидо рамзи. У оламни идрок қилиш, яратикларга, воқеликка муносабатини билдириш жараёнида ўз мавжудлиги моҳиятини англашга уринади. Кўклам *“шарқ, яшил ранг, инсонсеварлик”*⁴⁸ тимсоли сифатида бадий адабиётда учрайди. Шоир илк баҳор лаҳзаларини тасвирлашдан мақсади ўқувчи шуурини табиатнинг сирли кўшиғи, ундаги жозибали яширинлик сари етаклаш.

*Тўхтамас бу эрув. Йўқ сира кети,
Эски тўнкагина шодланолмас, лек.
Атрофга қарашга чидамас бети,
Ягона кўрпаси куйган йўқсулдек.*⁴⁹

Шоир табиат тасвири орқали моҳиятни англашга, инсон қалб изтиробларини очиб беришга уринади. “Кўклам” рамзий макон ва жараён. Шоир кўклам орқали эски тузумнинг парчаланиши ҳамда янги даврнинг ибтидоси мустақиллик йилларини қаламга олган. Кўклам келди

⁴⁸ Мингбоева Д, Тимсоллар тилсими: рамз, белги ва тимсоллар тавсифи, -Тошкент: Янги аср авлоди, 2007, 62-б.

⁴⁹ Аъзам Ўктам,Тараддуд, -Тошкент: Чўлпон, 1993, 11-б.

ҳамма нарса яшнайдди, ёшаради. Ҳамма хурсанд, фақат “эски тўнкагина шодлана” олмайди, чунки у алақачон умрини яшаб бўлган. Унинг энг покиза, тоза орзулари қишнинг аёвсиз қаҳратонларида ўлиб бўлган. У энди кўкармайди, яшнамайди. Қандай қилиб, ўлган жисмдан биз қувонч талаб қилишимиз мумкин?! Ахир қувонч ҳам ҳаёт белгиси – кўклам.

Шоир ҳар қандай жараённи хоҳ у ижтимоий бўлсин, хоҳ табиий, барибир, у оламни барчадан ўзгача кўради, ўзгача туяди.

Қора чакмон кийган оқ саллали чол,

Кўр тўкиб ўтирар салобат билан.

Кун чиқдимди, дея қайрилди шу он,


Чуваланиб кетди салласи бирдан.⁵⁰

“Қор эриши” деб номланган ушбу шеърда шоирнинг самимий орзу-истаклари ифодаланган. Муаллиф тасвир орқали кутилмаган, кескин инсоний вазиятларни назарда тутган. Шеърда устувор сокинлик ортида ғалаён бор.

Инсон ҳамиша бахтга интилади. Аммо бахт ҳамма учун ҳар хил. Бутун бошли тузум, жамият инсонга қатъий қолипланган бахт ваъда этаётган, одамлар қачондир ўзи келажак бахтга ишониб, фаолиятсизлик ботқоғига ботган бир даврда бу шеър инсонни ўз бахти учун курашга чорлайди. Бу кураш шоир эстетик идеали истаган истиқлол соғинчи, унга эришиш умидидаги пок қалбли инсон орзусидан дунёга келган деб ҳисоблаш мумкин.

Қор, совуқ не, ниш ургур, куртак,

⁵⁰ Аъзам Ўктам, Зиёрат, -Фарғона: Янгиқўрғон, 1992.



Уйғон, уйғон, уйғон

Қарғаларнинг чалгани жиртак –

Ёлғон, ёлғон, ёлғон...⁵¹

Психологик характерга эга ушбу шеърда шоир тақдирида борини англашга уринади. “Бош эгмай яшаш”ни мақсадга айлантиради. Мусибатнинг қароргоҳи сабаби бандага итоат. Шоирнинг юрагини безовта қилаётган нарсa миллатнинг ўша вазиятда “айбсиз ерга қара”гани. Мисраларга кўчиб ўтган идеал моҳиятида бир инсон қисматининг поэтик жилвасини, руҳнинг камолотини кузатиш мумкин.

“Қор”, “қарға”, “одам” деталлари ва руҳий кечим – поэтик образ ташувчи восита. Воқелик призмасидан юзага чиқаётган мушоҳада замирида Оллоҳга итоатни ихтиёр этган бандасига ҳаётда мудроқ яшаш оғирлиги, бу мудроқдан тезроқ уйғониш орқали ўз ҳолатини англашга туртки сезилади.

Эрк, уйғониш, англаш ва англатиш тушунчаларини мантиқий далиллаш ушбу шеърда янада тиниқроқ акс эттирилган. Эстетик қамров шоир руҳий ҳолати билан боғлиқ. Эрк бўлганда ҳам, мавжудлик сабабини билиган интилаётган инсон эрки тушунчаси. Дилмурод Қуроноф сўфий ҳаққа яқинлашгани сари мавжудликнинг моҳиятини теранроқ идрок қилгани каби ижодкор идеалга яқинлашгани сари ҳаётнинг, инсоннинг моҳиятини теранроқ илғайди. Сўфийлик йўлининг ибтидоси ҳам интиҳоси ҳам ҳақ бўлганидек ижодкор фаолиятининг

⁵¹ Аъзам Ўктам, Осмон яқин, 124



мотиви ҳам, мақсади ҳам идеал эканлиги ҳақида фикр билдирган. Ойдинлаша борадики, Аъзам Ўктам эстетик идеали ҳаётга яқинлиги, қалбда кечаётган кечимларнинг ифодаси сифатида шаклланган.

Шоир давр муаммолар, руҳий ҳолатни табиат ҳодисалари билан параллел мушоҳада қилиб, олам ва одам ҳақидаги қарашларни ҳеч кимга ўхшамаган йўсинда илгари сурди.

Шоирнинг “Якшанба” номли шеърида эстетик идеал давр фожиаси ичида янада ёрқинроқ намоён бўлади. Шеърда “пахта иши” деб номланган ўзбек халқи ҳаётида юз берган навбатдаги қатағон даврининг тасвири шоирнинг руҳий муносабати орқали ифодаланади.

*Баъзан аҳволини ўйласам бир-бир,
Негадир кўзимга ёшлар қуйилар⁵²*

дейилади шеър аввалида.

Тонгдан шом – иш вақти

Элик сўм маош

Ҳар қалб тирикчилик

дея ўртанар.


Боқчалар эскирган

Болалар ювош

“Биз бахтиёр!” деган қўшиқ ўрганар.

Шоир ижтимоий ҳаётдаги иллатлар сохталик, кўзбўямачилик, сохта бахтиёр авлодни яратиш компанияси ишини кўрсатгани ҳолда, ўқувчига бу бахтиёрликнинг суруридан кўра ундаги оғриқни ҳис қилдиради. Инсоннинг

⁵² Аъзам Ўктам, Зиёрат, -Фарғона: Янгиқўрғон, 1992, 21-30 бетлар.



соф ва покиза туйғуларини химоя қиладиган яхши жамиятни орзу қилади. Бу фақатгина ижодкорнинг эмас, ўша даврдаги кишиларнинг идеали эди.

Шоирнинг назарида идеал қаҳрамон ўз “мен”и олдида жавоб бера оладиган одам. Аммо бу идеал нечоғли азиз-у муқаррам бўлмасин, золимлар орасида рўшнолик кўрмайди.

Мен нодон:

“Ҳаммамиз айблимиз, асли

Ўзим ҳам ёмон иш қилганман”, дебман.

Ҳамма тавба қилар, дебманми ёки

Ўзимча виждоним ғамини ебман

Иқдор бўлди, дея

Ўз оғзи билан

Бўйнимга уч йилни қўйишди илиб.⁵³


Ҳамма ўз қилмиши у ёқда турсин, ҳатто туққан ота-онасини танимайман, деб турган бир пайтда шоирнинг лирик қаҳрамони виждонини ўйлайди. Бу эса ўз зарарига экани ачинарли ҳол. Лекин шоир бундан тушкунликка тушмайди. У назарда тутган лирик қаҳрамон эски тузум ва янги ҳаёт остонасида турган оптимист одам. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, идеал аслида гўзаллик ва мукамаллик моҳиятини ўзида уйғунлаштира олган тушунча. “Якшанба” шеърида қаҳрамон ва миллат (миллат қайғуси)дан задалик лирик қаҳрамон изтиробини кўринади.

Гоҳ оложини йўқ ҳалол юрмоқнинг,

Ҳар ким ўз эғнига мослаб тўн бичар –

Ёшлари билмайди салом бермоқни

⁵³ Аъзам Ўктам, Зиёрат, -Фарғона: Янгиқўрғон, 1992.



Аёллари чекар,

Эрлари ичар.

Шоирнинг изтироби зулм пардаси остида азоб чекаётган одам эмас, аксинча, иллатларга ўрганиб, ўзлаштириб ҳам улгурган мукамал яратиқ аташга унча тил бормайдиган инсон тасвиридан. Қаҳрамон мазлум, содда шу билан бирга беғуборлигини, ўзлигини йўқотаёзган миллат. Бу ерда Аъзам Ўктамнинг эстетик идеали мукамал турмуш тарзидан олис, ҳуқуқлари поймол, зоҳиран мутеъ, аммо қалбан эркин позицияда намоён бўлади.

Ўҳ, яна дам олиш,

Илоё ўлмай,

Баҳорга етказса

Бу қора қишлар.

Қишлоққа қайтсайдим –

Бир лаҳза тинмай

Ишлардим, ишлардим,

Ишлардим, ишлар...⁵⁴

Кўпчилик кўниккан тасаввурларга кўра идеал қаҳрамон сифатида асосан муайян тарихий шахс тасвирланади. Аъзам Ўктамда эса аксинча, унинг қаҳрамони турмушда оламшумул ишлар ижод этмайди. У бор-йўғи оддий одам; бир ўзбек...

У ҳалол зот эди.

Ишларди тинмай,

Катта бир қишлоқда ишбоши бўлиб.

Тўйда жим турмасди, нимадир қилмай,

⁵⁴ Аъзам Ўктам., Зиёрат, - Фарғона: Янгиқўрғон, 1992, 29-б.



Мотамларда элнинг дарддоши эди.

Бас етар,

Ўзимни мақтовдан тияй.

Ўйласам симиллаб оғрир жонларим.

Мен унинг таърифин қандоқ келтирай,

У бир ўзбек эди қадрдонларим.⁵⁵

Асарнинг марказий қаҳрамони – заҳматкаш халқнинг бир вакили. Унинг изтироби халқ тортаётган жафодан туғилди. Унинг ичида минг ғалаёнлар, пўртаналар долға урмасин унга жасорат етишмайди.

Бир оз итоатгўй,

Бир оз бепарво.

Гўлроқми дейманда, қишлоқ халқини.

Не айтсанг, хўп дейди,

Жилла қурганда

Талаб қилолмайди ҳалол ҳаққини


Шоир бундай халққа ачиниб;

Юрт нима?

Миллат нимадир...

деб ҳайқиргиси келади. Аслида ўзини, ўзлигини унутган, қадриятларидан айрилган, дин-диёнатидан маҳрум этилган одам юртни биладими, миллатни биладими?! Ўзи ҳам шу халқнинг бир вакили бўлган шоир “*бир ёмоннинг бир яхшиси*” бор эканига барибир ишонади. Шу ишонч сабабли асар сўнгида ғафлатдан кўз очган қалб ўзлигини кўради. Шоир жамият, оила, инсон асли қандай бўлиши

⁵⁵ Аъзам Ўктам., Зиёрат, - Фарғона.: Янгиқўрғон, 1992. 29-б.



керак, деган саволга даврнинг рухий оғриқлари бадий талқини воситасида жавоб беради.

Шайх Мавлоно Жалолиддин Румий “Инсонни боғ хаёли боққа, тоғ хаёти тоққа бошлайди”⁵⁶, деб айтади. Ўша хаёл бу ўринда ғоядир, идеалдир. Аммо ғоя мақсад каби доимо идеал бўлавермайди. Бу нарса шоирнинг эрк, озодлик ғоялари сингдирилган шеърларида ўзини яққол намоён этади. Шоирнинг “Юрт кезганда” шеъри таҳлили юқоридаги фикримиз далилидир.

*Кўрганим ёдимда ва лекин бугун,
Ишонгим келмайди ҳатто ўзимнинг.
Даштларим топталди қуритилди кўл,
Ранги ўчиб кетди дала тузимнинг.*⁵⁷


Бир қарашда сўз фақат юртни кўришга чиққан одамнинг атроф-теваракни кўргандаги таассуротлари ҳақида кетаётгандек. Аммо мақсад фақат бу эмас. У юртнинг аҳволини кўриб, уни шунчаки таърифламайди. Унинг оғриқларини шу халқнинг бир вакили сифатида ҳис қилади. Ана шу сезимлар орқали у ички бир муддао – абгор бўлган юрт ҳолини баён қилади.

*Энди шовулламас бунда буғдойзор,
Шолилар солланиб эгмас бошини.
Фақат хаёлимда туришади, зор,
Бош чайқар – отишар таъна тошини.*

Кўй, сизир боқолмас энди болалар,

⁵⁶ Жалолиддин Румий Ичиндаги ичиндадур, -Тошкент: 2003, 150-б.

⁵⁷ Аъзам Ўктам, Кузда кулган чечаклар –Т: Адабиёт ва санъат, 1990, 35-б.



*Аёвсиз қирилди ўрикзор, боғлар.
Атрофга қарайман кўзларим толар,
“Келма!” деб узоқдан хўмраяр толлар.*

*Аза тутиб даштим, болалигимга,
Армонда кетарман энди бир умр.
Элим бир сўз айтмас, боқмас кўзимга,
У пахта териши керакдир ахир.*

Аллақачон мутеъликка кўникиб ўрганган халқ энди бир сўз айтиш у ёқда турсин, кўзга тик боқишга-да журъати етмайди. Унинг учун ўзидан бошқа ҳамма нарса уни инкор қилади. Бу инкор бу “ўзни олиш” асли Ўзликка қайтиш олдидан, англаш олдидан юзага келган таназзулдек гўё. Шоир киноя билан “у пахта териши керак” дейди-ю, аммо юртини, ундаги кишиларни, боғи, тоғини, далаларини ҳамма-ҳаммасини чексиз муҳаббат билан севади.

*Юрт кезсам ҳар сафар ғам тушар дилга
Сўзимдан пахтазор қилгандек аччиқ-
Кўсақлар мушт каби тугилган қаттиқ!...⁵⁸*

Шоирнинг қалбидаги энг қайноқ муҳаббат ёв ўстирган экинларни-да жунбушга келтиради. Шундай бир пайтки, ҳатто ватанни, элни севишда мумкин эмас. Керак бўлса хасда сенинг бу эзгу аъмолингга ўз қаршилигини билдиради. Шоир ана шу нарсаларни ўз асарига сиғдиради.

Кўринадики, гап айланиб келиб, Аъзам Ўктам шеъриятини ҳаракатлантирувчи бош ғоя идеал – эркинлик, хурлик, тутқунликка қарши исён мазмунига етаклайди.

⁵⁸ Аъзам Ўктам, Кузда кулган чечаклар –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 36-бет




Шоирнинг анъанавий эстетик идеали – тутқун халқ фаровонлиги учун курашишга бел боғлаган лирик қаҳрамон. “Ишлаётган одам”, “Йиғи”, “Мутолаа”, “”Ўттиз еттинчи йил шеъри” сингари бир қатор шеърларида гарчи давр фожиасини кўрсатиб, ўша давр изтиробларини сингдиргани билан у ўз давридаги бошқа асарлардан фарқли ўлароқ замонни ёки ундаги ҳукмрон тузумни қораламайди. Мазлум халқ номига ҳам сано битмайди. У шунчаки кўрганлари, англаганларини мусаввир каби чизади. Шоирнинг “Қор тўлган чаноқлар” шеърига эътибор беринг:

*Менга алам қилар бағрим тўла қор,
Қуёш, аямасдан сол менга ёғду.
Қўй, деҳқон олдида қизартма мени,
пахтали чаноқ деб алданмасин у.
Балки бу қўшиққа зарурат йўқдир,
Майли, билиб қўйсин бунни ҳар одам –
Ўзбекнинг иймони бўлмоқлик ахир
осонга тушмайди пахталарга ҳам⁵⁹.*

Шоирнинг эстетик идеали ХХ аср аввалида юзага келган идеалдан озикланди ва у ташиган ғояни қайта ишлаб, даъват либосида эмас, тасвир дунёси ичида ўқувчига етказди. Бу эса фақатгина миллат деган қолип ичида қолмай, умуминсоният майдонига кўтарилишига замин яратди.

*Фақат Ўзбекистон ё Россиядамас,
Ҳатто Америкада ҳам,*

⁵⁹ Аъзам Ўктам, Кузда кулган чечаклар –Т: Адабиёт ва санъат, 72-бет.



*Босқинчини севмас экан,
Ерини севган одам.
Сотмас экан дўстларини,
Элига куйган одам.
Камситмас экан элни,
Тилини суйган одам.*


*...Миллат йўқ экан бу туйғунинг,
Тузуми ҳам йўқ экан.⁶⁰*

Бу шеърда идеал янада тиниқроқ талқин қилинган бўлиб, лирик қамров насрий асар каби воқелик билан ифодаланади. Шоир эстетикасида алоҳида ажралиб турадиган муҳим жиҳат бу ижодкорнинг байроқ қилиб олиб чиқаётган мавзу бир ўзигагина тегишли эмас. Бир худуд ёки миллат доирасида ҳам эмас, билъакс умуминсониятга дахлдор концепсия ҳақида гап кетяпти. Босқинчини фақат Ўзбекистонда эмас, Россия, Америкада ҳам ҳеч ким ёқтирмайди. Шоир бу ёқтирмасликни янада аниқлаштиради; “ерини севган одам” тарзида ифодалар экан бу севгини “Элига куйган”, “тилини суйган” тарзидаги сифатлар билан ҳам кенгайтиради.

Аъзам Ўктам шеърияти “лирик мен”ида жамиятда юз бераётган глобал ўзгаришларнинг баъзан тушкун, баъзан кўтаринки таъсири акс этади.

Аъзам Ўктам ижодида улардан фарқли ўлароқ шахд бор эди. Жасорат, шиддат бор эди. Шунинг учун ҳам бу даврдаги ҳолат;

⁶⁰ Аъзам Ўктам, Кузда кулган чечаклар –Т: Адабиёт ва санъат, 41-42-бетлар.



*Жаллод ҳукмин ўқиди охир,
Бит кўзлари қаҳрга тўлди.
“Яшаб юрса, юрар бир шоир
Кўлёмасин йўқотсак бўлди!”⁶¹*

сингари тасвирланган. Яъни шоир одам сифатида ҳеч ким. Унинг ушлаб турган ва ундан “тепадагилар”ни ҳадикка солаётган сўзидир.


*Фарғонадан келаман
Келасанми ёр-о, келасанми ёр.
Сенга ошиқлигимни
Биласанми ёр-о, биласанми ёр.
Бир бошга бир ўлимни
Бўйинга олдик-а, бўйинга олдик.
Ким бевафо бўлса, уни
Худога солдик-а, Худога солдик.*

Шу саккиз қаторнинг ўзида тўртта катта мезон – унинг ҳаётий эътиқоди, ватан, ёр, ўлим – ҳаммасини жамлайди. Худога элтувчи самимий изҳор акс этади. Юрт мустамлака, эл қул ҳолида бўлса ҳам бу ҳикмат шоирнинг эстетик идеалида акс садо беради.

Аъзам Ўктам шеъриятида эстетик идеал деганда, аввало биз шоир битикларидаги эътиқод озодлиги учун, миллат ва юртнинг обод келажаги учун қайғураётган қаҳрамон билан тўқнашамиз.

Кўринадикки, Аъзам Ўктам дастлаб ўзидан олдинги анъаналарни давом эттириб, инсон ижтимоий ҳаётда эркин ва озод бўлиши кераклигини ҳамма нарсадан устун қўйган.

⁶¹ Аъзам Ўктам, Осмон яқин, -Тошкент: Абу матбуот –консалт, 2011, 37- б.




Бу даврда ёзган шеърларида шоир эстетик идеали давр фожиалари ичидаги одамнинг қалб кечинмалари фонида берилади. Аъзам Ўктам ҳаётдаги салбий ҳолатларни фош этгани ҳолда соф ва покиза туйғуларга асосланган дунёни орзу қилади. Бу эса истиқлол соғинчи, унга эришиш умидидаги пок қалбли инсон қиёфасини тасаввурларда жонланишига шароит яратиб беради. Аъзам Ўктамнинг эстетик идеали сунъий мафкура ҳоким бўлган ва кўпчилик ижодкорлар қолип ичида сўз айтишга кўникиб қолган бир даврда ҳам инсон ботиний олами кенгликларидан туриб фикрлаши билан ўзига хосдир.

Аъзам Ўктам шеърлятида эстетик идеал воқеланишида анъанавий поэтик образлар

Поэтик образлар бирор адабий муҳит доирасида шаклланиб, мукамаллик касб этади ва маълум вақт оралиғида анъанага айланади. Жамиятдаги инсонлар тафаккурининг ўзгариши билан поэтик образларда ҳам янгиланиш содир бўлади. Ўтган асрнинг сўнгги йиллари шоир ижодида поэтик образлар соф дунёвий, миллий, ижтимоий, асосга қурила бошланди. Шу билан бир қаторда мумтоз анъанавий шеърлятимиз таъсирида ҳам поэтик образларда эврилиш юз берди.


Анъанавий поэтик образлар “ошиқ”, “маъшуқа”, “рақиб”, “дўст” шоир поэзиясида янгича талқин қилинди. Бу ўзгариш мумтоз шеърлят таъсирида, қолаверса, Шоир эътиқоди билан боғлиқ ҳолда рўй берди. Аъзам Ўктам



ижодида кўзга кўринган анъанавий поэтик тимсоллардан бири “шайтон” бўлиб, бу ҳақида “Расулуллоҳ(с.а.в.)дан шайтон инсоннинг қон томирларида юради⁶², деган ҳадис бор. Унга қарши курашиш, уни енгиш қийин. Шу маънода одам ўзидаги шайтоннинг сифатларини билмагунича шайтон қиёфасини била олмаслиги Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Сулаймон Боқирғоний ижодида талқин этилган. Диний мифологияга мурожаат дунё адабиётида кўп кузатилган. Дантенинг “Илоҳий комедия”, Абдураҳим Ахвердеевнинг “Дўзахдан мактублар”, Ҳусайн Жовиднинг “Иблис”, Жон Милтоннинг “Йўқотилган жаннат” асарлари шулар жумласидандир. Диний ривоят ва образларга мурожаат кўпроқ ижтимоий-сиёсий нотинчликлар, катта тарихий бурилишлар даврида кузатилган. Шайтон образи – диний қарашларга кўра ҳам, у ҳақидаги барча асарларда ҳам инсонни қутқуга солгувчи, иймон-эътиқодидан айиргувчи ёвуз куч сифатида талқин қилинади. Бундай қараш муқаддас Қуръондан тортиб Ҳусайн Жовиднинг “Иблис”игача бўлган манбаларда ўзининг теран ифодасини топгандир.

XX асрга келиб аксарият ижодкорларда, жумладан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Фозил Зоҳид ижодида бу тимсол янгича талқин қилинади. Уларда шайтоннинг шарридан химояланиш мотиви устувор бўлса, Аъзам Ўктам бадий тафаккурида ҳам ана шу мазмун сақланиб қолди. Фақат унга қарши курашишдаги “дўст” образини

⁶² Муҳаммад Исмоил ал-Бухорий, Ал-Жомеъ ас-саҳих, 4 жилдлик, 2-жилд. - Тошкент:1997, 382- б.



ифодаловчи тимсоллар ўзгарди. Бу Шоирнинг “Остонада” шеърида кўринади.

*Шайтон қанча бермасин пишанг,
Бўсағадан хатлатмас ахир,
Пойимдаги у кумуш кишан,
Бўйнимдаги бу тилла занжир*⁶³.

яъни, “кумуш кишан”(йўл) ва “тилла занжир”(иймон) иборалари орқали шоир “дўст” образини рамзларга ўраб беради. Улар орқали шайтонга қарши курашишга отланади.

Шоир мурожаат этган поэтик образлардан яна бири “*ит*” бўлиб, унга лирик қаҳрамон қалб кечинмалари сингдирилган. Шоир тасаввуридаги қисматнинг фалсафий акс этишида “*ит*” тимсоли ҳам муҳим. Аъзам Ўктамгача ит Алишер Навоийда ёрга этишиш учун восита, Огаҳийда бахиллик, тегмаганга тош отиш, кўролмаслик сифатини ифодалаган.

*Тарақларди дарвоза тинмай,
Бақирарди бир тўда одам.
Чиқсам ётар бир ит ўлолмай,
Қоп-қора қон эшик хам, эр хам*⁶⁴.

Шоир Аъзам Ўктам ушбу “Ижара уйдаги ҳодиса” шеърида итга хос яхши ва ёмон жиҳатларни кишиларга, айниқса, йўлин йўқотган дарбадар ҳолатига кўчириб, хулосалар чиқаради.

*Бир эзилдим, тиёлмай ёшни,
Бир соғиндим туғилган юртни...*⁶⁵

⁶³ Аъзам Ўктам, Зиёрат, -Фарғона: Янгиқўрғон, 1992, 10-б.

⁶⁴ Аъзам Ўктам, Зиёрат, -Фарғона: Янгиқўрғон, 1992, 19-б.

⁶⁵ Аъзам Ўктам, Зиёрат, -Фарғона: Янгиқўрғон, 1992, 19-б.

Шоир итнинг ҳолига ачиниш билан қалби шу итдек сарсон эканини англайди. Айтиш мумкин-ки, шоир бу тимсол орқали анъанавий образ “ошиқ”ни тасвирлайди. Ошиқ эса шоирнинг ўзи.

Шоир шеъриятида “маъшуқа” образи ҳам ўзига хос тасвирга эга.

Кел, десанг –

Чопиб сўнгаларни

*Шақиллатгим келур.*⁶⁶

Шеър мазмунидан билиш мумкин-ки, лирик қаҳрамон ишқ сеҳридан шунчалар озиб чўп бўлиб қолган-ки, ёри чақирса, унинг ёнига боргунича териси ёпишиб қолган устухон “шақиллаб” кетади.

Ўлди деб айтса ишонма

Ёрни лақиллатгим келур.

Бормайди тил сўз деярга,

Урмаккада бормас қўлим.

Эшигингни кипригим бирла

*Тақиллатгим келур*⁶⁷.

Шоирнинг нафақат ёри, балки, ёрига тааллуқли бўлган ҳар қандай нарса нозик. Шунинг учун ошиқ ёрнинг эшигини шақиллаган қўллари билан тақиллатиб, ёрнинг дилига озор бергиси келмайди. Шунда ошиққа ёрдам учун ҳижрон ёшларида ювилавериб майинлашиб кетган киприклар ёрдамга келади. Мана шу деталь ёрнинг тасвирини ойдинлаштириш учун жуда мос келади.

⁶⁶ Аъзам Ўктам, Зиёрат, -Фарғона: Янгиқўрғон, 1992, 3-б.

⁶⁷ Аъзам Ўктам, Зиёрат, -Фарғона: Янгиқўрғон, 1992, 3-б.



Ёки;

Берганинг басдир қулингга,

Доғи сўрайманму, эгам?

мисраларида шоирнинг руҳий кечинмалари ўз аксини топган. «қул»га айланган “ошиқ” «Эгам»дан яна сўрашга истиҳола қилади. Яъни, қаноат ва сабрни қисмат этиб белгилайди.

“Аъзам Ўктам ўзига хос шеърӣй услубга эга шоир. Шу боис унинг шеърлари ўзидан бшқа ҳеч кимга ўхшамайди. Шунинг учун шеърӣй мисраларда шоирнинг ўктам овози келиб туради: жиддий, салобатли, ижтимоиятли, кутилмаганда, фавқулодда ва тагдор. Баъзан ўйинга солинган кинояли, аммо маънодор:

Тилингизда ўша хуш наво,

Қўлингизда ўзим билган соз.

Танимайроқ турибман аммо,

Янгирганга ўхшайсиз бир оз.

Иқболингиз тағин ҳам кулсин,


Бошингизда сўнмасин шуъла.

Аравангиз муборак бўлсин,

Қуллуқ бўлсин янги ашула⁶⁸.

Шоир “Тараддуд” тўпламидаги “Бир кун”, “Бир тун” номли мавзу ва мазмун жиҳатидан ҳам тазодли шеърларида поэтик образларда кўринаётган идеалини акс эттириш орқали умр мазмунига, инсон қалбига назар солиб, атрофдагиларига, дўстларига, устоз-шогирдлар, ҳам

⁶⁸ <http://kh-davron.uz/yangliklar/muborakk-kin/bahodir-karimov-azam-shoirning-oktam-ovozi>



замонлари ҳолига, ўз-ўзининг “ички мен”ига қайта-қайта назар солади.

Тонг яқин!

Узун кун бошланар шу зум,

Тонг – бу қора кунга бўлур ниҳоя.

Ўзингдан керакдир ўзингга ҳужум,

*Ўзингга керакдир ўздан ҳимоя*⁶⁹.

“Бир кун” шугина якунга эга бўлиб, “Бир тун”да ўзликка назар, тазарру ва офиятга интилиш устуворлик қилади.

Вужудим соғломдир, бироқ дил майиб,

Қилт этгим келмаюр, турарман шундай.


Биров салом деса, кундек жилмайиб

*Хайр дегим келар, хўмрайиб тундай...*⁷⁰

Қарама-қаршиликлар, зиддиятларга тўла дунёда яшашни осонлаштириш, пўртана ураётган қалб изтробларини сокинлаштириш ҳар бир инсон аталмиш яратикнинг эътиқоди билан боғлиқ. Шоирнинг идеалини шеъриятига хос хусусиятларини юқоридаги мисралар воситасида теранроқ тушуниш мумкин. Асарда шоир руҳияти билан боғлиқ соғлом – майиб, салом-хайр, жилмайиб-хўмрайиб, муслим-кофир сингари моддий, маънавий зиддиятлар биринчидан шоир бадииятининг юксаклигидан далолат берса, иккинчидан шоир деталлар ва шеърий санъатлар натижасида ўз-ўзини мудом тафтиш қилаётган, мавжудлигидан кўнгли тўлмаётган лирик “мен”нинг тасвирини яратади.

⁶⁹ Аъзам Ўктам, Тараддуд, -Тошкент: Чўлпон, 1993, 16-б

⁷⁰ Аъзам Ўктам, Тараддуд, -Тошкент: Чўлпон, 1993, 16-б




Бадий адабиёт тараққиётида бизга яна бир поэтик образ маълум. У “рақиб”га қарама-қарши аспектда туриб кўмаклашувчи “дўст”дир. Унинг энг кўп қўлланилган варианты “кўнгил” бўлиб, уни ҳар бир ижодкор ўзича талқин қилган. Шунинг учун ҳам бу тимсолни талқин қилган олимлар “кўнгил” сўзи шаклан ўзгармаса-да, матнда ўз моҳиятини ўзгартира борганини таъкидлашади. Масалан, Лутфийда “кўнгил” ҳукм этувчи ошиқ ҳаётини бошқарувчиси, ҳаёт сирларини очувчи деб қаралган. Албатта, “кўнгил” деган сўзни тилга олиш ёки кўнгил ҳаётига тегишли фикрлардан шеър яратишни ижтимоий анъаналар, хурлик билан боғлиқ кўриниши Чўлпон шеъриятига хос. Аъзам Ўктам шеъриятида кўнгил мутлақо бошқача мазмунда келади.

*Кўнгил сендан ризодирман,
Биру бор ул десанг басдир,
Сенга измимни берганман,
Жўшиб майли жинойт қил.*

Шоир ёрга етишишда бутун ихтиёрида кўнгилга топширади.

*Англай олмасан –
Кўнгилни – дейди шоир.*

Чиндан ҳам кўнгил ёрга етишиш воситаси ошиқнинг йўлбошчиси экан, ҳамиша очилмас ҳақиқат бўлиб қолаверади. “Ҳар қалб тирикчилик дея ўртанар” сатрида шоир кўнгилнинг “қалб” синонимига мурожаат этган. Тирикчилик домида қолган қалб тимсоли орқали моҳиятдан узилиб, майдалашаётган инсонлардан зада



ҳолда “Қалбимга уқтирар ақл ўз сўзин” дея “дўст” образининг яна бир шакли сифатида ақлга ҳам мурожаат қилади. Демак, шоир “дўст”нинг эътиқод, тавба, тоат шаклларида фойдаланган.


Аъзам Ҷктамнинг “дўст” образларидан яна бири “Она”дир. “Онам фотиҳаси” шеърида:

*Энди сен ҳукумат одами, болам,
Қўлингга бир қоғоз берди ўқитиб.
Унутма – сен кимсан, ким ота-онанг,
Юрма, қоғоз билан элни қўрқитиб.*

Она дуоסי билан фарзанд муваффақиятга эришгач, кибрга эрк берилмай, инсонийлик мартабасини сақлаб қолишга чорлов бор. Инсон улғайгани сари, бойлик, мартаба, шон-шуҳратга эришгани билан, албатта она олдида у барибир бола. У ҳеч кимни эшитмаслиги мумкин, аммо онанинг заиф товуши болани ҳаракатлантиради, шу нафис овоз буюк ишларга илҳомлантиради.

*Онанинг бисоти фақат оқ йўлдир,
Сени тортиб турсин, тупроқ, она тил.
Қайда юрма, қанча умр кўрма барибир,
Тобутда бўлса ҳам юртингга интил.*

Айтиш мумкинки, “Ошиқ” образи орқали банда, “маъшуқа” дея Оллоҳ, “рақиб”да нафс, “дўст” сифатида эътиқод, бирламчи қўйилиб, бу образларнинг янги шаклда замонавий шеърият нуқтаи назаридан талқин қилиниши, биринчи навбатда жамият, миллат тафаккури, қолаверса Аъзам Ҷктам дунёқарашини ва анъанавий эстетик идеали билан боғлиқ.




Эътиқод – поэтик образ сифатида

Лирика инсоният бадиий тафаккурининг ибтидосидан бери шаклий ва мазмуний ўзгаришларга учраганига қарамасдан ўзининг асл қиёфаси, жозибаси ва фаоллигини йўқотмай келаётир. Шу жиҳатдан XX аср шеърияти буткул янги поэтик шакл, янги лирик моҳиятда намоён бўлади. Ушбу турга хос поэтик мезонлар мукамал даражада ҳануз ишлаб чиқилган эмас. Шунга қарамай, адабиёт назарияси асло бу тур ҳақида сўнги хулосани айта олмайди. Бу эса лириканинг доимий ўзгаришлар оғушида эканидан далолат.

Лирика ижтимоий, сиёсий, миллий маданий, адабий муҳит ва бирор ижодкорда руҳий ҳолат ўзгариши билан шакл ва мазмун жиҳатдан ҳаракатга келиши мумкин. Шу маънода биз лирика ҳақида гапираётганда унинг умуминсонийликка дахлдор тамойиллари мавжудлигини назардан четда қолдирмаслигимиз керак.

Инсон ва илоҳиёт, одам ва олам аро маънавий-руҳий эврилишлар шеърий асар дунёга келиши учун асосдир. Инсоннинг ўзини англашга майли мавжуд экан лирикага эҳтиёж бўлади. XX аср улкан информатсион технологик такомилни бошидан ўтказди. Гарчи жадаллик билан фан техникага интилмасин инсоният моддий эҳтиёжи билангина чекланмади. Моддиятнинг турфа ташвишларидан чарчаган одам ҳиссиётларга, хаёлларга эрк бериш яшашнинг мазмуни эканини англади. Бу эса асрлар




давомида ўз ўзини янгилаб келаётган поэтик тафаккурга талабни оширди.

Асаларининг ҳатти-ҳаракатини кузатганмисиз?! У тийраклик билан энг ноёб гуллардан саралаб, Холиқ ижод этган махлуқотларнинг энг олийси – инсон учун бол йиғади. Унинг функцияси – шу. Унинг аъмоли – шу. Унинг қисмати – шу. У бундан малолланмайди, лаззатланади. Худо инсониятни иншо эта туриб шоирларга ҳам ана шу фидойиликни, жонкашликни берганмикин, деб ўйлаб қоламан. Негаки шоирлар ҳам кўнгил аталмиш бўстонда унаётган нафис кечимлар, сезгилар, туйғуларнинг энг ноёбларини йиғиб, шеър тузадилар. Улар бу ишларидан наф кўзламайдилар, заҳматидан оғринмайдилар, енгиллик туядилар.

Аъзам Ўктам шеъриятида ҳис-туйғу, руҳият, фикр, рамз шоирнинг улкан умуминсоний дарди воситасида, улкан бир эстетик идеал доирасида оригинал адабий воқеликка айланади.

Қуръони Каримнинг “Шуаро” сурасида шоирларнинг ўзлари қилмайдиган нарсаларини гапирадиган, сўз водийларида адашиб юрадиган имонсиз бир тоифаси ҳақида сўз боради. “Илло” истисносидан кейин эса сўзлари амалларига мувофиқ келадиган шоирларнинг ҳам борлиги, уларнинг ҳақ йўлдан озмагани тўғрисида фикр келади. Ҳақиқат йўлида, ҳақ сўзида собитлик, сўзи, қалами билан адолат, ҳақиқат учун курашиш, инсонларни эзгуликка чорлаш Аъзам Ўктам шеърлари табиатига хос хусусиятдир.

Шоирнинг далда шеърида:



*Ўт-ўлан айтар саловот,
Жўр бўл, эй, Аъзам Ўктам!*


деган мисраларида бутун оламини ер-кўкнинг, ҳатто митти майсаларнинг ҳам Холиққа саъно ва салавот айтиш ва бу салавотга жўр бўлиш мақомидан туриб айтилган мисралар шоир эътиқоди, эстетик идеалини белгиловчи жиҳатдир.

*Ўчса элнинг чироғи,
Кўр бўл, эй, Аъзам Ўктам.*

Шоирнинг ўз-ўзига мурожаати, ўз-ўзини поклаш йўлидаги қадамлардандир. Зеро шоирнинг лирик қаҳрамони ўз-ўзини тафтиш қилишга киришган шахс сифатида намоён бўлади.

Аъзам Ўктамнинг “Осмон яқин” деб номланган шеърий тўпламида шоирлик қисмати иштиёр этган ва бундан рози муаллиф қиёфаси кўз олдимда намоён бўлади. Китобда шоирнинг олам ва одам ҳақида ўзига хос қарашлари бор. Шундан бўлса керак у шеърларида баландпарвозлик билан сохта туйғуларни эзмаланмайди, кўнглида борини беради, туйганларини бўрттирмайди. Балки шеърларидаги оханграболик, дилтортарлик шундандир. Шоирнинг китобидан олинган “Кафолат” шеъридан “Ватан” сўзини кўрмай киши ватанни ҳис қилади.

*Ҳеч юрмасман қунишиб,
Бор суянч тоғим – отам.
Қолмайди қалб увишиб,
Бор дуогўйим – онам.
Тўймоқ онимас бу дам,
Бу дунёга кўнглим бор.*




*Ғам йўқ кетар бўлсам ҳам,
Ортимда зўр ўғлим бор.
Ненинг ташвишин қилай,
Таниса у исломни,
Айта олса тугилмай,
“Туркистон” деган номни⁷¹*

Ватан мадҳига умрида бирор марта ҳам қўл урмаган ижодкорнинг ўзи йўқ. Кимдир ватанни ўзи билан бирликда кўрса, кимдир унинг шавкати шонини, кимдир унинг тарихини кимдир эса бугунини мисраларда чизади. Умуман олганда ҳар бир индивиднинг ватан ҳақида ўз тушунчаси бор. Шоир Ватан боғлари, қудрати ёки мадҳига бел боғламайди, аксинча, ўзи учун азиз бўлган хотиралар, инсонларнинг мавжудлиги, улар билан боғлиқ воқеаларни ёдга ола туриб, ватанни ўшалар билан мавжудликда тасвирлайди. Шоирнинг эстетик идеали ватан ва унинг ўтмиши сарқитларининг ҳамда бугуннинг мақсадлари, эртадан умидворлик оқибатларини реал тасвирлаш ва халқни шу ҳолатдан чиқишга чорлашдир. Мана шу пафос Аъзам Ўктамнинг шеърларидаги фикр ва ҳиссиёт бирлиги, фикр ва эътиқод бирлигини асарларининг асосий ғоясини, ижоднинг умумий йўналишини тайин этади. У орзудан, армондан, турмуш аталмиш ҳодисотнинг андуҳларидан улуғворлик касб этган оппоқ рангга инган кўнгилдаги тилақдан англашилади. Тилақ тафтида яшайди, яшнайди. Тилақ рангларида, сиймосида гавдаланади.

Шеър – бало, ишқ – бало, сўз – бало.

⁷¹ Аъзам Ўктам. Осмон яқин, -Тошкент: “АБУ МАТБУОТ-КОНСАЛЬТ”, 2011 йил. 122-б.




*Фақат бало кўриб яшайлик.
Шеър – армон, ишқ – армон, сўз – армон,
Дунёдан армонсиз кетмайлик.
Саодат, садоқат гулхандир,
Биз мангу ёнайлик гулханда.
Уй – Ватан, куй – Ватан, ўй – Ватан,
Орзуга етайлик ватанда⁷².*

Шоирнинг “Орзуга етайлик ватанда...” сатрида ҳам ўзига хос қарашлар залворини сезиш мумкин. Тилакнинг ботини тасвирида ҳам, зоҳири тасвирида ҳам асосий моҳият шоир эстетик идеали билан боғлиқ. Бошланғич манзилдан то сўнгги манзилгача инсоният маиший ташвишлар гирдобида бўлади. Кунлик одатлардан чекиниб, сафарга отланган инсон тинимсиз манзил томон ошиқади. Сафар чоғи ҳар нафасда, ҳар сонияда кўнгил деб аталган тизгинсиз неъмат ўйлашдан тўхтамайди. Тўхтадими, демак у ўлган саналади. Инсон ўйларининг чеки-чегараси йўқ. Мана шундай вазиятда инсон хотиржам бўлади. У тўхтамас экан турмуш ғавғолари уни изтиробга сола олмайди, хотиржамликни ҳис қилади. Хотиржам одамгина ўз ҳаётига назар сола олади. Қадрдонлари ҳақида хаёл суради. Яқинлари изтиробни билан яшайди. Эртадан, эртасидан умид қилади. Шоирнинг “Тарбия” номли шеъридаги эзгу ният ўғли Темурбекка айтилганига қарамай, аслида бу сўзлар барча оталар томонидан фарзандларга айтилаётган ўғит:

Мендан кўмак эмас, йўл-йўриқ сўранг,

⁷² Аъзам Ўктам. Осмон яқин, -Тошкент: “АБУ МАТБУОТ-КОНСАЛЪТ”, 2011 йил. 117-б.



*Бор билимим сизга, давлатим сизга.
Жон болам, кўникким келмайди сира,
Ҳозирдан энгилиб қайтишингизга⁷³.*

Шоир шеърларини ўқиш жараёнида ижодкор адабиёт хазинасини бойитиши ёки ўз миллати қалбидан чуқур ўрин олиши учун кўплаб – қатор жилдлаб асарлар ёзиши шартмас деган хулоса келади одам. Боқий шеърият руҳнинг эркин парвозидир; тўғри тўртбурчак шакл ичига жойланган ҳар қандай матн шеър бўлавермайди деган хулосалар чиқаради.

«Ибодат» деб номланган шеърда эса қуйидагилар айтилади:

*Тоғлар сомеъ бўлиб ўлтиришар жим,
Такбир айтган чоғи гулдираб само.
У янглиғ муножат қила олур ким,
Ёмғир бу - пичирлаб қилинган дуо.
Ел йиғлар ер тирнаб, тупроқ сесканар,
Майсалар қалтираб қилурлар сажда.
Дуолар ижобат бўлган саналар,
Кун нурлари бутун келтирар мужда.*

Бутун мавжудот, еру осмондаги нарсалар Аллоҳга сажда қилиши, Аллоҳни улуғлаши ажойиб бир услуб билан тавсиф қилинади. Шу фалсафа, мана шундай руҳда айтилган шеърлар, албатта, эътиқод билан боғлиқлиги ўқувчиларда имонга эҳтиёж уйғотади. Шоир шеърларига диққат қилсангиз, у ҳақиқатан том маънода эътиқод куйчиси. Эътиқодни турфа синоати ва жозибасини гўзал


⁷³ Аъзам Ўктам. Осмон яқин, -Тошкент: “АБУ МАТБУОТ-КОНСАЛЪТ”, 2011 йил. 118-б.



усулда шарҳ этади. Кўплаб шеърларида, аввало, Аллоҳга, сўнг инсон ва барча яратилганга муҳаббатни ҳис қилдиради. Аъзам Ўктам шеърляти Қуръон ва суннатга таянган моҳият булоғидан сув ичган. У инсон тарбиси жиҳатидан ва кўнгилга ва инсоннинг ички дунёсига тааллуқли бўлган учун ҳам эътиқод чизгиси бўла олади. Шунинг учун ҳам ўзининг бандалик масъулиятини сезишга ва табиатга Аллоҳнинг улуғ қудратини намуналари сифатида ҳурмат билан қараётган солиқ қаҳрамон – идеални акс эттиради.

Ижодкор кўпинча ўз эстетик идеалини, бадий ғоясини табиатдан олинган рамзлар воситасида ифода қилади. Ҳар бир шоирнинг поэтик оламини кўрсатадиган бетакрор образлари бўлади. Дейлик, *“Бинафша сенмисан, бинафша сенми”* деганда Чўлпон эса келади. *“Наъматак”* Ойбекдан дарак беради. *“Ўрик гуллаганда”* Ҳамид Олимжонга таъбир, *“Мажнунтол тагига ўтқазинг мени”* – Миртемирнинг шоҳ сатри . Шавкат Раҳмон шеърларида *“тоғ”* образи кўп учрайди. Шоирнинг *“Уйғоқ тоғлар”* деган тўплами, *“Ёш тоғлар”*, *“Сулаймон тоғи этагидаги ўйларим”* номли шеърлари бор⁷⁴. Бундай образлар гоҳида шоир дунёсини белгиловчи хусусиятдек таассурот қолдиради. Аъзам Ўктам шеърларида эса ўқувчи қайта –қайта эътиқод тасвирига дуч келаверади. Айнан мана шу образ орқали инсон ўзини бу ҳаётга нега келгани, нима учун яшаётгани нафс ва қалб, эътиқод ва исён, бахт ва дард деб аталган бу ҳаёт курашида оталар томонда туриб ўғилларга далда бўлаётган

⁷⁴ <http://orifto.lib.uz/kutubxona/bahodir-karim-shoirning-otkr-soz/imlo=1>



шоирдаги эзгулик эҳтиёжи ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Фарзандининг муваффақиятидан ота ўзини бахтли сезади, ҳаётдан баҳра олади. Умид, орзу унинг шикаста қалбини дармонлантиради.


Аслида бу шеърлардаги қарашлар шоирнинг айнан ўзигагина тегишли ҳолатдир, аммо унинг образли ифодаланиши ўқувчини ўз олами асирга айлантириши турган гап.

*Ой чўчиб тисланар ортга ногаҳон,
Теран бош чайқади, ғижирлар оғир.
Кули титкиланган ўчоқдир осмон,
Япроқлар шивирлар,
Титрашар дир-дир...⁷⁵*

“Уйқум қочган кечада” шеърининг қолган сатрлари ҳам шундай жозибадор тимсол, ташбеҳларга бой, бу – катта маҳорат белгиси. Шоир ўз руҳий ҳолатини шунчаки сўзлар тизмаси, қофиялар кетма-кетлигининг қатига яшириб қўя қолмайди. У ўз кечинмаларини ифодалар экан, ойнанинг чўчиб ортга тисланишида унинг “шикаста”лигига, яъни ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг мушрикларнинг талаби билан мўъжиза сифатида ойнанинг қоқ иккига бўлганлари ва қайта ўз ҳолатига келтирганларига ишора қилиб, шеърдаги бу образнинг бардошсизлигига йўйса, бошқа томондан ой муаллифнинг хуркак туйғуларининг натижаси сифатида қарашни илгари суради.

“Омин” шеърда шоир руҳиятидаги баландлик дуолар билан параллел тасвирланади. Шоир ўзидаги шижоатни

⁷⁵ Аъзам Ўктам. Осмон яқин, -Тошкент: “АБУ МАТБУОТ-КОНСАЛЪТ”, 2011 йил. 135-б.



эътиқод бутунлиги билан ифодалайди. “Ош буюрсин саҳарлик учун, “Таровиҳ”дан қайтсин эркаклар” дейди муаллиф. Дунё бу андуҳ, дунё бу армон, дунё бу Олий идеал йўлидаги бекат - макон. Дунё бу севинч, бу муҳаббат ва самимий туйғулар макони. Ана шу инсон қалбидаги инжа туйғулар бевосита дунё деб аталмиш макон билан боғлиқ экан, уларни англаган, ҳис қилган инсон кўзларида гоҳ мунг, гоҳ қувонч бўлиб порлайди, ёки икки томчи ашк мисол қалқийди. Бутун дунёни юрагига сиғдирган шоир уни “буюк армон”, “буюк мақсад” либосига ўраб, “Отам”лаши тайин ҳамманинг, “Бўтам”лаган овоз чиқмасин” дея “омин”лаш ҳақидаги жумла нақадар латиф топилма.


Бу дунёдаги аъмолини қалб ва эътиқоднинг бирлашиш у билан бир бутун деб тушунган муаллиф ўзининг бу улкан фалсафасини умид билан боғлайди. Инсон қисматида “тавба” мавжуд экан яратган раҳмати илинжида яшайди.

*Бошдан булут арир, кетгай хатарлар,
Ҳар не камимимизни Тангри бут қилгай.
Ким ноумидд бўлса, шайтон атарлар,
Урғочи шайтондир ноумид қилган⁷⁶.*

деган мисраларга “умид” тасвирини сиғдирадидики, бу шоирнинг Ўзи ва ўзлигини англашдаги изланишларини кўрсатади.

Шоир ижоди мутолаасига киришган ўқувчи анъанавий образларнинг янгича талқинини кўриши мумкин. Ўзбек мумтоз шеъриятида ҳамиша ошиқ, маъшуқа, рақиб ва дўст

⁷⁶ Аъзам Ўктам. Осмон яқин, -Тошкент: “АБУ МАТБУОТ-КОНСАЛЪТ”, 2011 йил. 115-б.



образлари моҳиятини сақлаган ҳолда уларнинг вазифасини бошқа деталлар ва тимсолларга кўчиради бу унинг ўзига хослигини намоён этади. Масалан;

Асл айбим –

Текис йўлда қоқинмоқдур,

Асл бахтим –

Ўзинг кўрмай соғинмоқдур.

Ер-у кўкдан мудом излаб

Хато қилдим.

Сени топмоқ йўли

Доим топинмоқдур⁷⁷.

Айтиш мумкинки, шоир шеърларида мурожаат этилган эътиқод тасвирида Аъзам Ўктам эстетик идеалини бор ҳолича идрок этиш мумкин. Аъзам Ўктам шеърлятида эстетик идеал деганда, аввало биз шоир битикларидаги эътиқод озодлиги учун, миллат ва юртнинг обод келажаги учун қайғураётган қаҳрамон билан тўқнашамиз.

АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИДА ЭСТЕТИК ИДЕАЛНИНГ ЯНГИЛАНИШИ ВА БАРҚАРОРЛАШУВИ

⁷⁷ Аъзам Ўктам. Осмон яқин, -Тошкент: “АБУ МАТБУОТ-КОНСАЛЪТ”, 2011 йил. 118-б.



Аъзам Ўктам ижодидда янги эстетик идеалнинг шаклланиши

Ижодкор инсоният ҳақида ёзар экан, аслида ўзи ҳақида сўзлаётган бўлади ёки аксинча, ўзи ҳақида гапираётиб, умуминсоний муаммоларни қаламга олади. Унинг назари қадалган нуқта эса қалб деб аталади⁷⁸. Ана шу нуқтадан ижодкор эстетик қарашларини ўзида мужассам этган идеал дунёга келади. Адабиёт, санъат, умуман инсоният тарихига назар солар эканмиз, аён бўладикки, ҳар бир давр инсоннинг ўз идеалини шакллантиради. Янгиланган муҳитда мавжуд идеал ўрнига бошқа бир идеал етишиб чиқади. Лекин у тамомила янги бўлмайди. Вазиятга қараб у ёки бу идеал вақти-вақти билан долзарб мавқе касб этиши мумкин. Шунда биз унга янги идеал деб қарай бошлаймиз. *“Жамият ҳам, инсон ҳам ўз ҳаёти давомида тинимсиз равишда идеалларга интилиб яшайди. Айна пайтда юртда сиёсий-тарихий эврилишлар юз берган паллаларда жамиятдаги устувор маънавий қадриятларга путур етиши, ҳатто улар бир муддат тарих саҳнасидан туширилиши, йўқотилиши мумкин. Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай, жамият яна ўз идеал қаҳрамонларига эҳтиёж сезади. Бу ўз навбатида бошқа унутилган иделларни ҳам майдонга чиқаради”*⁷⁹. Идеал ижодкор “мен”идан ташқарида содир бўлмайди. У аввало ижодкор шахсияти билан боғлиқ. Аъзам Ўктам ҳақида гап кетганда, унинг истеъдоди ва фаолиятига хос

⁷⁸ Жўрақулов У. Худудсиз жилва. -Тошкент: Фан, 2006, 166-б


⁷⁹ Ҳамдамов У., XX аср ўзбек шеърлятида идеал муаммоси// Ўзбек тили ва адабиёти 2009, 5-сон, 33-б.

бўлган икки жиҳатни ижодкорлиги, ҳамда солиҳлигини таъкидлаш жоиз.

Ўтган асрнинг 80-йилларигача бўлган шеъроятга назар солинса, “коммунистик мафкура шоирлари ўша тузумга тобе ва хизматкор бўлган тоифалар қатори ер юзидаги Аллоҳнинг яратган нарсаларини, табиатнинг усталлиги, табиатнинг моҳирлиги каби иборалар билан сифатлашар эди. Табиат офатлари, баъзи бир бўладиган ҳодисаларни эса табиатнинг инжиқиклари деб таърифлашар ва ўзларича табиатни жиловлашга, ўз иродалари олдида уни тиз чўктиришни даъво қилишар эди. Уларнинг айтадиган шеърларида ҳам, ёзадиган асарларида ҳам мана шу нарсани яққол кўриш, билиш, сезиш мумкин эди. Аммо Аъзам Ўктамнинг шеърларида Исломиё фалсафа худди шу мавзуга келганда яна барқ уради. Атрофимизни ўраб турган барча махлуқотлар, нарсалар буюк яратувчи Холиқ – Аллоҳ Таолонинг махлуқотлари ва ўша Зотнинг Бир-у Борлигига, Холиқ-у Мудаббирлигига далиллар эканлиги олға суради. Шоир ўша нарсаларнинг ҳаммаси ҳам Аллоҳга ибодат қилишини ажойиб бир услублар билан тасвирлайди”⁸⁰.

Аъзам Ўктам, айнан, шўролар таназзули тала-тўпларида ҳақиқатни одамларга етказишни ўз маслаги даражасига кўтарди. У дастлабки шеърларидаёқ ижтимоий ҳаётдаги тенгсизлик, ноҳақликка қарши исён кўтарганлардан. Миллат маънавиятини кўтариш, мустақилликка эришиш (эътиқоддаги мустақиллик назарда тутиляпти), шахс

⁸⁰ <https://kh-davron.uz/kutubxona/islomy-adabyot/quronda-rasul-s-a-v-vasfi.html>




руҳини уйғотиш Аъзам Ўктам шеърлятидаги янги эстетик идеалнинг бош мақсад ва вазифасини ташкил қилади.

“Менинг ҳар бир асарим шахсий ҳаётимдан бир парчадир”, деган эди Л. Н. Толстой. Дарҳақиқат ҳар бир “ёзувчининг ижоди унинг ҳаёт йўли ва яшаш тарзи билан мустаҳкам боғлиқдир. Ёзувчи ўзининг кўрганлари ва бошидан кечирганларини ёзади”⁸¹. Бадий ижоднинг сири ва асардаги эстетик идеалнинг бадийлиги ҳам ижодкор кўрган кечирганларини бирлаштириб, унга умуминсоний мазмун бағишлай олишда кўринади.

А. Ўктам 80-йилларда шўролар тузуми инқирозга юз тутиб, таркиби мустақил қисмларга ажрала бошлаган, оммавий Худосизлик, эътиқодга тазйиқ кучсизлана бошлаган, эски мафкура емирилиб, мафкуравий бўшлиқ ҳосил бўлаётган бир даврда адабиётга кириб келди. Шунинг учун ҳам у диний, ижтимоий, сиёсий эркинлик, истиқлол учун курашни ўз бошидан ўтказган ижодкор. У шахсий хусусиятлари билан олийжаноб одам. Шоирнинг идеали ўз руҳиятининг нурафшон томонлари билан ажралиб туради. Ушбу сифат ташқи(жисмоний) олам билан бир қаторда ички(руҳоний) дунёсини ҳам ўз қамровига олади.

*Етти қават осмон остида турдим,
Роса етти кунлик йўл юриб кўрдим.
Соҳир камалакнинг етти рангини.
Кўлим ҳайрат ила ёқамни тутди.
Эслаб саждага бош қўйган бобомни.*

⁸¹ Қўшжонов М., Ижод сабоқлари. -Тошкент: Ёш гвардия, 1973. 30-31-б.



Айт, эй кўнгил:

Ким буни тагига етди?

Ташла “Мен – буюкман!” – деган даъвонгни.

“Мўжиза” деб номланган бу шеърда шоир осмонда пайдо бўлган камалакни. Унинг ажойиботларини кўриб, Буюк Яратувчи ажойиботи қаршисида таслимиятни ҳис қилади ва ҳис қилдиртиради. “Ташла “Мен – буюкман!” – деган даъвонгни”, - дея ғурурга кетмасликни алоҳида таъкидлайди. Бу сингари инонч “Ибодат” шеърида ҳам кўзга ташланади. Бу тасвирлар ўзни кўрсатиш эмас, аксинча бутун вужудга сингган, юракдан чиқаётган ҳазин бир оҳангдир. Шоирнинг бу босқичдаги эстетик идеали ҳар бир ҳодисадан ҳикмат қидирувчи сўфий даражасида.

Асл инсонийлик ҳақиқат ва Ҳақни рўй-рост кўрсатишда шеър ва Шоир зиммасига катта маъсулият юклайди. Шоир ўз кечмишларида зоҳирга мурожат орқали ботинни уйғотмоқни истайди, яъни Шоирга “халқ”ни куйлаш кифоя қилмайди. Яратганнинг “халқ”дан ҳам буюк яратиғи бор, у – хулқдир. Шоирни нотинч қилган мавзулардан бири ҳам ана шу хулқ – эътиқод масаласи. Шоир талқинида инсонийликнинг маъноси кенг. Бу ҳолат “Ўтинч” шеърида шундай берилади.


Сўзим, жонбахш сўзим, ёрдин

менга ширин ҳикоят қил,

Кўзим, йиғла бу ёрсизлик,

бу ҳижрондан шикоят қил.⁸²

⁸² Аъзам Ўктам, Тараддуд, - Тошкент: Чўлпон, 1993, 13-б.



Жонга хитоб ҳар бир банднинг яқунловчиси бўлганидан лирик қаҳрамон ўз вужудининг ҳар бир аъзосига тавалло қилади.

Қўлим ёпгил қулоқларни

Эшитма ҳеч надоматни,

Юрак очгил у дафтарни

Яна бошдин ривоят қил.

Оёғим, юр кетайлик бу

Зулмкорларнинг ёнидин,

Етиб боргач синиб битгил,


Аммо бу кун ҳимоят қил.

Жисмни жаҳолатдан қутқара олмаган қалбнинг боридан йўғи яхши. Шоир ўз қалбига ишонади. Шунинг учун у ҳамма тан аъзоларига тавалло қилади- ю, дилига бор ихтиёрни беради. Чунки кўнгилда ишқ бор.

Шоир лирик қаҳрамонини унинг дунёқарашидан айри тасаввур қилиш жуда мушкул. Собитсиз дунёқараш ва эътиқодсиз калом бебақо. Назарий жиҳатдан унинг бадииятини қусурли деб қараш мумкин, аммо тақдир этилган синовлар ва умр йўлида учрайдиган турли имтиҳонларга бардош бериб келаётган одамзот томонидан иншо этилаётган бадиият дурдоналари шуни кўрсатадики, эътиқод чегарасида туриб ижодкор кўнглини таржима қилар экан, унинг ижоди учун адабий мезонни кўнгил эҳтиёжи, аввалидан охиригача абадий бўлган илоҳий ишқ ижод мезонини белгилаб беради:

Бир киши ҳолидан, Оллоҳ,

Сақлагил, бергил амон.



*Ухлагай мўмин бўлиб ул,
Уйғонар кофир бўлиб⁸³.*

“Инсон бу дунёда қилган амали, тутган рўзаси, ўқиган намози. Берган закату садақаси, олган илмига ишониб мукулмонман дея ухлаши мумкин, лекин Оллоҳ қандай ҳукм беради, билиб бўлмайди, деган ҳадикдан туғилган бу байт”, - деб эътироф этади шоир. – чуқурроқ ўйлаб кўрилса бу муддат тағинам қисқаради. Тунда муслим бўлиб уйқуга кетган одам тунги ҳолатлари, эртадан мақсад умидлари, ўтган кунига назар ташлаб, ўзига баҳо берганида – тонгда – Худо кўрсатмасин, кофир бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.⁸⁴

Одамлар кўзида инсоннинг кимлиги, Аллоҳ назарида ким экани бу азалий сўроқ. Аллоҳ ёди билан ўтган умр лоақал бир соат эмаслиги, хатолар, чалғишлар гирдобида ҳақиқатни англашга уринаётган инсон образи шоир шеърларининг асосий мавзу кўламини ташкил қилади:

*Бас қил эмди, ҳар сўзингда,
Битта таъна, иддао.
Чунки миннат айламак ҳам,
Бўлмас эмиш исломда⁸⁵.*

Шоир ҳаётдаги сўзи билан амали бир-бирига мутансиб келадиган идеал эгаси. У сўзни ортиқча исроф этмайди. Ижодининг чўққиси саналган “Қирқинчи баҳор” тўпламига киритилган шеърлардаги ҳажман сиқик мисралар замирида чексиз-чегарасиз мазмун яширинганини кўришимиз мумкин. Шоир наздида, “Ёмғир – у пичирлаб

⁸³ Аъзам Ўктам. Хабар//Шарқ юлдузи, 1995. 1-2 сон.

⁸⁴ Аъзам Ўктам. Хабар//Шарқ юлдузи, 1995. 1-2 сон.

⁸⁵ Каримов Б., Аъзам шоирнинг Ўктам овози// Шарқ юлдузи журнали, 2010 йил 5-сон.



қилинган дуо”⁸⁶. Шоирнинг эътиқоди мисраларда худди тасбеҳ доналари каби терилганки, ўқувчи бундан ҳеч ғашланмайди, аксинча, тозаришга, покланишга эҳтиёжни ҳис қилади. Бу Аъзам Ўктам шеърларида бадий санъат либосига бурканиб, чин инсоний дардлари оҳангида жаранглайди:

*Ариқдан сув ичиб турган ул қушлар
– Оғиз чайқаётган муслимга ўхшар*⁸⁷.


дейди шоир бир шеърда. Шоир ташбеҳ бадий воситаси қатида кичик тасвирдан топган ҳикмати унинг эстетик идеалининг соф эътиқодий йўналишда ўзгача инъикоси дейиш мумкин.

Шоир шеърларида мақол, матал, иборалар воситасида янгидан янги образларни яратади. “Ҳаёт менга дўст эмас, ҳа, ёт”. “Оллоҳ, паноҳингга ол-л, оҳ”, “Кўпиртирди зиёли “зиёнли”га айланди” каби сўз ўйинлари, тиниш белгиларидан фойдаланиш шоир шеърларидаги мантиқни янада бўрттиради.

Адабиёт иймонни шакллантириш воситаси деб қараган шоир Худо олдида ҳақиқатни айтдимми, йўқми, деган илинж, маъсулият билан ёзиш бурчини ўз зиммасига юклайди ва шу йўлда жасорат топади. Жасоратнинг изми-ихтиёри Яратганда. Аъзам Ўктамнинг ёзганлари ана шу изми-ихтиёр натижасида юзага келган кашфиётдир. Бундай кашфиёт ўз-ўзидан иймон нури ила ёритилган қалбда бўй кўрсатади. Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан “Инна минаш шеъри ла ҳикматан(албатта, шеърда ҳикмат

⁸⁶ Каримов Б., Аъзам шоирнинг Ўктам овози// Шарқ юлдузи журнали, 2010 йил 5-сон.

⁸⁷ Аъзам Ўктам, Қирқинчи баҳор, - Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999 йил.



бордир)”, деган ҳадис бор. Шоирнинг “Маломат” шеърида ана шу ҳикматнинг шаклу-шамойилини кўриш мумкин.

Неки билдинг, неки қилдинг

ҳеч бири тоат эмас,


Суйганинг роҳат эмасдур,

қўрққанинг офат эмас.⁸⁸

Матнда “мен”нинг истагини ифода этувчи сўзларнинг мавжуд эмаслиги Аъзам Ўктам идеали табиати билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам уқиш, ҳам уқдириш майллари ўзаро уйғунликда тасвирланади. Бу томондан ижодкорни Ҳақ йўлига кирган сўфийга қиёслаш мумкин. Чунки шеърнинг давомида қалбнинг англашга интилиши ва идрок кучая боради. Шоир шеър сўнгида тил ва дилнинг бирлиги ҳақиқатга олиб борадиган йўл эканлигини ишонч билан таъкидлайди.

Кўринадикки, Аъзам Ўктам поэзиясида ўзини излаётган, ҳар аъмолини тафтиш қилаётган мукаммал шахс “мен”и акс этган. Унинг мисралари эркин туғилган ва бир умр хурликка интилиб яшаётган инсоннинг ўзини англаш йўлида Яратганга муножотидир. “*Сени топмоқ йўли – доим топинмоқдир*”, дейди шоир. Лирик қаҳрамон комиллик сари интилаётган шахс. Қай томонга боқса, Ҳақни кўради. Ўзини топмоқ учун итоат йўлини танлайди.

⁸⁸ Аъзам Ўктам, Тараддуд, -Тошкент: Чўлпон, 1993, 9-б.




Аъзам Ўктам ижодига диний дунёқарашнинг таъсири

Ҳаммага маълумки, бизнинг юртимиз Мовороуннаҳр – Туркистон бутун дунё шеъриятида ўзига хос ўрин тутган буюк шоирлари билан фахрланса арзийдиган, жаҳон халқлари шеърият хазинасига ўзининг олтин саҳифаларини, олтин байтларини бошини баланд кўтарган ҳолда тақдим этган бир юртдир. Албатта, ана шу мақтовга сазовор шеърият, шеърий асарлар, шоирлар, уларнинг фаолияти, савияси, ҳамма-ҳаммаси шу диёрнинг қадимдан муқаддас дини бўлиб келаётган Ислоҳ дини билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас⁸⁹.

Адабиёт ўзи мансуб бўлган халқнинг миллий руҳи, турмуш тарзи, устозлар тажрибаси, маънавий-ахлоқий, диний-илоҳий тушунча ва қадриятларига таянади. Шунинг учун улардан ҳоли равишда адабий жараён моҳиятини белгилаш ҳам, мавжуд анъаналарнинг бадиий ижоддаги ролини баҳолаш ҳам мушкул. Унинг дин билан чамбарчас боғлиқлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Дин тасаввуф илмининг бадиий адабиётдаги инъикоси кўпгина олимлар томонидан ўрганилди, қатор илмий янгиликлар амалга оширилди.

Маълумки, тасаввуф шарқ дунёсининг ижтимоий, маданий, фалсафий, адабий ҳаётига таъсир қилган. Мумтоз адабиёт намояндаларидан кўпи маълум бир тариқат


⁸⁹<https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/memuarlar/shayx-muhammad-sodiq-muhammad-yusuf-azam-oktam-xotirasi>



вакили сифатида ном қозонган. Бу адабиётдаги ғоя ва образлар тизимининг кенгайишига сабаб бўлган. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр, Қул Убайдий, Мискин, Хислат каби соф диний-тасаввуфий адабиёт намояндалари бор ва шеър улар учун ирфоний фикр-қарашлар талқини ва тарғибида муҳим бир восита эди. Улуғ шоирларимизнинг пур ҳикмат байтлари, Қуръони Карим оятлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари, мусулмон уламолардан чиққан ҳикматларга йўғрилган эканлиги, уларнинг ҳаммалари диний илмлардан етарли маълумотга эга бўлган ва кўплари тасаввуф тариқатларидан бирини маҳкам тутган, ҳатто баъзилари тариқатларга шайх бўлган улуғ инсонлар эдилар.

Тасаввуфнинг бадий адабиёт билан яқинлашуви тасодифий ҳодиса эмас. Шарқ мумтоз поэтикаси тажрибаларидан маълумки, адабиётнинг тараққиёт асосларидан бирини ислом дини ташкил этади. Ижодкорлар Қуръони карим оятларидан илҳомланмай, Пайғамбаримиз(с.а.в.) ҳадисларини ўрганмай, шариат аҳкомларини билмай туриб асар яратишмаган. Ҳамидулла Караматовнинг ёзишича, *«Ҳозиргача бизга маълум туркийзабон халқларнинг энг кўҳна асари Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»и бўлиб, унда биз ислом мавзулари ва Қуръоний ибораларнинг матнда кўп ва хўб қўлланганлигидан воқиф бўламиз»*⁹⁰. Ундан сўнг Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббат ул-ҳақойиқ», Аҳмад Яссавийнинг

⁹⁰ Кароматов Ҳ., Қуръон ва ўзбек адабиёти, -Тошкент: Фан, 1993.




«Девони ҳикмати», Носириддин Рабғузийнинг «Қиссас ул-анбиё» асарлари бу йўлдаги ҳайрли ишлардан эди. Ва бу бадий адабиётнинг холислиги ва ҳикматли бўлишини таъминлаган.

Шўро тузуми даврида халқимиз ислом ва тасаввуф оламидан узоқлаштирилган бўлса-да, адабиёт тасаввуфдан узилиб қолмади. Чегаралаб қўйилган адабиёт доирасида туриб ҳам диний тушунчаларни бериш имкони топилди.

Мустақилликдан кейин уйғониш Шарқида пайдо бўлган поэтик анъаналарга қайтиш яққол кўзга ташланди. Адабиёт диний фалсафадан озиклана бошлади. Жумладан, Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари”, “Ҳикматли дунё”, Шукур Қурбоннинг “Сизни Худо етказди”, ва “Арбаъин” Тоҳир Маликнинг “Ахлоқ китоби”, Фозил Зоҳиднинг “Ота боғи”, “Сўроқласа мени дўстлар” сингари асарлари динни тарғиб этишдаги роли беқиёслиги ҳамда бадий жилоси билан аҳамиятли.

Ўтган асрнинг сўнгги йилларида муборак ҳадисларнинг мазмуни, айниқса, шеъриятимизга чуқур сингиб борди. Хусусан, Аъзам Ўктамнинг “Икки дунё саодати” тўплами ана шу жиҳати билан диққатга сазовордир. Чунки Шоирнинг бу китоби биринчидан, пайғамбаримиз(с.а.в.) каломлари таъсирида туғилиб, панд-ибратга бой бўлса, иккинчидан, ҳадислар шеърий талқинларини яратиш анъанасини давом эттирган. «Икки дунё саодати»да бир қанча диний тасаввуфий тушунча ва ҳақиқатлар янгича поэтик усул ва образлар орқали талқин қилинган. Китобда умумбашарий муаммоларнинг шарқона ифодасини кўриш




мумкин. Имом ал-Бухорий томонидан тўпланган ҳадисларнинг 45 та болаларга тааллуқли бўлганлари тўпланиб, унга шеърий изоҳ ва талқинлар жамланган. Унда чин одамийлик куйланар экан, эътиқод масаласи етакчилик қилади.

*Ким ҳар недан севса Оллоҳни,
Севса яна Расулуллоҳни,
Кўяр бўлса, кимга муҳаббат,
Оллоҳ учун севолса фақат;
Кофирликка қайтмоқдан эса,
Ўтга тушган яхшироқ деса –
Англари Оллоҳ саҳоватини,
Топар иймон ҳаловатини⁹¹*

Дунё осойишталигидан воз кечиб, қалб ҳаловатига қачон эришиш мумкин? Бу йўлда қандай тадбирлар лозим? Бу каби саволларга китобдаги шарҳлардан жавоб олиш мумкин. Уларнинг туб моҳиятида инсоннинг қалб қаърига назар ташлаш, яширин туйғуларни кашф этиш, софликка даъватдан кўра эҳтиёж уйғотишга интилиш етакчилик қилади. Бундан ташқари ҳар бир шеърий шарҳ ва унга келтирилган изоҳлар ғоят ибратли, қолаверса, ислом ўтмишидан лавҳалар келтириш орқали Шарқда тарих ибрат манбаи деб қарашга ҳам ишора бор. Тарих инсониятни «илдиз»га, яъни ўзи англаб етишга интилган ҳақиқатга - «аслият»га элтади. «Аслият» эса қалб тарбияси учун восита. Сабаб эса барча мутасаввифлар таъкидлаганидек «одам»дир.

⁹¹ Аъзам Ўқтам, Икки дунё саодати, -Тошкент: Чўлпон, 1998, 21-б.



Тасаввуфий қарашларда инсон тупроқ, сув, ҳаво, оловдан иборат бўлганидек, уни олий мақомга етишида ёки тубанлик томон кетишида ҳам тўрт нарса бор. Бу шоирнинг «Офат ҳам, нажот ҳам ўзидан» ҳадисига ёзилган шарҳда шундай берилади.

*Расулulloҳ демишлар бир кун,
Тўрт фитна бор одамзод учун.
Оиласи, молу дунёси,
Фарзандлари ва ҳамсоясини...⁹²*

Демак, одам боласини тўрт нарса орқали шайтон васвасага солиб туради. Аммо бу йўлда Оллоҳ инсон учун ҳимоя воситасини тайёрлаб қўйган.


*Амри маъруф ва наҳий мункар,
Намоз, рўза, закот қутқарар⁹³.*

Изоҳда муаллиф ўз хулосаларини келтирар экан, «оила ва бола-чақа боқишни баҳона қилиб, гуноҳ ишларга қўл ургангани оқлайдиганлар ҳам кўплаб топилади. Шайтон уларга бу баҳоналарини асосли ва чиройли кўрсатиб қўйган холос», ҳолбуки оилани таъминлаш бирламчи турар экан, нега уни фақатгина дунё иши учун таъминлаш керак. Ҳаёт бу дунёдан иборат эмас, охират йўли ҳам бор. Охиратки, бу ҳаққи рост йўл. Кимда ким бу йўлни йўқотса, асл манзилидан адашади. «Тириклик бир синовдир», деб номланган талқинда иймоннинг яна бир устуни омонатни асраш ҳақида гап боради.

Йўқотмасин ҳеч ким рост йўлин,

⁹² Аъзам Ўктам, Икки дунё саодати, -Тошкент: Чўлпон, 1998, 20-б.

⁹³ Аъзам Ўктам, Икки дунё саодати, -Тошкент: Чўлпон, 1998, 20-б.



Тиламасин ўзига ўлим.

Тўғри йўлдан озиб, қуюшқондан чиқиш, ўзига ўлим тилаш маън этилган. Ҳаёт минг машаққатли бўлмасин;

Яхши эрур кимки дунёда,

Шояд бу иш бўлгай зиёда.

Ёмон бўлса, шоядки бир кун,

Интилгай Ҳақ ризоси учун.⁹⁴

«Яхши одам ўз умри узун бўлишини истасин, шоядки яхши амаллар кўпайиб бораверсин. Ҳатто ёмон одам ҳам узоқ яшасин, яхши ишлар қилишга яраб қолсин. Шоядки Оллоҳ розилигини топса». Аввало ният тўғри бўлса, иймон мустаҳкамлиги шунга қараб белгиланади.

Шоир шеъриятидаги тасаввуфга хос жиҳатларни кузатиш адабиётнинг муайян даврига хос миллий оханглар, диний-дидактик ва адабиётнинг Қуръони карим ва ҳадислар матни билан синтезини атрофлича ёритишга имкон туғдиради. Ҳадислар ўз номи билан пайғамбаримиз(с.а.в.) ибратли ҳаётларидан бир лавҳа, суннатдир. Шунинг учун уларни аксариятида «Расулуллоҳни тинглаб», «Расулуллоҳ дерлар», «Расулуллоҳ бердилар савол», «Расул дерлар», «Расулуллоҳ айлар марҳамат», «Расулуллоҳ демишлар» сингари иборалардан фойдаланилган.


Расулуллоҳ айтдилар бир кун:

Икки катта халқ бошлар қирғин.

Ер юзига дажжоллар келур,

Расулман деб пуч даъво қилур.

⁹⁴ Аъзам Ўктам, Икки дунё саодати, -Тошкент: Чўлпон, 1998, 26-б.



*У дам илм топғуси барҳам.*⁹⁵

Ёки: *Расулulloҳ айлар марҳамат:*

Мунофиқда бордир тўрт иллат.

Не сўзласа бўлғуси ёлғон,

Пуч чиқади ваъдаси ҳар он.

Омонатга ҳиёнат қилгай,

*Даъво чоғи ёлғон онтга шай.*⁹⁶ каби.

Шоир маълум бир ғоявий, бадий ниятда ушбу иборага мурожаат этади. «Икки дунё саодати»да ҳар бир шарҳ Расулulloҳ(с.а.в)нинг хос сифатларига ишора қилган. Натижада ижодкор тафаккур ҳосиласи лирик қаҳрамон эътиқоди акс этади. Шунинг учун ҳам Шоир талқинидаги бу ҳадисларда қалб мусаффолигига ишора сезилади.

Танингизда бир гўшт бор

У қалб эрур - беринг эътибор.

У тузалса, вужуд тузалар,


*Бузилгайдир, у бузилса гар.*⁹⁷

Қалб - этиқод маскани. У бузилса, инсон иморати вайрон бўлади. Қалбни асраш тақво билан. Тақвога нафси енгиш, Ўзини таниш ва тавба орқали эришиш мумкин. Тавба куфрдан қайтиш, шариат таъқиқлаган ишлардан кетиш, ҳақдан ташқаридаги нарсалардан воз кечиш билан бир ўринда ўз нуқсонларини кўра билиш, аҳволини англаш, қабих иш ва фикрлардан, дунёнинг арзимаслигини билиб, зулму адолатсизликдан қайтишдир. Демак тавба - қилинган хато ва нуқсонли ишлардан пайдо бўладиган

⁹⁵ Аъзам Ўктам, Икки дунё саодати, -Тошкент: Чўлпон, 1998, 36-б.

⁹⁶ Аъзам Ўктам, Икки дунё саодати, -Тошкент: Чўлпон, 1998, 42-б.

⁹⁷ Аъзам Ўктам, Икки дунё саодати, -Тошкент: Чўлпон, 1998, 52-б.



пушаймонлик экан, инсон бу вазиятда ўзига чора излаб, нажот ахтаради. Бу амал Оллоҳ наздида хушдир. Шунинг учун шоир:

Шодланади Оллоҳ шу қадар –

Тавба қилса бандаси агар...⁹⁸ - деган сатрларни ёзган.

Аъзам Ўктам шеърларини ички бир шуъла, эътиқод шуъласи ёритиб туради. Шоир эстетик идеалининг ёрқин таассурот ва рангин сезгилари эътиқод ёғдулари билан янада ойдинлашади. Шу маънавий поэтик унсурлар эътиқодий оламнинг муайян чегарасини белгилайди. Таъбир жоиз бўлса, эътиқод – Шоир эстетик идеалининг маркази, унинг бадиий қимматини оширувчи унсур деб айтиш мумкин.

Демак-ки, Аъзам Ўктам шеърий талқинидаги ҳадислар классик анъаналарнинг янги бир давр шароитида, айниқса, оралиқдаги катта вақт фалсафий, ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, маънавий, адабий, эстетик эврилишлардан сўнг давом эттирилиши натижасида ўзгача мазмун ва қиёфа касб этган. «Икки дунё саодати» том маънода инсон ички имкониятлари, интилишларининг олий мақоми манзилидир.

⁹⁸ Аъзам Ўктам, Икки дунё саодати, -Тошкент: Чўлпон, 1998, 23-б.



Аъзам Ўктам эстетик идеалининг воқеланишида умумисонийлик


Борлиқни идрок қилишда тасаввуримиз қолипига тушган жиҳатларнигина англаш кўникмасигина шаклланган. Табиатда сувнинг сув экани ҳақида кимёвий парчаланиш реакциясини амалга оширмасдан ҳам, болаликдан қабул қилган ахборотларимизу мактабда олган H_2O - сув деган тушунчанинг ўзи етарли таассурот беради. Ёки гул сўзи айтилганда биз биологик текширув ўтказишимиз шарт эмас. Аксинча, поя, гулбаргли, япроқли ўсимлик тасаввуримизда жонланади.

Китоб, дарахт, уй, одам, ой шу сингари сўзларнинг тилга кўчиши тасаввурни ишга тушириб, унга хос жиҳатларни кўз ўнгимизда гавдалантиради. Жумладан, шеър ҳам ана шу таъриф чегарасидан ташқарида эмас. Шеър – муайян қолипга солинган вазн, туроқ, қофия, асосан, ритм қонуниятига бўйсунувчи, оҳангдорлиги, ҳиссиётларга латиф таъсири билан бошқа бадий асарлардан фарқланади. Аммо тасаввурлар ҳамиша моддий мазмунга эга. Тасаввур қилинаётган объектнинг моддий томон билан бирга маънавий мазмунга ҳам эга бўлади.

Яна сувга қайтамыз. Сув ақл билан идрок қилганимиз H_2O бўлиш билан бирга, у инсондаги тўрт унсурдан бири. Оллоҳнинг мукамал яратиғи, ҳаёт манбаи, поклик рамзи.

Гул завқ бағишловчи гўзаллик рамзи.

Шеър – беминнат, беғараз, иддаосиз. Худди шундай софликнинг барҳаёт бўлиши, завол билмаслиги табиий ва



қонунийдир. Шоир қалб туғёнларини қоғозга тўкар экан, бетайин нафсининг инжиқлиги, эрмак ёки бемаъни машхурлик эмас, юракнинг эврилишидан юзага келадиган ҳолат тасвирини чизади. “Юрак бир кунда қирқ саккиз марта ўзгариб тургани учун ҳам қалб” дейилишини ҳазрати Пайғамбаримиз(с.а.в.) аллақачон айтиб кетганлар. Шеър орқали ҳикматли, иймоний, исломий, инсоний тушунчаларни кишиларга етказиш ўзига хос устунликка эгадир. Бу эса қалб ҳаракати туфайли содир бўлади. Биз эса шеър шаклида саҳифаларга тўкилган юракни ҳикмат янглиғ қабул қиламиз Улар шоир юрак кўридан яралган бўлишига қарамай, бизнинг сўзимиз, ўзимиз, муддаомиз ҳамдир.

Шоир Аъзам Ўктам ижодида “миллат”, “халқ”, “қавм”, “ўзбек”, “турк”, “шарқ” каби тушунчалардан анча юқорилаб, “инсон” деган тушунча қаршисида тўхталди ва ана шу инсон моҳиятини англашга бор ички потенциясини қаратди.

Бошдан бутун арир, кетгай хатарлар,


Ҳар не камимизни Тангри бут қилгай.

Ким ноумид бўлса, шайтон атарлар,

Урғочи шайтондир ноумид қилган.⁹⁹

мисралар фақат шоир тақдири учунгина эмас, балки, ҳар бир инсонга тегишли тафаккур тарзи, ҳақиқат ҳақидаги ўйлари, умид ва умисизлик аро курашаётган инсон психологияси тасвиридан янада нурли.

⁹⁹ Аъзам Ўктам, Қирқинчи баҳор, -Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999, 14-б.



Аъзам Ўктам нафақат адаб бўстониға, қолаверса, кўнгилларға ҳам “Қуръон”и каримда айтилганидек, “нажотға элтувчи ҳақ сўз” ҳикмати соф ва самимий, табиий туйғулар, суймоқ ва унинг ҳосиласи куймоқ, дард чекмоқ, илоҳий нур ва асл инсонийлик шуълаларига ошно бўлмоқ аъмолини олиб кирди. Энг ҳайратланарли жиҳати шундаки, бу мураккаб жараённи гўзал сўз ўйинлари қолипига сиғдира олган. Фикр ифодаси учун ажойиб мезонларни кашф этган. Масалан, “Таҳлил” шеъри қурилишини олиб кўрайлик.

“Йўқчилик”дан


Озғиндир “йўқлик”.

“Тўқчилик”дан

Семиздир “тўқлик”.¹⁰⁰

Олтита сўздан иборат бир бандлик шеър. Шоир сатрларға энг залворли юкни ташлаган. Ҳеч бир зоҳирий неъматлар инсон бағрини тўлдира олмайди. Ўзини англаган инсон учун “йўқлик” қанчалар аҳамиятсиз бўлса, “тўқлик” ҳам шунчалар аҳамиятсиз. Қачондир, қаердадир содир бўлган қандайдир ҳодиса бизни ўйлар гирдобига гирифтор этади-ки, ўша лаҳза қалбимизда туғилган туйғуларға, ҳайратларға, қувончларға ном топиш учун сарсон бўламиз. Иймон ва нафс тўқнашуви юз берган руҳ майдонида исмсиз ҳиссиётлар лашкари аро имконсиз қолаверамиз. Шоирнинг кўнглидан бошланиб, кўнгилларда давом этувчи сатрлари ичра асрорлар моҳиятини англашға уринамиз.

¹⁰⁰ Аъзам Ўктам, Қирқинчи баҳор, -Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999, 12-б.



*Зулматга мойилроқ кўряпман кўзни,
Мой йўқ, шиша хира, пасаяр пилик.
Ёлчимаганидек белбоққа бўзчи,
Зор бўлганим одамгарчилик.*

Шоирнинг лирик қаҳрамони олам ичра одамни соф кўришни истайди. Бутун дунё унга қарши турса-да;

*Ҳар куни бир ҳис учар вужуддан, дилдан,
Ҳар тун бир туйғунинг ўчар қораси.
Тобора юракнинг тириклик бирлан,
Очиқ бўлаётир ораси.¹⁰¹*

дея ўз сўзидан, эътиқодидан кечмайди.


“Сўз амал дарахтининг меваси, чунки у амалдан туғилади”¹⁰², деган эдилар Ҳазрати Румий. Унингча, ҳар бир сатр шоир англаб етган ҳақиқат, аъмол ҳосиласи сифатида дунёга келади. Шунинг учун ҳам шеърият абаддир.

Бутун дунё ва ундаги ҳамма нарса тинимисиз ҳаракатда. Ҳаракат космоснинг азалий ва абадий қонуниятидир. Агар ҳаракат тўхтаса, вақт чархи бузилиб, хаотик эволюция содир бўлади. Ҳаракат бўлмаса, мавжудлик ҳам йўқ бўлар эди. Ҳаракат тўхтаса, унда биз ҳали англаб етмаган, етишимизда мушкул нимадир содир бўлади. Аъзам Ўктамнинг ана шу маънодаги “Ҳаракат”и умуминсоний жиҳатларга эга бўлиб, ўзи мансуб бўлган макон билан бевосита боғлиқ.

*Қаршилиқ. Қамоқ. Қийноқ. Қасос. Қин. Қилич. Қалқон.
Қуйилади қон қайноқ. Қаттол қаттиқ қатағон. Ўтар.*

¹⁰¹ Аъзам Ўктам, Қирқинчи баҳор, -Тошкент: Қатортол-Қамолот, 1999, 14-б.

¹⁰² Ислом тасаввуф манбалари, -Тошкент: Ўқитувчи, 2005, 186-б.



Ўқирар. Ўйлар. Ўпирилар. Ўртанар. Ўнгланар. Ўқир. Ўйнар.
Ўсар. Ўтар. Ўрганар. Қувонч қаҳат қотади. Қайғу. Қон.
Қадим қудрат қайтади. Қачон, қачон, қачон? Олиш. Отиш.
Ободлик. Оғир ожиз оламга. Омонлигу озодлик омонатдир
одамга. Нотиқлар номард, нокас. Нечун нолиш насиҳат?
Нажот – норози нафас. Нафрат – насиба неъмат.¹⁰³


“Ҳаракат”нинг ҳар бир сўзи ўз ҳолича ҳаракатда. У
тўхтамайди. Мободо реал воқеликда тўхтаса ҳам инсон
эътиқоди силсиласи сифатида ҳам ҳаракатда давом этади.
Бу асар Шоирнинг “Хабар”¹⁰⁴ қиссаси билан бир хил пафосга
эғалиги ҳам ҳайратланарли ҳолат. “Хабар”да ҳам,
“Ҳаракат”да ҳам эътиқод ва нафс, озодлик ва мутеълик,
ҳақиқат ва тириклик, миллат ва иймон ўртасидаги
ҳаракатдан хабар берилади. Икки асарда асосий деталь –
Қўқон, мақсад унинг фожиасини кўрсатиш.

Шоир эътиқодсизликдаги эътиқод, мутеъликдаги эрк,
тирикликдаги ҳақиқат, миллатдаги инсонийликни кўра
олади. Бу ҳолатни алоҳида-алоҳида сўзлардан иборат
гаплар орқали ифодалайди. Уни ўқиб илдизга қайтишга
эҳтиёж сезамиз. Инсонлигимизни унутиб бораётганимизни
англаймиз. Тириклик исканжасидан халос бўлиб, руҳий
парвоз билан тарихга юзланамиз. Асар қаҳрамони каби
ҳаёт ҳодисаларини ҳаётдан ташқарида кўра бошлаймиз.

Аъзам Ўктамнинг “Боғ” шеърини олайлик. “Кўзим тиниб
кетди, сирқирар кўксим. Барпо этолмаган боғингга қараб.
Умид ёшлигимнинг, қалбимнинг акси? Асабий ғўлдирар сени

¹⁰³ Аъзам Ўктам, Қирқинчи баҳор, -Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999, 15-б.

¹⁰⁴ Аъзам Ўктам, Хабар//Шарқ юлдузи, 1995, 1-2 сон.



қувиб этолмаган сойлар, ғазабли ғўлдирар сенга эргашиб кетолмаган тоғлар. Боғинг сари бордим кўр ойдинда, гуркираб ўсарди бегона ўтлар. Юлдим, аламларни юлгандай. Дўстинг йўқ экан- а, оғам? Элинг йўқмиди- я, Жигарим? Қоғоз қораладим қоронғуликда: “Мен кимман? Армондан бўлак ҳеч вақоси йўқ ёш шоир. Соқовга ўхшашар оғаларим. Халқим, деб юрган бу эркисларда борми ахир хис”.

Шоир чексизликдан чекка томон симлар тортиб, уларни бирлаштира олади. Чексизликнинг чеки борлигига сизни ишонтира олади. Шоир ҳар жойда, ҳар вақтда вақтдан ташқарида ҳам мавжуд, ҳам номавжуд. Билим йўлининг ич- ичидан Аллоҳ висолига етказувчи йўлдан кетаётган дарвеш, вақт – ҳукм фармонидан, кишанлардан мутлоқ озод бир зотдир¹⁰⁵.

Дунёда қанчадан-қанча тилсим бўлмасин, ҳақ сўз унинг очқувчисидир, аммо чин сўз асло моддиятга боғлиқ эмас. Шунинг учун ҳам шоирнинг сўз қўллаш маҳорати бошқа ижодкорлардан буткул фарқ қилади. “Айлана”деб номланган шеърга эътибор қаратайлик.

Гирдобига тортар ўжар саволлар

Асли нега келдим

Кетмайман нечун

Қаёққа борардим кетганда

Не қилиб юрибман

Мен кимман ўзи

¹⁰⁵ Рауф Парфи, Мен баҳорман музлаган оташ// Сўнмас юлдузлар. -Тошкент: Тафаккур қаноти, 2010, 266- б.


Шоир ўзига тинимсиз саволлар беради, уларга жавоб топиш қийин. Лирик қаҳрамон ўз “мен”ида минглаб “мен”лар тақдирини жойлайди. Шеърнинг давоми бундай.

*ўзи кимман Мен
юрибман Не қилиб
кетганда борардим Қаёққа
нечун Кетмайман
келдим нега Асли
ўжар саволлар тортар Гирдобизга¹⁰⁶*

Шеърни умумлаштириб, бошдан охиригача, ёки охиридан бошига довур ўқилса, бир хил. Бунда сўзларни маҳорат билан жойлаштирилгани ўқувчида завқ уйғотади.

“Ўйин” шеъри ҳам ана шу шаклда ёзилган. “Улуғ”, “лоф”, “оҳ” сўзларининг чаппа қўлланилиш “ғулу”, “фол”, “ҳо”дан фойдаланган. Аъзам Ўктам бу шеърида лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини кўрсатиб берган. Қаҳрамон дарада “Мен улуғ” деб ҳайқиради. Дарадан келган акс садо “Ғулу”. Яъни, улуғ сўзини тескари тарзда қўллаш ҳам реал воқеликка асосланса, иккинчи томондан қаҳрамон бу ҳаётда нимани истаса, нимага интилса ҳаёт унга тескарисини берган. Бу эса “чархи кажрафтор” талқини ҳамдир. “Фол оч дедим, келажакдан фол” мисраси, охифи барча истаклар ва интилишларга ундов ва башорат “лоф” тарзида талқинланади. Демак, қаҳрамоннинг шунча яшаган умри абадий эмас, ҳақиқатда эмас, эндиликда келажаги ҳам сароб. Инсон яшаб келган ёки яшаётган давригина ҳақиқат

¹⁰⁶ Аъзам Ўктам, Қирқинчи баҳор, -Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999, 13-б.



эмас экан нега келажакдан башорат кутади. Бу ҳақиқатни англаб етган шоир:

Инградим:

“Оҳ, оҳ, оҳ”.

Гумбурлайди:

“Ҳо, ҳо, ҳо”.

дея ўз устидан кулаётган тақдир қаршисида бош эгади. Тақдирдан розилик эса кишининг ҳаётда бахтли этади.

Шоир ҳам ҳиссий ҳолатларни ўз мақсади атрофига бирлаштирган.

Унча маҳобатли эмаскан осмон,

Кўзимга сиғди-ю

Айланди чир-чир.

Тез-тез кўз югуртдим,


Текширдим осон –

Узун эмас экан мен кўрган умр.

мисраларида мантиқий узвийлик бор. Шоир ботин ва зоҳир муносабатларини уйғунлаштириб, ўз мантиғий мушоҳадасини ўқувчига тақдим этган. Аввал осмоннинг маҳобатли эмаслигини айтганда, бу факт эмас, ҳиссий мушоҳада холос, дейиш мумкин. Бироқ ана шу осмоннинг кўзга жо бўлиши шоир келтирган далил нечоғли тўғри эканлигини кўрсатади.

Шоирнинг дарди нурафшон. Шунинг унинг асарлари мутолаасига берилган ўқувчи асло оғирлик сезмайди. Тушкун ўйлар гирдобида қолмай, руҳида енгиллик ҳосил бўлиб, тафаккур ва тахайюл этишга эҳтиёж сезади.

Боринг бермоқ – закот, яъни қарз,



Қочмоқ аҳли дунёдан – ҳижрат.

Туни билан йиғламоқлик фарз


Сўнг кун бўйи хўрсинмоқ суннат.¹⁰⁷

Шоир дунёни ўз ҳолича қабул қилишни истамайди. Унинг учун кўз кўриб, қулоқ билан эшитиб, қўл билан ушлаб қабул қилинган моддият бирламчи эмас. Ундан олинган таассуротлар алдамчи. Шоир учун муҳими инстинкт орқали олинган ва онг билан идрок қилинган нарсадир.

Абдурауф Фитратнинг “бутун ўзбек ёзувчиларининг ифодалари ўзбекча бўлгани ҳолда ҳар бирининг ўзига махсус бир услуби бордир. Шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлғач, ўзига яраша бир услуб борлиққа чиққан бўладир. Услубнинг адабиётдағи ўрни жуда катта, жуда муҳимдир”, деб ёзган эди “Адабиёт қоидалари” асарида.

Шоир Аъзам Ўктамнинг барча шеърлари ўзига хос тасвир ва баён услубига эга. Ўзигача маълум анъаналар билан танишиб, бошқалар кўриб ҳис қилолмайдиган ҳақиқатлардан ҳайратланиш, уларни фалсафий идрок қилиш, инсон сифатида аъмолининг нима эканини англашга интилиш – шоир шеърятининг хос хусусияти.

¹⁰⁷ Аъзам Ўктам, Қирқинчи баҳор, -Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999, 15-б.



**“Хабар” қиссасида эстетик идеал ва давр
муаммоларининг бадиий инъикоси**

Бугунги кун ўзбек насрига хос алоҳида жиҳатлар, жанр хусусиятларини тадқиқига жуда кўп адабиётшунослар қўл урган. Ёзма адабиёт пайдо бўлганидан бошлаб, айти биз нафас олиб турган замон ва макон чегарасигача инсон томонидан яратилган бадиият дурдоналари сўз аҳли томонидан эътироф этилади. Бошқаларнинг фикри қандай билмадиму, аммо менинг наздимда, адабиётшунослар, ўқувчилар танқиди нигоҳидан четда қолган деган асар ҳақида ҳам, албатта, муносабат бор. Бироқ муносабат ҳамиша ҳам ёзув билан ифодаланмайди. Шунинг учун ҳам бадиий асарнинг ўрганилганлик даражаси ҳақидаги охириги гап айтилмаслиги мумкин.

1995 йил “Шарқ юлдузи” журналининг 1-2 (қўшма) сонида Аъзам Ўктамнинг “Хабар” қиссаси чоп этилган эди. Бу асар ҳақида ўша даврда фикр ва мулоҳазалар, муҳоҳасалар бўлгани аниқ. Фақат ёзма қайд этилмагани учун бу бу хусусда сўнгги тўхтамга кела олмаймиз. Эркин Очилов, Баҳодир Каримовларнинг мақолаларида ижодкор насрига хос қарашларни ҳисобга олганда Аъзам Ўктам насрига хос хусусиятлар ўз тадқиқини кутаётган муаммолар сирасига киради.

Қисса эътирофи. “Хабар” қиссаси чоп этилишидан аввалроқ муаллиф доирасидаги зиёлилар томонидан эътироф этилган. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида “Хабар” қиссаси соф маърифий қисса экани, унда қаҳрамонлар ўзи




яшаётган давр ва макон доирасидан илгарилаб кетган, мавжуд хурофий, сиёсий қоидаларни инкор этиш позициясида турган маърифатли образлар эканлиги бот-бот эсланади.

“... унинг ижоди фақатгина шеърий асарлардан иборат эмас. Аъзам Ўктам кўпгина адабий мақолалар, “Хабар” номли қисса ёзди. Айрим публицистик асарларига Низомиддин Латиф имзосини қўйди. Шунингдек, таржимонлик, муҳаррирлик ишлари билан шуғулланди”¹⁰⁸.

Қиссанинг яратилиш ва номланиш асоси “Қуръон”нинг 30-қисмидаги “Наъба” сураси эканлиги ҳақида ҳам қарашлар бор. Адабиётшунос олим Баҳодир Карим ўзининг “Аъзам шоирнинг ўктам овози” мақоласида “Хабар” қиссаси ҳақида: “Аъзам ака “Хабар” номли қиссада (“Шарқ юлдузи” журнали, 1995 йил 1-2 сон) XX асрнинг биринчи чорагидаги алғов-далғовларга, ўзгариш ва таҳликаларга тўла давр воқеаларини қаламга олади. Шўро идорасининг кириб келиши, номигагина ўтказилган сайловлар, бойлар, босмачилар ва ниҳоят, Акрам каби тозалик йўлида жон куйдириб, динни бидъат-хурофотдан тоза кўриш ниятидаги йигитларнинг интилишлари – барча-барчаси қиссада покиза назардан ўтказилади. “Хабар”да Акрам, Тавфуқбек, Нуриддин қози сингари турли тоифа кишиларининг қиёфасини, ички ва ташқи оламини бир мунча теран тасаввур этиш мумкин. Асарда тиғизлик бор, воқеа-ҳодисалар жуда ихчам-мухтасар баён этилган. “Хабар” қиссасининг якунида Акрам Тавфуқбекка хат ёзиб

¹⁰⁸ <https://orifto.lib.uz/kutubxona/bahodir-karim-azam-shoirning-oktam-ovozi/?imlo=k#>




эл-юрт шўролар қўлига ўтгани хабари берилади. Сарлавҳадаги “Хабар”нинг бир сабаби шу. Иккинчидан, айни мактубда Қуръони каримнинг “Набаъ” – “Хабар” сурасининг сажли-гўзал таржимаси келади. Сура моҳияти қисса мазмунига қайсидир маънода боғлиқ”¹⁰⁹. деган таҳлилларни илгари суради.

Асарда яқин ўтмишимизга доир фожиавий вазиятлар, туркий маънавиятнинг эътиқод ва эътиқодсизлик ўртасидаги қарама қаршиликлари ҳақида гап боради. Бугунги ўзбек адабиётининг фақат зиёли қатламигагина таниш бўлган Аъзам Ўктамнинг китобларига киритилмаган ва қайта нашр қилинмаган бу қисса ўзбек адабиёти учун ўзига хос услуб ва анъаналарни бериш жиҳати билан янгилик эди. Ёзувчи ўзи яшаб турган замон ва макондан буткул бегона бўлмаган яқин ўтмиш кишилари ҳаёти, характери, яшаш ва фикрлаш тарзини замонавий ўқувчига етказиш йўлидаги уриниши шу асарда бор бўй-басти билан кўринади.

Ўзбек адабиётида қиссачилик ва “Хабар” қиссаси. Аъзам Ўктам ижодида алоҳида мавқега эга бўлган “Хабар”га қадар ўзбек қиссачилигида кўплаб асарлар яратилди.

Шу ўринда қиссанинг ўрта ҳажмли эпик асар экани, унинг ўзига хос асосий белгиларидан бири адабиёт илмида турли талқинга эга эканини назардан қочирмаслик керак. *“Қисса ҳаётининг воқеа ва ҳодисалар қамрови жиҳатдан романга нисбатан кичик ҳикояга нисбатан каттароқ ва*

¹⁰⁹ <https://orifto.lib.uz/kutubxona/bahodir-karim-azam-shoirning-oktam-ovozi/?imlo=k#>



мураккаброқ баён шаклига эга жанрдир. Унда у ёки бу шахс ҳаётининг маълум бир даври хроникал баён этилади”¹¹⁰. Қиссанинг ўзига хослигини белгилловчи асосий жиҳат ҳажм эмас. Қиссада қаҳрамон ҳаётининг бир босқичи қаламга олинади. Қиссанинг марказида қаҳрамон туриши ва шу жиҳати билан қаҳрамон қисса учун мақсадга айланади. Айтиш мумкинки, ана шу жиҳати билан қиссада барча воқеалар қаҳрамон атрофида уюштирилади.

Қисса замон ва макон аро минг бир ракурсда намоён бўлувчи қаҳрамон позициясидан озиқланади, ўз қиёфасини қидиради. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Негаки, ҳар қандай қисса воқеалари, деталь ва образлари турли аспектда марказда турувчи қаҳрамон қиёфасини очишга хизмат қилади.

Демак юқоридаги назарий қарашлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Аъзам Ўктам “Хабар” асари орқали ўзигача бўлган анъаналарнинг давомчиси сифатида бадииятга ўз хиссасини қўшган носир сифатида кўзга ташланади.

Асар воқеалари. Шахс руҳиятида бир кўриниш бор, у кўпинча бошқаларни муҳокама қилади, улар тушган вазиятга кўпроқ назар ташлаб, ўз оламини унутади. Ёки унинг акси, ўз олами билан ўралашиб, одамларни унутади. Ўз орзу-истаклари йўлида керак бўлса борини, жонини фидо қилади. Унга тақдир измидан, ё у билан ҳамнафас замондошлар касридан, ёҳуд бошқа бир омил туфайли интилаётган орзуси билан йўли айри тушар экан изтироб

¹¹⁰ Хотамова И., Саримсоқов Б., Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати, -Тошкент: Ўқитувчи, 234-бет.



чекиши, армон исканжасида яшаши, ёхуд ўзгаларнинг шу ҳолатга тушишидан таскин топиши муболағали ҳодиса эмас.

«Инсон ички олам изтиробларининг энг кўп фоизи мавҳум ва нотабиий туйғуларнинг кўз илғамас тўрлари билан боғлиқ бўлади. Турмуш ташвишларига банди одам авлоди аксарият бундай ҳолатлар моҳиятини англашга, тушуниб етишга уринмайди ҳам. Балки кўпчилик бу ҳаракатдан самара йўқлигини англаганлари боис ҳам уринишмас»¹¹¹.

Аъзам Ўктам ижодига тааллуқли бўлган “Хабар” қиссасида инсон ички «мен»ида содир бўлувчи ўта мураккаб жараёнлар тасвирини кузатиш мумкин. Шунитакки керак-ки, адиб ижодий йўналишини белгиловчи қиссада, аслида, бир-биридан унча йироқ бўлмаган, ўзаро мутаносиб шахсларнинг очиқ айта олмайдиган ва инкор этиш ҳам мумкин бўлмаган туйғулари, сезимлари ва улар ўртасига тақдирнинг қўйган тўғони устига қурилган бадий битик.

Қисса тили ўз қаҳрамони ёшидан фарқланмайдиган содда ва равон бўлишига қарамасдан азалий бахс-мунозарали мавзулар ҳақида мушоҳада юритади, кишини ўз гирдобига тортади. Инсоннинг ўта тубанлиги, донолиги, ғариблиги у қилиши мумкин бўлган айрим хатти-ҳаракатлар тағзамирига назар ташлайди.

Мозийга назар солсангиз дунё ибтидосидан бугунига қадар яратилган асарларда уруш мавзуси кўп талқин этилган. *«XVII аср Оврўпосини чулғаган 30 йиллик уруш*

¹¹¹ Узоқ Жўракулов, Худудсиз жилва, -Тошкент: Фан, 2007.




даҳшатларини бошдан ўтказган немис адиби Мартин Опиц (1597-1639) инсоният нега урушсиз яшай олмайди, деган саволга жавобни ўз ички дунёсидан, табиатидан ахтарган эди»¹¹². Шу маънода «Хабар» қиссасининг ўзи бир дунё. Қаҳрамонлари эса дунё ичидаги дунё сингари мураккаб. Яқин ўтмишнинг фожиали, қонга ғарқоб даврларининг тасвирлаган адиб одам табиатидаги салбий ва ижобий сифатларни уйғунликда бера олган.

Асар уч қисмдан иборат. Асарга эпиграф сифатида Рауф Парфининг *“У томонда нималар қолди, Бу томонда не кутар мени”*¹¹³ мисралари танланган. Ўтмиш, бугун ва келажак деб аталмиш вақт оралиғидаги инсон яратиғи қисматига ишора ҳам бордек. Бу ишора асарнинг бош қаҳрамони Акрамнинг қисматини ўтмиш, бугун, келажак аспектида очиб берилишининг асоси ҳамдир.

Қиссанинг ҳаракат маркази бу – Хоновот қишлоғи. Қишлоқ аҳлининг уруш йилларидаги ҳаёти, турмуши, оғир-енгили, ўй-фикрлари, психологияси қадриятлар учун муттасил интилиши муҳрланган бу қиссада Акрам бош қаҳрамон сифатида олинган бўлса-да, аммо ҳар бир қаҳрамон ўзининг хатти-ҳаракати, руҳий камолоти, эътиқод йўлидаги қилмишлари билан бош образ бадииятини очишга хизмат қилади. Шу билан бирга ҳар бир қаҳрамоннинг ўз ўтмиши, бугуни ва келажаги алоҳида мазмунга, мантиқий асосга эга. Бу маълум анъаналарга зид равишдаги қиссанинг ўзига хослигини тайин этади. Биз англаб етмаган баъзи қонуниятларга биноан қисса

¹¹² Узоқ Жўракулов, Худудсиз жилва, -Тошкент: Фан, 2007.

¹¹³ Аъзам Ўктам, “Хабар” қиссаси//Шарқ юлдузи журнали, 1995 йил, 1-2 сон.



қахрамонларининг ҳаммаси атрофдаги бўлиб ўтаётган ҳодисотга тенг шерик – сабабчи. Образларнинг ҳар бири ўз фалсафасига, фожиасига, бир сўз билан айтганда, яшаш тарзига эга. Бирорта қахрамоннинг тақдири ўз ниҳоясига етмай, ора йўлда қолган эмас. Ҳар бир лавҳа, ҳар бир тимсолнинг муайян ибтидо ҳамда мантиқий интиҳого эга эканлиги ёзувчининг маҳоратидан далолат.

Қиссада Қўқон фожиаси Хоновот аҳлининг аянчли якуни акс этади.

Биринчи манзарада қишлоқнинг олди эрлари мардикорликка кетади. Уларнинг онгини бир хаёл банд қилган, «уйга қайтиш». **Иккинчи манзарада** мардикорликдан қайтган халқнинг шуурида жамият қонуниятлари адолатсизлик асосига қурилган бўлиб, ҳақсизликка қарши туриш – имони бут одамнинг бурчи.

Асарнинг бош қахрамони – Акрам. Воқеа Акрамнинг мардикорликдан қайтиши билан бошланади. Янгиқўрғонга кетаётган аравада бош қахрамон Тошкентдан келаётган чапанисифат Тавфуқ ва муросагўй Эгамберган билан танишади.


Акрамнинг қайтганига маҳалла имомидан бўлак ҳамма севинади. Жамоада масжидда хуфтон намозидан кейин, Акрамнинг ўйчил бўлиб қолгани, аввалгидек ҳамма нарсага жон койитмаётгани имомни бироз бўлсада, хотиржам қилиб қўяди. Хуфтондан кейинги қироатни Акрамга буюради. Акрам қироатни бошлаганда, имомнинг ранги ўчади: Имомнинг ҳолати “Бу касофат ҳали қавмнинг



бошини айлантирмаса эди, минбаъд унга Қуръон ўқитмайман”, тарзидаги ўй орқали ўқувчига етказилган.

Аъзам Ўктам шўролар сиёсатининг шаклланиш жараёнини қаҳрамонлардаги ҳавотир, ҳадик, ғайришуурий кўрқув орқали талқин этган. Асардаги Акрам, Қозидада(Нуриддин қози) ва Тавфуқбекнинг Хоновот деб аталимиш макондаги ҳаёт тарзи асносида воқеалар шакланган вақт тасвири янада ойдинлашади. Кузатувчи нигоҳи шу учта образ қисматига тушади. Аслида бутун Хоновотликларнинг алоҳида яшаш тарзи бор. Шу билан бирга бир хил яшаш тарзига кўниккан. Уларни ҳам бирлаштирган, ҳам кўникишга мажбур қилган. Қиссада алоҳида психологик тасвирлар кўринмайди, образлар характериға маълум маънода баҳо ҳам берилган эмас, аксинча, қаҳрамонларнинг қандайдир вазиятда юзага келадиган руҳий ҳолатини баён қилиш орқали баҳо берилади. Шунинг учун ҳам қиссада акс эттирилган фожиавий нафас ўқувчига тез етиб боради. Сабаби бу ерда нафс фожиаси биринчи ўринда туради, шу билан уруш даҳшатида синалаётган инсон образи ҳам намоён бўлади.

Асардаги образлар табиатан содда. Ушбу жиҳатни эътиборга олмасдан туриб, образлар моҳиятиға етиб бориш мушкул, тўғрироғи мумкин эмас. Р.Роллан «Мунофиқлар доимий қулдир», деган иборани ишлатади. Бу фикр шарқ дунёқарашиға ҳам қайсидир маънода тегишли. Соддалик ва мунофиқлик фазилатининг бир ўринда одам ботинида мавжудлиги ҳам бор нарса. Айнан шу тасвир бадий асар қимматини оширувчи омиллардан



бири. Бундай сифат «Хабар»даги қаҳрамонларда ўз аксини топган. Инчунун, Акрам ҳам бу каби таъриф чегарасидан ташқарида эмас. Муаллиф Махсум, Қозидада, Худойберган, Тавфуқ каби образлар талқинидан фарқли ўлароқ Акрам образи нотабий характерга эга. Бу ўқувчини қаҳрамонга бир томонлама ёндошишини чеклаб, чуқурроқ мулоҳаза қилишга ундайди. Айни пайтда Акрамга баҳо беришдан олдин уни ҳар бир руҳий вазиятда синчиклаб текшириш, мушоҳада этиш лозим.

Акрам ўзида нималарни намоён этади? Акрам – чинакам муслим. У атрофидаги инсонлар, аҳволидан кўра мўминлик тарзи ҳақида фикр қилади. Нима учун яшаётгани, нимани ўйлаётгани, ҳаётга нима боғлаб турганини англашга уринади. Масалан, қуйидаги бир жумла билан ёзувчи Акрамга хос хислатни беради: *“Ўқилиши лозим бўлган калималардан сўнг дуо қилишга чоғланиб турган Акрам бирданига ўзбекча гапириб юборди:*

- Улуғ Оллоҳнинг сўзи ҳақ, - деди у бироз ҳаяжонланиб ютиниб қўяркан. – Биз Қуръон оятларини ўқиймиз, бироқ аксар ҳолларда маъносини билмаймиз. Ҳозир биз ўқиган сураъи шарифа Зилзила деб аталади. – кейин у сурани оятма оят тафсир қилди. Охирги иккитасини эса қайтариб ўқиди ва таржимасини такрорлади. – Бас, ким заррача яхшилик қилган бўлса, ўшани кўради ким заррача ёмонлик қилган бўлса ўшаниям кўради...¹¹⁴ Акрам қилаётган ишларини, ҳар бир ҳаракатини мажбуран бажараётгандек ичида ўзи танимайдиган бошқа бир Акрам ихтиёрига

¹¹⁴ Аъзам Ўктам, “Хабар” киссаси//Шарқ юлдузи журналы, 1995 йил, 1-2 сон.




сиғинаётгандек ва унга маҳкумдай. У ўзининг инончи-ихтиёрига, дунёдаги эзгу мезонларга қарши иш кўрмайди, ўзи англаб етган ҳақиқатни айтишда унга амал қилишдан чарчамайди. Дўстларига чин дўстлик билан меҳр қўяди, бу дўстликка ишонади. Вақт ўтгач, унинг дўстлари Акрамга панд беради, жон жигари Умиднинг ўлимига сабаб бўлади.

Бу образ ўзига хос таъсир натижасида юзага келган деб бўлмайди. Муаллиф ижодини таҳлил қилиш жараёнида шунга амин бўлдикки, Акрам бу – Аъзам Ўктамнинг ўзи. Қуръони карим оятларини шарҳлашга бел боғлаган, иймон ва эътиқод мезонларига сўзсиз итоат илган чин муслим сифатлари мавжуд дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу образ ишонарли ва муаллифнинг ўзиники.

Хоновотликлар ҳаётидаги аҳвол мардикорликдан сўнг ҳам зоҳиран ўзгармади, аммо қадриятдан нафс устун келиб, қаҳрамонлар ботинида мудраб ётган курашувчанлик, қалб ва нафс ўртасидаги нифоқ ва жамиятда юз бераётган ўзгаришлар қаршисида иложсизлик ҳар бир образда ўзига хос муносабат билан воқеланади. Акрам авом олдида илмли оқил, ўзини сиёсат деб билган Қозидада наздида душман, ўз мени олдида гуноҳкорлик хиссида қоврилиб яшаётган инсон сифатида гавдаланади. Ёзувчининг ютуғи шундаки, ҳар бир қаҳрамони муаллиф тилидан эмас, жамият ва ундаги кишилар нуқтаи назаридан таърифланиб, турли аспектда гавдалантириб берилган.

Асар нега «Хабар» деб номланган? Асарда назар тутилгани қатли ордан огоҳлантириш учун Акрам томонидан Умид орқали бериб юборилган хабарми ёки



ёзувчи томонидан “Қуръон”нинг ўзбекчалаштирилган “Наъба”, яъни “Хабар” сурасими? Воқеликдаги ҳақиқатни “илоҳий хабар” орқали етказиш Шарқ адабиётига хос хусусиятидир. Асрлар давомида анъанага айланиб келган ушбу ҳодиса замонавий адабиётимизда ҳам давом этиб келаётганини “Хабар” қиссасида кўриш мумкин.

Ёзувчининг қалби, руҳияти, ижодий изланиш жараёнининг ёрқин ифодаси бўлган «Хабар»да давр манзаралари – йўқотиш билан боғлиқ. Бу биринчидан, эркнинг йўқотилиши, иккинчидан, эътиқоднинг йўқотилиши, учинчидан, Умиднинг йўқотилиши... Хурофот сабаб Қозидада, Махсум, махалла имоми билан боғлиқ ўринларда жамиятдаги кишиларда эркнинг йўқолиши, шахсга сиғиниш ва уни улуғлаш тасвирлари баён этилса, Худайберган, Тавфуқ ва сайлов билан боғлиқ кечимда эътиқод таназзули бирламчи ўринга кўтарилади. Эрк ҳам, эътиқод ҳам йўқ бўлган макон ва замонда инсонни ҳамиша умид асрайди, ёзувчи ўз отасининг дўстлари қўлидан ўлим топган Акрамнинг ўғли Умид тимсолига ҳам жуда катта маъно ва мазмун яширгани бежизга эмас, албатта.

Жамиятдаги одамларнинг қисмати қоронғуликка айланиб, бир-бирига зуғум ўтказа бошлаган, ёвузлашган бир вазиятда эзгу хислатлар ёвуз кучлар олдида ҳимоя қобиғини йўқотади. Одамлар маълум мудат моддиятни кўзлаш натижасида ўзи ва атрофидаги одамларга нисбатан эътиборини пасайтиради. Эгаси томонидан қаровсиз қолдирилган ҳар қандай объект бегоналар томонидан ўзлаштирилади. Қўқон, Хоновот руслар томонидан босиб



олиниши, каттаю кичик, эркагу аёл ёппасига қирғинбарот қилиниши миллат таназзулининг бошланиши экани кўрсатиб берилади. Бундай миллат хавфни сезмайди. Унинг бу вазиятга тушишини атрофдагилар кўриб-билиб туради, қутқаришни, ҳеч бўлмаса, огоҳлантиришни хоҳлайдию кўлидан ҳеч нарса келмайди.

Муаллиф Акрамнинг қисмати орқали давр муаммолари кўрсатиб берилган. Акрам миллат, эътиқод ва виждони олдида ўзини бурчли ҳисоблайди. Айнан шу фикр Акрамни “Хабар” таржимасига йўллайди.

Иккинчидан: Чин инсоний фалсафа:

Абу Ҳурайра (р.а.) дан ривоят қилинади.

Бир киши Расулуллоҳ с.а.в.нинг ҳузурларига келиб,

«Эй Аллоҳнинг расули! Айтингчи, бир одам молимни олмоқчи бўлиб келса,» деди.

«Унга молингни берма», дедилар.

«У мен билан уришса-чи?», деди.

«Сен ҳам уриш», дедилар.

«У мени ўлдирса-чи?» деди.

«Сен шаҳидсан», дедилар.


«Мен уни қатл қилсам-чи?» деди.

«У дўзахидир», дедилар.

Муслим ривоят қилган.¹¹⁵

Бундан кўриниб турибди-ки, исломда молнинг ҳимоясига шунчалар қаттиқ талаб этилар экан, миллати, ўзи туғилиб катта бўлган макон ҳимояси учун жон олиб-жон бериш эса энг олий фазилат, суннат даражасига

¹¹⁵ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, *Ҳадис ва ҳаёт, 34-жуз, Ҳилол-нашр, -Тошкент: 2009, 145-бет.*



кўтарилгани сир эмас. Акрам образи шу маънода бадиий қимматга эга.

Акрам қисмат олдида ожиз. Аммо у тушкунликка тушмайди, эътиқодда собит қолади.

“Хабар”нинг ҳар бир қаҳрамони руҳида, ҳаётида даврнинг имзоси бор. Бу жиҳат маълум маънода инсонларнинг ўзаро “Қалб-нафс-замон” деб аталмиш зиддиятига боғлиқ. Бу зиддиятлар муаллиф ХХ аср бошларида эрк учун, эътиқод учун, ғурур учун, урушга отланган ва улар ортидан мунғайиб қолган миллат вакилларининг руҳияти орқали беради. Турли қадриятлар, ўлим, Ватан, эътиқод, муҳаббат, умид каби тушунчаларнинг тирикчилик деган оташ таъсирида қанчалик ўзгариши асарда моҳирона ифодаланган. Шунингдек ўқувчи асар таъсирида инсон ва ҳаёт ҳақида янги хулосалар кашф этиш мумкин.

“Хабар” қиссаси ва “Наъба” сураси. Ўзбек адабиёти тараққиётида мумтоз бадиият намуналарига мурожаат қилиш ва фольклордан намуна сифатида фойдаланиш анъана тусига кирган. Бу Ғарбда классицизм истилоҳи билан номланган бўлса, Ўрта Осиё мумтоз адабиёт деб аталди. Х асрга келиб ўзбек адабиёти ҳадис ва Қуръон оятларидан илҳом манбаи сифатида фойдалана бошланди. *“Қуръоний мавзуларнинг жаҳон, хусусан, ўзбек адабиётига сингиб кетишини ўрганиш фақат диний нуқтаи назардангина ибратли бўлиб қолмай, балки Шарқ адабиётининг, хусусан ўзбек адабиётининг ҳам биз учун мавҳум қирраларини ойдинлаштириб, ҳозирги ўзбек*


адабиётининг шажаравий, мозийдан узилмас алоқаларини тиклашга ҳам мадад беради. Чунки шоирларимиз Хожя Аҳмад Яссавийдан Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Машраб, Сўфи Оллоёргача ва бошқа кўплаб қалам аҳли ижодида Қуръоннинг катта таъсири бор”¹¹⁶.

Қуръони Карим ўзининг XIV асрлик тарихи давомида қанчадан-қанча мамлакатлар ва алломалар тақдирида тутган ўрни, бадий таъсир сарчашмалари ва нуфузи туфайли чуқур илмий, диний таҳлил ва тадқиқотларда пойдевор вазифасини ўтади. Қуръон ислом динини қабул қилган халқлар адабиётига сингиб, маҳаллий, диний, адабий ақида ва анъаналар, урф-одатлар замирида ўзбек адабиёти илмининг шоҳ асарлари яратилишига сабаб бўлди.

Араб ва ноараб (асосан форсий ва туркийзабон) адабий оқимларининг тўқнашуви таъсири жараёнида мусулмон адабиётлари аро муштараклик вужудга келади ва жаҳон адабиёти, хусусан, Ғарб адабиётига ҳам таъсир ўтказди.

Араб, форс ва туркий тилларда яратилган ислом адабиётининг устунлик жиҳатларини қидириш мантиқсиз, шунинг учун бир тилда яратилган миллий адабиёт ўзига хос қирраларга молик бўлиб, муайян даврда юксалиши давлат тили мақомига кўтарилишига ҳам боғлиқ бўлган. Аммо бу адабиётлар учун умумислом бўлмиш Қуръони Карим тилида ижод этиш ва Қуръон мавзуларидан кенг фойдаланиш хосдир. Мусулмон адиблари қай миллат


¹¹⁶ Хотамов И., Саримсоқов Б., Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати, -Тошкент: Ўқитувчи, 5-бет.



вакили бўлишидан қатъий назар, аввало, ягона уммат аъзолари саналади. Шу нуқтаи назардан уларнинг ижодида миллий хусусиятлар Қуръонда ўз ифодасини топган умумислом ва умуминсоний характерлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлади. X асрда араб халифалиги ҳудудларида яратилган турли тилдаги адабиётларда миллий оҳанглар кучайиши табиий ҳол эди. Аммо мазкур давлатлар ислом байроғини тубан тутмаганлиги ва диний эътиқод халқ¹¹⁷ орасига сингиб бўлгани туфайли ислом йўналиши саёзлашмади, аксинча тўсиқларни енгиб, кучайиб борди.

X асрда Қуръоний мавзуларни бадий адабиётга олиб кириш анъана тарзига айланган бўлса, орадан роса ўн аср ўтиб, Аъзам Ўктам ўзининг “Хабар” қиссасида бу анъана тарзини янгилади. Қиссанинг сўнгида берилган хат асарнинг бутун мазмунини очиб берган. “Ассалому алайкум, қадрли Тавфуқбек. Бу хатни олиб боргувчи – менинг ўғлим. Эҳтимол танирсиз ҳам. Кеча тўртинчилар Хонавотга қараб юрди, деб эшитиб қолдим. Болалардан шубҳаланишмас деб, уларни илгарироқ жўнатдим. Агар кучингиз етишига ишонмасангиз, қишлоқдан кетинг – халқ жавр кўрмасин. Сиздан илтимос, одамларга айтинг – бир жойга йиғилишмасин. Ботирнинг дўстларидан бири менга айтдики, қози тўртинчиларнинг идорасига борганмиш. Шунини ҳисобга олинг. Эртага ўзим ҳам етиб бораман. Бир пайтлар: “Қуръон оятларини ўз тилимизда ўқийдиган кунлар келармикан?”- дердингиз. Худодан мадад тилаб,

¹¹⁷ Ҳамидулла Кароматов. “Қуръон ва ўзбек адабиёти”, - Тошкент: Фан, 1993. 65-б.




қўлимдан келганча “Наъба” – “Хабар” сурасини ўзбекчалаштирдим” мазмунидаги хат ва Қуръони каримдаги “Наъба” сураси таржимаси ёзувчининг ўзигача бўлган анъаналардан фойдаланиб, янги бир йўналишни бошлаб берганини кўрсатади. Таржимада аслиятнинг гўзал саъж қофиясини ифодалашга имкон бўлган. Қуръоннинг оҳанраболиги ва қироат қилганда одамни сеҳрлаб қўйиш қобилияти саъж билан боғлиқ. Араб алифбосидан беҳабар ўқувчи учун оятларни ўзимизга таниш ҳарфлар ёрдамида ифодалаш кифоя қилади. Аъзам Ўктамгача ва ундан кейин Қуръони каримнинг таржимасига қўл урган илм аҳли бор. Улар баъзан мазмунига, баъзан сўзма сўз таржимага эътибор қаратишганининг гувоҳи бўлсак, Аъзам Ўктам таржимасида саъж имкониятларидан кенг фойдаланилганига шоҳид бўламиз.

“Наъба” – “Муҳим хабар” бўлиб, суранинг ичида келган шу сўз унга ном бўлган. Бошланиш сўзига эътибор қилиб, бунини “Амма” сураси ҳам дейилади¹¹⁸. Бу сурада қиёмат кунининг ҳақ кун эканлиги, унга ишонганларнинг сўнги хайрли бўлиши, ишонмаганларнинг оқибати ёмон экани ҳақида илоҳий мужда берилади.

Наъба сураси (арабча: *النبا* سورة, номининг маъноси — *Хабар*) — Қуръоннинг 78-сураси. Маккаий суралардан бири, 40 оятдан иборат. Бу сура Қуръоннинг 582–583-саҳифасида ва 30-жузъида жойлашган.

Бугунги кунда суранинг Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, ҳамда Шайх Абдулазиз Мансур томонидан

¹¹⁸ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Тафсири Ҳилол, 30-жузъ, Ҳилол-нашр, 87-б.



тафсир ва таржима қилинган вариантлари бор.(Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, илк бора Шайх Абдулазиз Мансур томонидан таржима қилинган Қуръони каримнинг маънолар таржимасига Аъзам Ўктам муҳаррирлик қилган.)


Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

(Мушриклар) бир-бирлари билан нима ҳақида савол-жавоб қилишмоқдалар.¹¹⁹ Ушбу ояти карима “Наъба”даги 1-оятнинг тўғридан тўғри, яъни сўзма сўз таржимаси бўлиб, мутаржим, саъжли оят ўрнини тўлдириш учун мушриклар сўзини қўллайди. Таржимон томонидан ушбу сўз қўлланилгани учун сўз қавс ичида берилади.

Яна бир таржимада ушбу оятни “Нима ҳақида сўрашади?”¹²⁰ тарзида берилади. Бу таржима Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларига тегишли бўлиб, ояти кариманинг мазмунини умумлаштириб берадиларки, тафсирида оятнинг мазмун-моҳияти, унинг нозил бўлиш сабабларига мухтасар тўхталиб кетилади. Яъни, анави мушриклар бир-бирларидан нима ҳақида сўрашмоқда? Ушбу савол сўралаётган нарсанинг аҳамиятини ошириш учун билиб туриб қасддан сўраш услубига киради. Аввал айтиб ўтилганидек, Макка мушриклари ўзаро бир-бирларидан ўлгандан кейин тирилиш ҳақида истехзо ва инкор тариқасида сўрар эдилар. Ана ўша мушриклар сўраётган нарса улуғ ва аҳамиятли нарса эканини англатиш учун ушбу услуб ишлатилмоқда.

¹¹⁹ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири/матн/ таржима ва тафсир муаллифи, Шайх Абдулазиз Мансур. -Тошкент: Сано-стандарт, 2021. 582-бет

¹²⁰ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Тафсири Ҳилол, 30-жузъ, -Тошкент: Ҳилол-нашр, 87-б.



Биринчи оятда савол берилиб туриб, бировнинг жавобини кутмасдан иккинчи оятда жавоб берилмоқда¹²¹.

Ҳар икки таржимада аслиятдан таржима қилинган бўлиб, қироатхонга оят маъно-мазмунини тушуниш, моҳиятни англашга йўл берилган бўлиб, бироқ Қуръоннинг гўзал саъж қофиясини ифодалашга имкон бўлмаган. Ваҳоланки, Қуръоннинг оҳанраболиги ва қироат қилганда одамни мафтун қилиши саъж билан боғлиқ. Илк оятлар ваҳий этилиб, Муҳаммад алайҳи-с-салом қироат қила бошлаганларида мушрик қурайшликлар ҳидоят сўзларига қулоқ солмагани ва ҳатто пайғамбарни масхара қилганлари тарихдан маълум. Шунда пайғамбар уларга ўзлари қироат қилаётган сурага ўхшашини ижод этишни таклиф қиладилар. Ҳеч бир инсон бунга қурби етмайди. Араб алифбосидан беҳабар ўқувчи учун оятларни ўзимизга таниш ҳарфлар ёрдамида ифодалаш кифоя қилади.

Аъзам Ўктам ўзининг шоирона тафаккури ёрдамида “Наъба”нинг саъжли шаклини яратишга ҳаракат қилган.


Бу халқ бир-биридан нени сўрашар. Бу баҳс улуғ хабар хусусиндадир (яъники, бу баҳс улуғ кун қиёмат куни ҳақида. Бу ҳақида “Қиёмат” сурасида ҳам алоҳида кўрсатмалар юборилганки, ширк эгалари “Қиёмат куни қачон ўзи?” – деб сўрайди. У шундай кунки, “У кунда инсонга (дунёдалик чоғида) қилиб ўтган ва қолдирган (барча) нарсаларнинг хабари берилур¹²². Шу ҳақда ихтилоф қилурлар ҳамон. Бу

¹²¹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Тафсири Ҳилол, 30-жузъ, -Тошкент: Ҳилол-нашр, 88-б.

¹²² Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири/матн/ таржима ва тафсир муаллифи, Шайх Абдулазиз Мансур. -Тошкент: Сано-стандарт, 2021. 624-б. 577-бет


куннинг бўлиши ҳақида шубҳада бўлган кишилар, бу сўзларни ёлғон деб масҳараловчилар кўп бўлган. *Йўқ, улар яқинда билурлар бунни.* «Каллаа» лафзи араб тилида нотўғри фикрларни шиддат билан рад этиш учун ишлатилади. Ушбу оятда ҳам мушрикларнинг ўлгандан сўнг қайта тирилишига ишонмаётганликлари масаласига шиддат ила, *»Йўқ!!!»,* деб рад этилмоқда. *Йўқ!!!* Уларнинг бу қилмишлари нотўғри! Улар ўлгандан кейин тирилишни, албатта, биладилар. Бу иш уларнинг бошларига, албатта, тушади. Ҳамма тезда бу ишни ўз кўзи билан кўради. *Йўқ, яна йўқ, жуда тез билажаклар. Ерни тўшак қилиб бермадикми биз,* «Миҳадан» - араб тилидан тўғридан тўғри таржима қилинганда бешик маъносига келади. Одатда бешик бу янги туғилган чақалоқларнинг ором олиб ухлаши учун жуда ҳам эҳтиёткорлик билан тайёрланган буюм. Ернинг шакли ва шамоёили ожиз инсон умр кечириши учун мос қилинган Аллоҳнинг буюклигига далил. *Қозиқ бўлмадими тоғлар заминга(оят сўзма-сўз таржимада "тоғларни эса қозиқлар қилиб қўймадикми?"* тарзида келса, Аъзам Ўктам бу ояти карима таржимасида ритм ва оҳанг уйғунлигини ҳам сақлаб қолишга уринган.

Инсон зоти ҳаётини тажрибага суянади. Ўзи кўрган ва ҳис қилган, илмий исботини топган нарсаларгагина таянади. Тоғлар улкан. Уларнинг ҳайбати ҳамиша инсонни ҳайратга солиб келган. Бу биз кўриб турган ҳақиқат. Яқинда олимларнинг тадқиқотлари натижасида тоғлар нечоғли улкан бўлмасин, замин қаърида уларнинг кўринишидан тўрт ярим марта катта қисми бўлиши ўз исботини топди.



Бежизга қозиқ истилоҳи қўлланмаганки, тоғлар қозиқ бўлиб турмаса, ер курраси ҳозирги ҳолида турмасдан, низоми бузилишини ҳам уламолар исбот қилдилар.

Кечани яратдик биз либос қилиб, тирикчилик вақти айлаб кундузни. Кечани либос қилиб, яъни барча жонзотлар фаолиятдан тўхташию, кун бошланиши билан яъни замин тириклик сари, тирикчилик сари интилиши ҳам буюк Яратгувчининг иши. Зеро ҳар бир ҳодисада ўлчов-мезон ва тарозу борлигига ишора борки, суранинг кейинги оятларида ҳам бу нарсалар бирма-бир санаб ўтилади. Тепангизда етти мустаҳкам осмон. Ҳар доим чарақлаб тургувчи чироқ. Булутни яратдик – ёруғ ёмғирлар. Унгай дон, наботот, сердарахт ўрмон. Ўша кун келмаги тайин бир вақтдир. У кун сур чалиниб бўлурсизлар жам. Эшикка айланур ёрилиб само. Саробдек сузар тоғ жилиб ўрнидан. Осийлар жойидир жаҳаннам шаксиз, Кофирлар қулашин пойлаб турар у. У жойда қолурлар улар кўп узоқ. Тополмай салқинлик бирор қултум сув. Фақат қайноқ суву йиринг ичарлар. Мувофиқ жазо шу. Нечукким, улар ноумид эдилар ҳисоб-китобдан. Пуч, ёлғон дердилар оятларимиз. Неки бор қўйганмиз ҳисоблаб, ёзиб, тотинг, фақат азоб бўлгай зиёда. Ким тақводор нажот манзили бордир, яна боғ, узумзор, тенгқур хушқадлар. Лим-лим майкосалар бордир у жойда – ёлғон, беҳуда сўз эшитмаслар ҳеч. Бу Раббингиз бермиш комил мукофот. Еру кўк Тангриси, меҳрибон зот ул. Руҳ ва фаришталар саф тортажак кун бир сўз деёлмаслар қўрқиб ул зотдан, раҳм ила изн олган фақат рост сўзлар. У кун ҳаққи ростдир. Кимни хоҳламиш – Тангрига элтгувчи йўлни




тутажак. Сизни огоҳ этдик, келгич азобдан, у кун неки қилмиш кўрур ҳар кимса. Кофирлар: “кошкийди тупроқ бўлсам...”-дер.

Қуръоннинг матни XIV аср давомида ўзгаргани йўқ, ўзгармайди ҳам. Аксинча, ундаги иборалар турли тилларга сингиб ўтиб, ўзига хос Қуръоний иборалар сифатида турли халқларнинг мақол ва маталларига асос солди. Бир сўз билангина олам-олам маънони ифодаловчи иборалар жилоланиб тарих нафаси жонланди¹²³. Қуръон матни ўзгармаган, ислом динини қабул этган халқлар тарихи замон зайли билан ўзгариб борган. Қуръон матни замон ва маконда маҳаллий-тарихий муҳит таъсир доирасига эга бўлиб, ҳар бир халқ тараққиётининг муайян даврида ўзига тегишли хулосалар чиқарган, Қуръон оятларини адабий асарларга киритган. Мазкур жараён натижасида миллий адабиётининг Қуръон матни билан синтези асосида бадий ва диний-дидактик асарлар яратилган. Диний, фаласафий ва умуминсоний ҳақиқатларни ифодалаган қарашлар Аъзам Ўктам бадий қиёфасини белгилашда муҳимдир.

Адиб “Хабар” таркибида “Наъба” таржимасини шунчаки бериб, бошқаларни лол қолидиришга уринмади, балки, асар моҳиятида ўзи орзу қилган, иймонли, илмли, ўзини тафтиш қилувчи қаҳрамон Акрамни, эстетик идеалини давр муаммолари ичида намоён бўлишига эришди. Ўзидан норози бўлган солиҳ инсон қиёфасани гавдалантирди. Аъзам Ўктамнинг ютуғи шундаки, қисса давомида Акрам руҳиятидаги зиддиятларни “Нопок бўлсангиз ювинингиз

¹²³ Hamidulla Karomatov. «Qur'on va o'zbek adabiyoti», -Токунт: Fan, 1993. 66-6.



деган ҳукм фақат баданга хосми? Кўнгил-чи? Уни поклай олмадим-ку, ахир”, “одамлар кўзида киммиз-у Оллоҳ наздида киммиз?”, “Биз Қуръон оятларини ўқиймиз, бироқ аксар ҳолларда маъносини билмаймиз”, “Оятни ёдламасин, маъносини билсин, қалбига ўз-ўзидан муҳрланиб қолсин. Билмаган нарсасини ўқимасин. Нимани ўқиса–билсин, билганига амал қилсин. Биз дунёвий билимларни олишимиз шарт” сингари ички нутқ орқали қаҳрамон руҳияти тасвирларини ўқувчи англаб боради.

Биз тарих ва келажак оралиғидаги мавжудотмиз. Ўтган кунимизга қараб эртаимизга кўз тикамиз. Барчанинг борар манзили битта. Хабар қиссаси мазмунида ҳам, “Наъба” сураси моҳиятида ҳам битта мақом мавжуд – таназзул. Ҳақиқат кўриниб турса ҳам, уни тан олиш қийин масала экани асар орқали очиқ ойдин кўрсатиб берилган.

Аъзам Ўктам ижодида муҳим ўринга эга бўлган “Хабар” ўтган асрнинг биринчи чорагидаги давр воқеаларини қаламга олади. Шўро сиёсати: номигагина ўтказилган сайловлар, бойлар, босмачилар ҳамда тозалик йўлида жон куйдириб, динни бидъат-хурофотдан тоза кўриш ниятидаги йигитларнинг интилишлари ўзининг бадиий ифодасини топади. Асарда тиғизлик бор, воқеа-ҳодисалар жуда ихчам-мухтасар баён этилган.

Кўринадики, “Хабар”да эътиқод ва нафс, озодлик ва мутеълик, ҳақиқат ва тириклик, миллат ва иймон ўртасидаги ҳаракатдан, зиддиятдан хабар берилади. Асарда асосий деталь – Қўқон, мақсад унинг фожиасини тасвирлаш

асносида Акрамнинг фожиаси, инсон фожиаси, иймон фожиаси тарзида кўрсатиб берилади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Асосий мақсадимиз Аъзам Ўктам шеърятининг хос хусусиятлари ва шоир эстетик идеалини намоён қилувчи омилларни ўрганиш эди. Шунинг учун аввало, эстетик идеал ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш керакка ўхшади. Биринчи бобимизнинг дастлабки фаслида шу муаммо ечимига эътибор бердик. Идеалга интилиш – бу етукликка интилиш. Ўз навбатида шоир ижоди идеал сари ташланган одимдир. Шоир – субъект ва воқелик – объект ўртасидаги муносабат идеалнинг юзага келишига сабаб бўлади. Агар шоир кўнгли ва реал ҳаёт мувофиқ келса, унда ҳеч қандай идеалга эҳтиёж қолмайди. Ижодкор мавжуд реалликдан қониқмаяптими, у ўз орзусидаги, хаёлот дунёсида яратган мукамалликларини бадий дунёсида акс эттиради. Демак, идеал – мавжуд нарса эмас, бўлиши исталаётган нарса. Идеал этик, эстетик, ижтимоий шу билан бирга диний идеал сифатида намоён бўлади. Лекин улар озиқланадиган бир илдиз бор, у ҳам бўлса шахсий идеалдир.

XX аср 80-90 йиллар поэзиясида ижодкор эстетик идеалининг намоён бўлиши ҳам ана шу мавжуд реаллик ва шоир орзулари ўртасидаги зиддият натижасида юз берган. Идеал ижодкор ижод йўлининг маълум томонини белгилайди. Бу давр поэзиясида бўй кўрсатган идеал



замондаги, жамиятдаги инсонлар ҳаётидаги, эътиқодидаги ноқисликларни мукамал кўриш орзуси, мақсади натижасидир. Бугунги ўзбек поэзиясида эстетик идеалнинг асосий хусусиятлари ҳақида кузатишлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- миллат эстетик дунёқарашида бўй кўрсатган ўзгаришлар, янгиланган фикр, янги руҳиятни, янги руҳий эстетик идеалнинг том маънода ўзгаришини тақозо этди;


- адабиётдаги ижтимоий идеал янги эстетик моҳият касб этди;

- эстетик идеал жамоанинг эмас, шахснинг индивидуал такрорланмас туйғуларини ифода этди;

- эстетик идеал туйғу ифодасинигина эмас, балки миллий тафаккурни ҳам янгилади;

- эстетик идеал поэтик қонунлардан кўра инсон кўнгли майлларига бўйсунди.


Шоир дастлаб ўзигача бўлган анъаналарни давом эттириб, инсон ижтимоий ҳаётда эркин ва озод бўлиши кераклигини ҳамма нарсадан устун қўйган. Бу даврда ёзган шеърларида шоир эстетик идеали давр фожиалари ичидаги одамнинг қалб кечинмалари фонида берилади. Аъзам Ўктам ҳаётдаги салбий ҳолатларни фош этгани ҳолда соф ва покиза туйғуларга асосланган дунёни орзу қилади. Бу эса истиқлол соғинчи, унга эришиш умидидаги пок қалбли инсон қиёфасини тасаввурларда жонланишига шароит яратиб берганини кўриш мумкин. Тадқиқотимизда шоирнинг поэтик образлардан фойдаланиш маҳорати ҳақида фикр билдирилди. Шоир бу ўринда мумтоз сўз



санъатидаги анъанавий поэтик образлар “ошиқ”, “маъшуқа”, “рақиб”, “дўст” образларидан фойдалангани таҳлиллар орқали асосланади. Бу образлар шоир шеъриятида моҳиятан янгиланди ва шоир эстетик идеали анъанавийлигини таъминлаган омил сифатида юзага чиқди.

Шоир ижодининг янги бир босқичини ўзида ифода этган янги эстетик идеал шоир дунёқараши ва эътиқоди билан юзага келган ва бу босқич ўтган асрнинг 90-йилларидан кейин яратилган асарлари мисолида янада ойдинлашади.

Аъзам Ўктам шеъриятидаги тасаввуфий, ахлоқий, маърифий, бадий-эстетик тасаввур ва талқинлар тасодифий эмас. Янгиланган анъана ҳақида сўз кетганда, кўпинча образ, фикр ва тасвирлаш усуллари англанади. Лекин туйғу ва руҳониятдаги ўзига хос қонуният ҳам мавжуд-ки, бу ўзигача бўлган ижодкорлардан фарқли бўлиб, муаллиф эътиқоди билан боғлиқ равишда бўй кўрсатади. Оламни билишдан мурод – одам. Одамни тадқиқ этишдан мақсад – Худо. Худони англаш камолотга етаклайди. Камолотнинг чегарасини белгилаб бўлмайди. Одам ҳамиша ўзини билиш учун яшайди. Аъзам Ўктамнинг янгиланган эстетик идеали табиати ҳам бундай жараёндан мустасно эмас. Шоир ижодида янгиланган эстетик идеал талқинида бирламчи Ҳақ(олий бунёдкор куч), сўнгра инсон, шундан кейингина объектив борлиқ. Шоир фикрича, бирламчи омилсиз кейингиларини ақлга сиғдириш мушкул. Аъзам Ўктам ижодидаги янги эстетик идеалнинг юзага келишида ушбу омиллар асос бўлган.




Шоир шеърларида шакл ва мазмун уйғунлигининг мукамал намунасини кўрамиз. Шоирнинг сўз қўллаш маҳоратидаги айрим нозик жиҳатлар унинг услубини белгилашда муҳим омил. Сатрларда лирик кечинмалар орқали тарих ҳақиқатини очишга эришилган. Чуқур фалсафий, миллий ғурур, диний-ахлоқий теранлик шоир шеърияти асосларини белгиловчиси сифатида намоён бўлади.

Умуман олганда, Аъзам Ўктам эстетик идеалининг асоси анаънавий Шарқ мумтоз поэтикасидир. Шу билан бирга шоир замонавий поэтика анъаналарини синтез қилиш орқали ўзига хос бир йўлни топган.

Аъзам Ўктам ижодида муҳим ўринга эга бўлган “Хабар” ўтган асрнинг биринчи чорагидаги давр воқеаларини қаламга олади. Шўро сиёсати: номигагина ўтказилган сайловлар, бойлар, босмачилар ҳамда тозалик йўлида жон куйдириб, динни бидъат-хурофотдан тоза кўриш ниятидаги йигитларнинг интилишлари ўзининг бадиий ифодасини топади. “Хабар” қиссасида эътиқод ва нафс, озодлик ва мутеълик, ҳақиқат ва тириклик, миллат ва иймон ўртасидаги ҳаракатдан, зиддиятдан хабар берилади. Асарда асосий деталь – Қўқон, мақсад унинг фожиасини тасвирлаш асносида Акрамнинг фожиаси, инсон фожиаси, иймон фожиаси тарзида кўрсатиб берилади.

Аъзам Ўктам эстетик идеалини ўрганиш орқали асар бадииятини таъминлаган омиллар, ўзбек адабиётида маълум даврга хос хусусиятларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиб, баҳо бериш мумкин. Бу ҳатти-ҳаракатлар



Ўзбек адабиётшунослиги учун аҳамиятсиз ҳодиса деб бўлмайди.


Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Илмий-бадiiй адабиётлар


1. Абдулла Шер ва бошқалар, Эстетика // Услубий қўлланма, -Тошкент: 2008.
2. Абдурауф Фитрат, Адабиёт қоидалари.//Адабиёт муаллимлари ҳам ҳавасмандлари учун қўлланма, -Тошкент: Ўздавнашр, 1926.
3. Азиз Саид, Чилтор, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988.



4. Абдували Қутбиддин, Бахт йили, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.
5. Адабиёт назарияси, икки жилдлик, 1-жилд, -Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
6. Аристотел, Поэтика, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980.
7. Акромов Б., Шеърят гавҳари, -Тошкент: 1979.
8. Бертелс Э.Е., Изобранные труды. Наваи и Джами. –Москва:
9. Белинский В.Г., Адабий орзулар, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977.
10. Бобоев Т., Адабиётшуносликка кириш, -Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
11. Бобоев Т., Шеър илми таълими, -Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
12. Воронсев В.Л., Тафаккур гулшани, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981.
13. Гегель Сочинение, Том X. 4. Лекции по эстетике. Книга 3. Изд. во соц. эконом. Литературе. –Москва: 1958.
14. Жалолиддин Румий, Ичиндаги ичиндадур, -Тошкент: 2009.
15. Жўрақулов У., Худудсиз жилва, -Тошкент: Фан, 2006.
16. Илинский И., Постигая идеала, -Москва: 1981.
17. Йўлдошев Қ., Ёниқ сўз, -Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.
18. Камалак: Адабий-танқидий йиллик тўплам. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990.
19. Кожинов В.В., Как пишут стихи? – Москва: Провещение, 1970.
20. Кароматов Х., Қуръон ва ўзбек адабиёти, -Тошкент: Фан, 1993.
21. Мингбоева Д, Тимсоллар тилсими: рамз, белги ва тимсоллар тавсифи, -Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.
22. Маҳмудов Қ., Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббат-ул ҳақойиқ” асари ҳақида, -Тошкент: Фан, 1972.



23. Муҳаммад Исмоил ал-Бухорий, Ал жомийъ ас-саҳиҳ, тўрт жилдлик, 2-жилд, -Тошкент: 1997.
24. Мелиев С., Қўшжонов М., Абдулла Орипов, -Тошкент: Маънавият, 2000.
25. Норматов У., Нафосат гурунглари, -Тошкент: Муҳаррир, 2010.
26. Норматов У., Ижод сеҳри, -Тошкент: Шарқ, 2007.
27. Нурматов М., Танқид ва эстетика, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976.
28. Олимов М., Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси, -Тошкент: Фан, 1994.
29. Радий Фиш, Жалолиддин Румий, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977.
30. Расулов Т., Бадиий асар қанотлари, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977.
31. Расулов А., Бадиийлик – безавол янгилик, -Тошкент: Шарқ, 2007.
32. Раҳмонов Б., Муқаддасдир шоир деган ном, -Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.
33. Соловев В.С. Литературная критика, -И.: 1990.
34. Султонов И., Адабиёт назарияси, -Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
35. Фалсафадан изоҳли луғат, -Тошкент: Фан, 2008.
36. Умуров Ҳ., Адабиётшунослик назарияси, -Тошкент: Халқ мероси, 2004.
37. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Тасаввуф ҳақида тасаввур, -Тошкент: Мовороуннаҳр, 2004.
38. Шермуҳаммедов П., Истеъдод сеҳри, -Тошкент: Ёш гвардия, 1977.
39. Шавкат Раҳмон, Сайланма, -Тошкент: Шарқ, 1997.
40. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, тўрт жилдлик, 2-жилд, -Тошкент: 2002.
41. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки жилдлик, 1-жилд, -Тошкент: 1989.



42. Қуроноф Д., Мамажонов З., Шералиева М., Адабиётшунослик луғати, -Тошкент: Академнашр, 2010.
43. Қўшжонов М. Ижод сабоқлари. -Тошкент: Ёш гвардия н. Т. 1973.
44. Қосимов Я., Уйғониш садолари, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.
45. Ҳаққулов И., Тасаввуф ва шеърият, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.
46. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б., Адабиётшунослик терминларининг русча -ўзбекча изоҳли луғати, -Тошкент: Ўқитувчи, 1979.

II. Диссертациялар

47. Ашурбоева Г.Н., Абдулла Орипов шеъриятида анъана ва бадий маҳорат. филол.фан.номз. дисс. -Тошкент: 2008.
48. Жабборов И.Ш., Абдулла Орипов шеъриятида тарихий шахс концепцияси ва лирик қаҳрамон масаласи, филол.фан.докт. дисс. -Тошкент: 2006.
49. Йўлдошева М.Қ., Ҳозирги ўзбек модерн шеъриятининг асосий хусусиятлари. филол.фан.номз. дисс. -Тошкент: 2004.
50. Тўлаков И., Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини, филол.фан.номз. дисс. -Тошкент: 1994.
51. Фармонова М., 80-йиллар ўзбек лирикасида табиат ва инсон концепцияси, филол.фан.номз. дисс. -Тошкент: 1992.
52. Қурбонбоев И.А., 90-йиллар шеъриятида образлилик, филол.фан.номз. дисс. -Тошкент: 2005.

III. Матбуотда эълон қилинган илмий-адабий мақолалар

53. Абдулла Шер., Келмагу кетмакдин не экан тақдир//Тафаккур, 2006, 1-сон.
54. Вафо Файзулло эл кўнглини кўтарган Шоир, Маънавият, 2006, 10-октябр, www.ziyo.com.
55. Давлатова А., Фикр агар яхши тарбият топса...//Ўзбекистон матбуоти, 2006, 6-сон.

56. Каримов Б. Аъзам Шоирнинг Ўктам овози // Шарқ юлдузи журнали 2010 йил 5-сон.
57. Сувон Мели, “Хамса”да муаллиф образи категорияси// Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 5-сон.
58. Сувон Мели, Шеъринг сўз ва эстетик таъсир// Ўзбек тили ва адабиёти, 1982, 2-сон.
59. Саримсоқов Б, Лирикада бадий тафсил// Ўзбек тили ва адабиёти, 1992, 5-6 сонлар.
60. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Аъзам Ўктам хотираси// <http://www//islom.uz/islomadabiyoti>
61. Ҳамдамов У., XX аср ўзбек шеъринида идеал муаммоси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, 5-сон, 29-бет.

IV. Аъзам Ўктамнинг бадий асарлари

62. Аъзам Ўктам, Кузда кулган чечаклар, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989.
63. Аъзам Ўктам, Кузатиш, -Тошкент: Ёш гвардия, 1990.
64. Аъзам Ўктам, Тараддуд, -Тошкент: Чўлпон, 1993.
65. Аъзам Ўктам, Икки дунё саодати, -Тошкент: Чўлпон, 1998.
66. Аъзам Ўктам, Қирқинчи баҳор, -Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999.
67. Аъзам Ўктам, Хабар//Шарқ юлдузи, 1995, 1-2 сон.
68. Аъзам Ўктам, Зиёрат, -Фарғона: Янгиқўрғон, 1992.

МУНДАРИЖА

Аъзам Ўктам ижодининг дастлабки тадқиқи.....	4
Муқаддима.....	7
ШЕЪРИЯТДА ЭСТЕТИК ИДЕАЛ	
<i>Идеалнинг назарий талқинлари.....</i>	<i>11</i>
<i>XX аср сўнгги чораги ўзбек поэзиясида эстетик идеал.....</i>	<i>20</i>
АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИДА ЭСТЕТИК ИДЕАЛНИНГ	
АНЪАНАВИЙЛИГИ	
<i>Аъзам Ўктам ижодида анъанавий эстетик идеал.....</i>	<i>30</i>
<i>Аъзам Ўктам шеъриятида эстетик идеал воқеланишида</i>	
<i>анъанавий поэтик образлар.....</i>	<i>46</i>
<i>Эътиқод – поэтик образ сифатида.....</i>	<i>54</i>
АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИДА ЭСТЕТИК ИДЕАЛНИНГ	
ЯНГИЛАНИШИ ВА БАРҚАРОРЛАШУВИ	
<i>Аъзам Ўктам шеъриятида янги эстетик идеалнинг</i>	
<i>шаклланиши.....</i>	<i>64</i>
<i>Аъзам Ўктам ижодига диний дунёқарашнинг</i>	
<i>таъсири.....</i>	<i>72</i>
<i>Аъзам Ўктам эстетик идеалининг воқеланишида</i>	
<i>умумисонийлик.....</i>	<i>80</i>
“Хабар” қиссасида эстетик идеал ва давр	
муаммоларининг бадий инъикоси.....	89
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	111
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	116

АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИДА ЭСТЕТИК ИДЕАЛ

Монография

Муҳаррир

Мўминжон Сулаймонов

Бадий муҳаррир

Гулчеҳра Зокирова

Озодахон Болтабоева

Мусахҳих:

Шоҳида Нишанова

Саҳифаловчи

Наима Шарифжонова

Нашриёт лицензия рақами AL №007, 20.07.2018 й.

22.12.2022-йилда босишга рухсат этилди.

Қоғоз бичими: 60x84 1/16. «Cambria» гарнитураси.

Кегли 11. Шартли босма табағи 7,75

Адади 500 нусха. Бюртма рақами № 22/41

Баҳоси шартнома асосида.

***Наманган вилояти “Аржуманд медиа” нашриётида
нашрга тайёрланди ва чоп этилди.***

ISBN: 978-9943-8923-2-3



9 789943 892323